

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 809.27-3

ББК:81.2-3(5)

Ш-78

Шоназаров Улуғбек Худайбердиевич

**СЎФИ ОЛЛОЁРНИНГ “МАҲЗАНУ-Л МУТЕИН” АСАРИДАГИ
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ АНГЛАТУВЧИ
ФИҚҲИЙ АТАМАЛАР**

5А 5120102 – Лингвистика

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

Диссертация

Аннотация- мазкур магистрлик диссертацияда машҳур олим ва шоир Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л мутеин” асаридаги фикҳий атамаларни лексик-семантик жиҳатдан тадқиқ этиш бош мақсад қилиб олинган. Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л мутеин” асаридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни англатувчи фикҳий атамалар эса тадқиқот предмети қилиб олинган.

Илмий раҳбар:

с.ф.н. Арипов.Ш

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Терминология муаммолари ва Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л мутеин” асари	11
1.1.Терминология муаммолари ва фикҳга оид атамаларнинг шаклланиши.....	11
1.2.Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти ва ёзма мероси ҳақида.....	21
1.3.“Маҳзану-л мутеин” асари тузилиши ва ундаги фикҳий атамалар катлами.....	30
1-боб бўйича хулоса.....	39
II боб. “Маҳзану-л мутеин” асарида фикҳий атамалар ва уларнинг лексик-семантик таҳлили	40
2.1.“Маҳзану-л мутеин” асарида фикҳий масалалар ва улар билан боғлиқ атамалар.....	40
2.2.Асардаги фикҳий атамаларнинг лексик-семантик таҳлили.....	48
2.3.Фикҳга оид айрим атамаларнинг истилоҳий маънолари.....	54
2-боб бўйича хулоса.....	61
III боб. “Маҳзану-л мутеин” асарида эътиқодий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид фикҳий атамаларнинг қўлланилиши	62
3.1.Ақидавий масалаларга оид атамалар шарҳи.....	62
3.2.Ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид атамалар.....	68
3.3.Оилавий муносабатларга оид атамалар таҳлили.....	76
3-боб бўйича хулоса.....	83
Хулоса	84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	87

К И Р И Ш

Магистрлик диссертациясининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон халқлари маънавий мероси қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, уни манбалар асосида ҳар томонлама мукамал ўрганиш долзарб муаммолар қаторида туради. Зеро, узоқ мозийдан бошлаб мутафаккир олимлар томонидан яратилган ва бизгача етиб келган ёзма мерос ҳозирги тадқиқотлар учун муҳим илмий маълумотларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришгач, маънавий меросга эътиборни кучайтириш муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилди. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримизда сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир”¹ – деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Дарҳақиқат, халқимиз собиқ тузум даврида ўз ўтмиши, тарихи, ота-боболаридан қолган маънавий меросни холисона, илмий асосда ўрганиш имкониятига эга бўлмаган бўлса, эндиликда Имом ал-Бухорий (810-870), Имом ат-Термизий (824-892), Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944), Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123-1197), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) каби нафақат юртимизда, балки бутун мусулмон оламида катта шуҳрат қозонган буюк алломаларнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мерослари ҳақида чуқур маълумотларга эга бўла бошлади. Уларнинг ижоди ва ёзма меросини, фалсафий қарашлари моҳиятини ўрганиш кенг тус олди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур асарларнинг тил хусусиятларини тилшунослик нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш ҳам ушбу соҳанинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 30-31.

Сўфи Оллоёр юртимизда етишиб чиққан йирик алломалардан бири бўлиб, унинг ёзма меросини турли йўналишларда тадқиқ этилган. У бугунги кун илмий доираларида, халқ орасида кўпроқ мутасаввуф шоир сифатида маълум ва унинг маънавий меросига асосан адабиётшунослар эътибор қаратиб келдилар. Аслида Сўфи Оллоёр ўз даврининг фақиҳларидан бўлиб, асарларида фикҳ масалалари асосий ўринда туради. Хусусан, унинг форс, туркий ва араб тилларида ёзилган “Маслаку-л-муттақин”, “Саботу-л-ожизин” ва “Маҳзану-л мутеин” асарлари ислом илмларининг икки соҳаси - ақида ва фикҳ масалаларига бағишланган. “Маҳзану-л мутеин” асари эса кўпчиликка номаълум, анча кам ўрганилган. Бу асар ҳажм жиҳатидан Сўфи Оллоёрнинг бошқа асарларидан анча катта бўлиб, араб тилида ёзилган. Алломанинг ушбу асарини ўрганиш биринчидан кам ўрганилганлиги билан, иккинчидан XVII-XVIII асрларда Ўрта Осиёда араб тилида ёзилган кам сонли асарлардан бири сифатида муҳим. Қолаверса, асарни тадқиқ этиш орқали Сўфи Оллоёр илмий салоҳияти, шахсиятини ҳамда тилга олинган даврда фикҳий атамалар муаммолари ҳамда сўз бойлиги билан боғлиқ қатор масалаларга ойдинлик киритиш мумкин.

Ана шу долзарбликдан келиб чиқиб Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л мутеин” асари ижтимоий-иқтисодий муносабатларни англатувчи фикҳий атамалар доирасида тадқиқ этиш мазкур магистрлик диссертациямиз мавзуси қилиб олишга асос бўлди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Магистрлик диссертацияси доирасида олиб борилган мазкур тадқиқотимизнинг объектини тилшуносликнинг Терминология масалалари ташкил этади. Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л мутеин” асаридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни англатувчи фикҳий атамалар эса тадқиқот предмети қилиб олинди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Мазкур магистрлик диссертацияда машҳур олим ва шоир Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л

мутеин” асаридаги фикҳий атамаларни лексик-семантик жиҳатдан тадқиқ этиш бош мақсад қилиб олинган. Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:

■ Тилшуносликда Терминология ва унинг бугунги муаммоларини таҳлил қилиш;

■ Араб тили Терминологияси ва унинг ўзбек тили лексик таркибига кириб келиши масалаларини ёритиш;

■ Сўфи Оллоёр “Маҳзану-л мутеин” асарнинг ёзилиш сабаблари ҳамда таркибий қисмларини ўрганиш;

■ Фикҳий асарлар ёзиш анъаналари ва уларда фикҳга оид атамаларнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини таҳлил қилиш;

■ “Маҳзану-л мутеин” асаридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид фикҳий атамаларнинг лексик-семантик маъноларини таҳлил қилиш;

■ “Маҳзану-л мутеин” асаридаги оилавий муносабатларга оид фикҳий атамаларнинг қиёсий тадқиқ қилиш;

■ фикҳий атамаларнинг маъноларини шарҳлаб бериш ва мисоллар келтириш.

Илмий янгилиги. Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л мутеин” асари тадқиқи натижасида диссертацияда қуйидаги илмий янгиликлар қўлга киритилди:

- Атама ва атамашуносликнинг умумий қонуниятларини таҳлил қилиш асносида фикҳий атамалар, унинг шаклланиши ва ўзига хос жиҳатлари очиқ берилди;

- Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар қўлёзма манбалар, нашр қилинган илмий адабиётлар асосида умумлаштириб таҳлил этилди;

- “Маҳзану-л мутеин” асари қўлёзма нусхаларининг кодикологик хусусиятлари ўрганилди. Жумладан, 2166-рақамли қўлёзмаси синчиклаб ўрганиш асосида асарнинг ёзилиш сабаблари, манбалари ва таркибий тузилиши аниқланди;

- “Маҳзану-л мутеин” асари таркиби фикҳга оид бошқа асарлар билан қиёсий ўрганиш асосида фикҳга оид атамаларнинг лексик-семантик маънолари таҳлил қилинди;

- Асардаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид атамаларнинг ақида, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳамда оила муносабатларига оид атамаларнинг қўлланилиши алоҳида бўлимларда ёритиб берилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари шуки, Сўфи Оллоёр ўз даврининг фақиҳ олимларидан бўлиб, унинг бизгача тўртта йирик асарлари етиб келган. У асосан туркий ва форс тилларида ижод қилган. Магистрлик диссертациямизда ўрганилган “Маҳзану-л мутеин” асари эса араб тилида ёзилган ягона асари бўлиб, фикҳ илмига бағишланган. Ана шу нуқтаи назардан асар фикҳ Терминологиясини ўрганишда муҳим ёзма ёдгорлик саналади.

Тадқиқот мавзу бўйича адабиётлар шарҳи. Магистрлик диссертациямизга алоқадор адабиётларни икки гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Мавзуга алоқадор адабиётларнинг биринчи гуруҳи бевосита тилшуносликнинг лексикология ва Терминология йўналишларига бағишланган. Хусусан, диссертациямизда В.М.Белкиннинг “Араб лексикологияси”, Т.Ш.Қодиров ва Д.И.Алиев ҳаммуаллифлигидаги “Араб тили лексикологияси” асарларидан ҳамда шу мавзудаги илмий нашрлар, мақолалар ва ўқув қўлланмалардан алоҳида фойдаланилди². Шунингдек, ўзбек тили лексикасига араб тилидан кириб келган ўзлашмалар С. Усмонов, Ҳ. Дадабоев, З. Ҳамидов, З. Холмоноваларнинг ўзбек тили лексикаси тарихига бағишланган тадқиқотлар асосида қиёсий ўрганишда унумли фойдаланилди³.

² Белкин В.М. Арабская лексикология. – М., 1975; Ковыршина Н.Б., Самоделкина Л.В. Лексикология арабского языка. – М., 2008; Қодиров Т.Ш., Алиев Д.И. Араб тили лексикологияси. – Т., 2010; Эльсабрути Р.Р. Проблемы арабской лексиологии // Ученые записки Казанского университета. Гуманитарные науки. Т.152. Кн.6. – Казань, 2010; Исомиддинов З. Терминлар таржимасида меъёр // Фан ва турмуш. – Тошкент, 2014. №3-4. – Б.37-39.

³ Усмонов С. Ўзбек тилининг лўғат составида тожик-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. – Тошкент, 1968. – Б.106-128; Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи (14 асрнинг иккинчи ярми – 20 аср боши). – Т.: Фан, 2007; Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. – Т.: Фан, 2007.

Бундан ташқари, Ҳ.Дадабоев ўз тадқиқоти доирасида туркий тилга араб тилидан кириб келган ўзлашма қатламлар ва атамалар борасида магистрлик диссертациямизга алоқадор қизиқарли фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтган⁴. Тожикистонлик тилшунос Т.С.Шокиров эса Марказий Осиё халқлари тилларидаги ислом ва шариат назариясини акс эттирувчи диний-ҳуқуқий тушунчаларнинг атамалашувини алоҳида гуруҳларга бўлиб классификация қилишга интиланган⁵.

Мавзуга алоқадор адабиётларнинг иккинчи туркуми Сўфи Оллоёрнинг ёзма мероси тадқиқига бағишланган. Таъкидлаш жоизки, Садриддин Айний, Пўлотжон домла Қаюмов каби адабиётшунос олимлар ўз асарларида Сўфи Оллоёрга мутасаввиф шоир сифатида баҳо берганлар⁶. Афсуски Шўролар жамиятида Сўфи Оллоёрга ўз шеърларида камбағал аҳоли дардларини ифода қилган шоир сифатида қаралди. Форсий ва туркий тиллардаги ижод намуналари “саралаб” эълон қилинди. Диний-ахлоқий мазмундаги ғоя ва қарашлари эса эътибордан четда қолдирилди.

Сўфи Оллоёрни англаш, унинг ҳақиқий шахсиятини ўзбек жамиятига таништириш Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида ва мустақилликнинг илк йилларига тўғри келди. Хусусан, 1990 йиллар бошида Қ.Тоҳиров⁷, Р.Зоҳид⁸, И.Салоҳий⁹ мақолаларини ана шундай мақолалар сирасига киритиш мумкин.

Кейинги даврдаги эълон қилинган изланишлар асосан икки йўналишда олиб борилди. Биринчи йўналишда Н.Аллаёрова¹⁰,

⁴ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках 11-14 вв. – Т., 1991.

⁵ Шокиров Т.С. Формирование и развитие юридических терминов таджикского языка. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Душанбе, 2011.

⁶ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Самарқанд, 1925. – Б.171; Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий. Нашрга тайёрловчи А.Қаюмов. 1-жилд. – Т., 1998. – Б.61-62.

⁷ Тоҳиров Қ. Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин // Овози Самарқанд. 1990. 21-26 май., 6, 9, 13, 16, 18 июнь.

⁸ Зоҳид Рашид. Сўфи Оллохёр ҳақида нималарни биласиз? // Шарқ юлдузи. 1990. №6. – Б.153-156; Зоҳид Рашид. Сўфи Оллоёр // Ислом нури. 1991. №15.

⁹ Салоҳий И. Сўфи Оллоёр: Маънавият кирралари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил 23 январь, – Б.4.

¹⁰ Аллаёрова Н. Сўфи Оллохёр ва шеърӣ маҳорат. – Т.: Чўлпон, 1991. – 125 б.; Аллаёрова Н. Сўфи Оллохёр “Сабот ул-оҷизин” асарининг маърифӣ йўналиши ва бадиияти. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Самарқанд, 2002. – 24 б;

Б.Валихўжаев¹¹, Н.Ниёзова¹² тадқиқотларида Сўфи Оллоёрнинг адабий мероси ўрганилди. Иккинчи йўналишда эса С.Рафъиддинов (С.Сайфуллох)¹³, М.Ханжар¹⁴, Н.Комилов¹⁵, И.Ҳаққулов¹⁶, И.Сувонқулов¹⁷, Ш.Сирожиддинов¹⁸ томонидан алломанинг фалсафий-маънавий мероси тадқиқ этилди. Сўнги йилларда шарқшунос А.Жуманазар тадқиқотлари эса Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти йўли ва шахсиятига оид айрим маълумотларга ойдинлик киритди¹⁹.

Сўфи Оллоёр ижоди хорижлик айниқса туркий тилли мамлакатларда катта қизиқш уйғотган мавзулардан биридир. Бу борада Сўфи Оллоёр татар олимларининг қизиқишини алоҳида эътироф этиш лозим. Сўфи Оллоёрни “Саботу-л-ожизин” асарига шарҳ сифатида ёзилган татар зиёлиси Тожиддин Ёлчиғулнинг “Рисолаи Азиза” асари орқали таниб борган татар халқи кейинчалик аллома ижодининг ашаддий мухлисига айланди. Буни яхши англаган татар олимлари Сўфи Оллоёр ижоди намуналарини тадқиқ этиш ва чоп этишни кенг йўлга қўйганлар. Хусусан, М.Акчурин ўзининг 1917 йилда “Шўро” журналида чоп этган мақоласида Сўфи Оллоёр ижодининг татар халқи маънавий меросида тутган ўрнига алоҳида тўхталиб ўтган эди²⁰. Татаристонда Сўфи Оллоёр ижодига қизиқиш бугунги кунда ҳам катта. Буни Ф.Яхиннинг Сўфи Оллоёр ижодига бағишланган мақоласи, “Саботу-л-ожизин” асарининг 2002 йилда татар тилидаги нашрини ҳамда Р.Р.Маханованинг 2008 йилда амалга

¹¹ Валихўжаев Б. Миёнкол адабий муҳитида Сўфи Оллоёрнинг мавқеи // Мулоқот. 1996. №3. – Б.41-44.

¹² Ниёзова Н. Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижоди. – Қарши: Насаф, 1995. – 40 б.

¹³ Рафъиддин С. Фатво ва тақво китоби // Исломури. 1992. №16-17; Рафъиддин С. Сўфи Оллоёрнинг “Маслак ул-муттақин” асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1993. №2. – Б.48-52.

¹⁴ Ханжар М. Вахшивор ва Сўфи Оллоёр. – Термез, 1993.

¹⁵ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1- китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.

¹⁶ Ҳаққулов И. Сўфи Оллоёр – мутасаввуф адиб // Ўзбек тили ва адабиёти. 1993. №1. – Б.3-9; Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: Бухоро Давлат университети, 2000. – 142 б.

¹⁷ Сувонқулов И. Сўфи Оллоёр. – Т.: Фан, 1995. – 76 б.

¹⁸ Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. –Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. 2001. – 78 б.

¹⁹ Жуманазар А. Тескари оқётган сув // <http://www.yozuvchi.uz>

²⁰ Акчурин М. “Себател-гажизин” китаби // Шўро. – Қозон, 1917. – №8. – Б.181-182.

оширган “Сўфи Оллоёр ижоди ва татар адабиётининг унинг анъаналари” номли номзодлик диссертацияси мисолида ҳам кўришимиз мумкин²¹.

Лекин, юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар Сўфи Оллоёр шахсияти, ёзма мероси тўлалигича ўрганилган деган хулосани келтириб чиқармайди. Хусусан, Сўфи Оллоёрнинг ижодидаги “Маҳзану-л мутеин” асари араб тилида яратилган бўлиб, бу китобнинг илмий-бадий қиммати эса адабиётшунослик, тилшунослик нуқтаи назаридан ҳозиргача махсус ўрганилган эмас. Бу асарнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва илмий таҳлил этиш адабиётшунос, исломшунос ва тилшунос олимлар олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Юқоридаги фикрларнинг амалий исботи ўлароқ Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л мутеин” асари ушбу тадқиқотимиз мавзуси қилиб олинди.

Танланган мавзунинг ўрганилиш даражаси ва нашр қилинган илмий адабиётларни хусусиятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л мутеин” асаридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни англатувчи фикҳийатамалар ва уларнинг илмий-амалий аҳамияти ўрганилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертация мавзусини ёритишда тилшунослик, атамашунослик ва манбашунослик соҳаларининг замонавий тадқиқот методлари асос қилиб олинди. Диссертация мавзусини очиқ беришда асосан Тошкент Давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари марказида сақланаётган “Маҳзану-л мутеин” асарининг учта қўлёзма нусхаси лингвистика тамойиллари асосида тадқиқ этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов асарларида илгари сурилган миллий истиқлол ғояси ва миллий қадриятларнинг асоси бўлмиш ислом

²¹Яхин Ф.З. Суфи Аллаяра кан тугуче, холыксыз улды // Татарстан. 1997. – № 12. – Б.82-85; Суфи Аллаяра. Себател-гажизин. Басмага эзерлэуче хэм кереш мэкэлэ авторы Ф.З.Яхин. – Казань: Хэтер, 2002. – 399 с.; Маханова Р.Р. Творчество Суфи Аллаяра и его традиции в татарской литературе. Дисс. канд фил. наук. – Казань, 2008. – 190 с.

диниға нисбатан ҳурмат билан ёндашиш ва бағрикенглик тамойилларига қатъий амал қилинди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Диссертация материалларидан лингвистика ва атамашунослик курслари бўйича ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар ҳамда маъруза матнлари тузишда фойдаланиш мумкин. Шу билан бир каторда диссертация натижаларидан Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида “Лингвистика”, “Атамашунослик” каби фан ва махсус курслар бўйича ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот келгусида *Терминология* мавзусида амалга ошириладиган тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 92 бет.

I БОБ. ТЕРМИНОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ ВА СЎФИ ОЛЛОЁРНИНГ “МАҲЗАНУ-Л МУТЕИН” АСАРИ

1.1. Терминология муаммолари ва фикҳга оид атамаларнинг шаклланиши

Термин сўзи лотинча “*terminus*” луғавий жиҳатдан чегара, ҳад-худуд маъноларини англатади. Кенг маънода термин бу фан-техника, касб-хунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмасидир. Ёки “термин махсус илмий тушунча маъносини ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасидир”²². Терминология (лотинча “*terminus*” чегара ва грекча “*logos*” фан, таълимот) бу инсон ҳаёти фаолиятида дуч келадиган илм-фан, техника, саноат каби алоҳида соҳаларга оид махсус тушунчаларни англатади. Улар адабий лексиканинг алоҳида қатламини ташкил қилади ва улар номинатив аҳамиятга эга бўлган сўз ва сўз бирикмаларидир.

Айрим тилшуносларнинг фикрича терминлар лексик-семантик тушунчалардан ташқари, турли касб соҳаларида турлича мазмун касб этиши ҳам мумкин. Масалан, А.В.Суперанская, Н.В.Подольская, Н.В.Васильева ҳаммуаллифлигида чоп этилган “Умумий Терминология. Назарий масалалар” номли нашрда терминнинг айрим касб эгаларининг профессионал мулоқотларидаги моҳияти қуйидагича тавсифланган:

- 1) олимлар мулоқотида дефинация (таъриф)га эга бўлган барча сўз ва тушунчалар;
- 2) файласуфлар мулоқотида дефинациянинг қисқартмалари;
- 3) социологларда илм-фан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча махсус сўзлар²³.

²² Краткий словарь иностранных слов. Под. ред. И.В.Лёхина и Ф.Н. Петрова. 5-е переработанное и дополненное издание. – М., 1950. – С.361.

²³ Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории / Отв. ред. Т.Л. Канделаки. Изд-е 2-е. – М.: Эдиториал, 2003. – С.11-12.

Мустақилликнинг илк йилларида терминни ўзбекчалаштириб “атама” ёки “истилоҳ” деб қўллаш оммалашди. Баъзи адабиётларда “термин” сўзи мутлақо “атама” сўзи орқали ифодалана бошлади ва ушбу янги термин тилшуносликда ҳам ўз мавқеъини эгаллади. Албатта бунга “атама” сўзи термин сўзини етарли даражада ифодалаб бера олади деган фикрларнинг илгари сурилиши сабаб бўлди. Айтиш керакки, шу даврда Ўзбекистон Республикаси Президент Девони қошида ташкил этилган Атамашунослик қўмитаси хориждан кириб келаётган терминларни ўзбек тилидаги эквивалентини муомалага киритишга масъул муассаса эди. Мазкур қўмита томонидан *термин* ўрнида *атамани* қўллашга рухсат берилган. Шу сабабли ҳам “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да атаманинг айнан термин эканлиги, атамашунослик эса атамаларга оид масалалар билан шуғулланувчи соҳа эканлиги қайд қилинган²⁴.

Шундай бўлса-да, бу масала ҳозирги кунга қадар муаммоли масала бўлиб келмоқда. Зеро, атамалар ҳар бир тилнинг лексик таркибидаги муҳим қатлам сифатида бир қатор хусусиятларга эга. Масалан, *атама* географик объектлар, атоқли номларга нисбатан қўлланади. Бундан ташқари атаманинг термин хусусияти ҳам мавжуд бўлиб, маълум соҳа ёки тармоқ ичида қўлланилади. Термин эса атамадан фарқли равишта маълум соҳага оид тушунчаларни ифодалайди ва нисбатан маъно доираси кенгрокдир. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки термин ўз ичига атамани ҳам қабул қилади. Ўз навбатида “Истилоҳ” сўзини эса тарихий мавзулардаги матнлар (масалан, адабиёт тарихи, Шарқ фалсафаси ва бошқ.)да бемалол қўллаш мумкин. Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, атама терминнинг бир қисми, бўлаги бўлиши мумкин, аммо терминга нисбатан доираси кичикроқ, термин сўзини етарли даражада ифодалаб бера олмайди ва термин сўзи ўрнига атама сўзини ишлатиб бўлмайди. Лекин, бу атама сўзидан вос кечиш керак дегани эмас.

²⁴ Терминалогия // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.113.

Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу сўздан бирданига воз кечиш мақсадга мувофиқ эмас. Акс ҳолда янги авлод термин ва атама тушунчаларини турли тил birlikлари сифатида қабул қилиши ҳам мумкин²⁵. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда биз ўз ишимизни *атама* номи атрофида кўриб чиқишни маъқул топдик. Зеро, биз ўз диссертациямизда фикҳий термин қамровидаги атамаларни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар доирасида ўрганишни мақсад қилганмиз.

Атамаларнинг ўзлашишига келсак, мутахассислар баъзи хорижий атамаларга ўзбек тилидаги эквивалентини топишга мувоффақ бўладилар. Баъзида танланган янги атама турли хил сабабларга кўра ўз ўрнини тополмайди. Масалан, талаффузда қийинлиги, сўзнинг узунлиги, ёки эса қолиши қийинлиги бунга сабаб бўлиши мумкин. Баъзилари фақатгина ўз соҳасига оид қўлланма бўлиб, соҳанинг ҳужжатлаштирув ишларидагина фаолият юритади, тилда эса ўзлашиб кета олмайди. Гоҳида на соҳада на мулоқотда ўз ўрнини топади, бу эса атамага қўйилган талабларга жавоб бера олмайди. Худди шундай ҳолларда уларни ўзгартириб бўлмаслиги маълум бўлганида, ўзга тилдаги атамалар бошқа тилга ўзлаштирилади. Ҳар бир соҳа ўз атамасига эга, ушбу соҳа атамасини бошқа соҳа атамаси сифатида қўллаб бўлмайди.

Масалан, бир соҳага тегишли бўлмаган атамани ўша соҳага олиб кириб атама таркибини ўзгартирган ҳолда, уни ўзлаштириш мумкин. Агар ушбу кириб келаётган атама бошқа тилдан ўзлаштирилаётган бўлса-да, у кириб келаётган тилида ҳам ўз маъносини англатса, атаманинг морфологик хусусиятида, тузилиш таркибида баъзи бир ўзгаришлар юз беради ҳолос, яъни у ўзлаштирилаётган тилнинг сўзлар тузулиш қондасига бўйсунди, бу эса унинг ёт сўз эканлигини бартараф этади. Ушбу атамалар фан-техника ривожини натижасида фақатгина соҳа атама бўлиб қолмай, балки инсонлар

²⁵Ходжаева Д. Лексикологияга доир терминларнинг инглиз, рус ва ўзбек тили изохли луғатларидаги талқини // Филология масалалари. Илмий-методик журнал. – Тошкент, 2011. – №4. – Б.97..

умумий тил таркибидан жой олган ҳолда, ҳаммага бирдай таниш атамаларга айланади.

Яна бир муаммо атамаларнинг бугунги ўзбек тилига таржима қилиш билан боғлиқ. З.Исомиддиновнинг фикрича, ҳозирги ўзбек тили таркибидаги атамалар ўзида араб-форс, туркий, сўғд, хитой-мўғул, рус-европа каби тиллардан ўтган ранг-баранг лисоний бойликка эга бўлиб, бошқа ҳеч бир туркий тил бундай хусусиятга эга эмас ²⁶. Айниқса ўрта асрларда атамаларнинг таржимасиз айнан қабул қилиниши терминалогик қатламни анча бойитди. Лекин, ҳозирда илм-фан, касб-хунар, техника ва технология тараққий этган сари тилда атамалар ҳам ҳаддан зиёд ортиб бормоқда. Замонавий атамаларнинг манбаи кўпроқ тараққий этган халқлар тилига мансуб бўлиб, юзага келган атамалар бошқа тилларга таржимасиз, яъни калька (ўзгартирмай айнан қабул қилиш) ёки таржима қилиб янгидан яшаш орқали кириб келади. Атамаларнинг кўр-кўрона таржималари эса нафақат айтилиш мазмунни акс эттирмаслик ҳолатларига балки, ўзбек тилининг стилистикасининг бузилишига ҳам олиб келмоқда²⁷.

Атама умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади, бинобарин, атама ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бирликлардир. Систем характерга эгалик, ўз терминологик майдонида бир маънолилиқка мойиллик, ҳис-туйғуни ифодаласлик, услубий бетарафлик кабилар атамага хос хусусиятлардир. Сўз билан атаманинг умумий ва хусусий томонлари етарли даражада очиқ берилган эмас. Кундалик турмушда кенг истеъмолда бўлган сўзлар айтилиш пайтда турли соҳаларга доир атамалар ҳамдир. Масалан, кулоқ, бурун, томоқ – анатомия ва тиббиёт; гилам, шолча, палос – гиламдўзлик; китоб, ручка, дафтар – педагогик соҳа атамалари бўлиш билан бирга умумхалқ тилида фаол қўлланади.

²⁶Исомиддинов З. Терминлар таржимасида меъёр // Фан ва турмуш. – Тошкент, 2014. – №3-4. – Б.37.

²⁷Ўша манба. – Б.38-39.

Атамалар махсус лексик бирликлар сифатида, битта сўздан ортик бўлмаган, ўзи тегишли бўлган соҳасидаги доирада ягона маънога эга бўлиши лозим. Атамаларнинг мукаммал тизимини яратиш учун атама меъёрий талабларга жавоб берувчи намунали парадигма нуқтаи назаридан имкон борича прагматик (изчил) хусусиятга эга бўлиши, яъни дастлабки асосий атама атовлар тизимининг мантикий изчиллигини таъминлаши лозим. Бундай изчилликка унинг ўта қисқа ва йиғиқ ҳолатда бўлиши орқали эришилади.

Атамашунослик бир томондан муайян илм-фан, техника, ишлаб чиқариш тармоғи, санъат, ижтимоий фаолият соҳасига тегишли тушунчалар тизими билан боғлиқ атамалар мажмуини англатади. Иккинчи томондан тилшуносликнинг атамаларни ўрганувчи соҳаси сифатида тушунилади. Бундан ташқари, атамалар қатлами тор маънода маълум бир соҳага оид махсус лексикани ҳам англатади. Масалан, физика атамалари қатлами, ижтимоий-сиёсий соҳага оид атамалар, машинасозлик атамлари каби. Атамалар қатлами умумхалқ тилининг лексикаси негизида вужудга келади ва бойийди. Ўз навбатида у умумхалқ тилининг бойиши учун ҳам хизмат қилади. Айни вақтда умумхалқ тили лексикасининг ажралмас қисми сифатида у билан бирга ривожланади, жамият ва тил тараққиётидаги барча жараёнларни бошдан кечиради.

Атамалар қатламини кенгайтириш борасида Т.Ш.Қодиров ва Д.И.Алиевнинг “Араб тили лексикологияси” китобида шундай дейилади: “... терминни яратиш ва терминларнинг мажмуини тўлдиришда умумадабий луғатни бойитиш учун мўлжалланган тил воситаларининг ўзидан фойдаланилади. Бунда қуйидаги усуллар қўлланилади:

1. Тил лексикасида қачонлардир мавжуд бўлган ёки ҳозирда мавжуд бўлган махсус тушунчаларни атамалаштириш.
2. Тилдаги мавжуд қонуниятлар асосида янги атама сўзлар яратиш.

3. Терминлар ва атама бирикмаларини таржима қилиш ва навбатдаги жараён сифатида уларни қисқартириш ва муракаб сўзга айлантириш.

4. Терминларни бевосита ўзлаштириш”²⁸.

Янги сўз ва сўз бирикмаларини яратиш хусусида эса “Арабча атамалар луғатини сўз ясаш йўли билан тўлдириш имконияти анча чегараланган. Чунки иккита лексик морфемадан ташкил топган арабча дериватлар (ҳосила сўзлар) кенг тузилишга эга негизли, содда ва қўшма негизлари префикс ва суффиксларга бой ҳинд-европа тилларидаги мураккаб атамаларга тенг эквивалент бўла олмайди. Бунинг устига арабча дериватлар кенг ва бироз тушунарсизроқ маънога эга бўлганликлари сабабли уларнинг атама сифатида талқин қилинишида қарама-қаршилиқлар юзага келиши мумкин”²⁹.

Ҳозирги кунда атамаларни яратиш жараёнида кўпгина олимлар янги сўзлардан ҳозирги кун талабларига биноан янги атама вужудга келтиришни тавсия этмоқдалар. Ҳолбуки, ушбу атамаларни қайтадан тузиш ва уни оммага танитиш ва нотаниш атамани инсон тилига киритиш осон иш эмас, шу сабабли баъзи олимлар ушбу муҳтожлик сезилаётган атамани янги сўзлар уюшмасидан тузиб эмас, балки классик сўзларни қайта тиклашни тавсия этадилар.

Классик сўзларнинг атамага айланиши эса соҳа эгаларига қулайликлар туғдиради, чунки бу атамани улар ўз ҳаётларида кўп учратган ва эшитган бўладилар ва ушбу атама уларга ёт сўз бўлмайди, бундан ташқари ўтмишдаги сўзларнинг ҳозирги кунимизда татбиқ этилиши, тарихнинг тикланишида катта аҳамият касб этади. Шунингдек, фан техника ривожини туфайли ўзга мамлакатлардан кириб келаётган атамаларни араб тилига мос равишда ўзлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади дейдилар. Албатта барча бегона атамаларни араб тилига таржима қилиб, уни ўрин

²⁸Қодиров Т.Ш., Алиев Д.И. Араб тили лексикологияси. – Т., 2010. – Б.56.

²⁹Ўша манба. – Б.48.

босарини топиш осон иш эмас, шу сабабли бутун дунёда қандай бўлса шундай қабул қилинган атамаларни ўзгартиришсиз истёъмолга киритишга мажбурдир.

Атамалар икки маънога эга бўлади:

1. луғавий маъно.
2. истилоҳий маъно.

Луғавий маънода атаманинг асл, яъни сўз сифатидаги маъноси кўрилади. Истилоҳда эса сўзнинг атама сифатида шаклланигандан сўнг англатаётган мазмуни тушунилади. Аслида кўп атамалар истилоҳий маънода луғавий маъносидан узоққа кетмайди, балки ўша қобик атрофида айланади. Қуйида ушбу назарияни араб тилидаги айрим сўзлар мисолида кўриб чиқамиз.

Масалан, фарада, фардун فرض فرض. Луғавий маъноси тахмин, гумон, мажбурият, қарз, фармойиш, амр, буйруқ. Истилоҳий маъноси: буюрилган, қилиниши шарт, вожиб бўлган нарсага айтилади. Демак, атаманинг луғавий маъносидан келиб чиққан ҳолда унинг истилоҳий маъносини ҳам бериш мумкин.

Аммо, ушбу икки маъно ўртасида истисно ҳолатлар ҳам учраб туради. Гап шундаки, баъзи атамаларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари ўзаро фарқ қилади ва гоҳида улар бир-бирига зид маъноларни ҳам англатади. Чунончи, *авлун* – عول сўзининг луғавий маъноси - жабр етказиш, зулум қилиш демакдир.

Масалан:

1 ان اكل حق اليتيم عول عليه – етимнинг ҳаққини ейиш унга (зулм) жабрдир. Лекин истиҳолий маъноси эса мерос етмаган меросхўрга, унинг улушини чиқариб беришдир.

2 علينا عول التراث – мерос чиқариб беришимиз керак, зарур. Луғавий маънода у салбий изоҳга эга бўлган бўлса, истилоҳида эса аксинча ижобий мазмунга эгадир ва луғавий маъносидан тубдан фарқ қилади.

Бу мисолдан кўриб турганимиздек атамаларнинг луғавий ва истилохий маънолари орасида фарқли ҳолатлари ҳам учраб турар экан. Шундан келиб чиқган ҳолатда, атамаларнинг иккала маъносига ҳам катта эътибор бериш керак.

Атамашунослик барча тилларда бўлганидек, араб тили тарихи, тузилиши ҳамда тил қоидалари билан боғлиқ кўплаб масалаларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Сомий тил оиласига кирувчи араб тили ўтган асрлар давомида дунёдаги айрим тиллар ривожига ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Масалан, татаристонлик олима Р.Р.Эльсабрутининг ёзишича, араб грамматикаси шаклланиш даврида исломдан олдинги икки юз йилик ва исломдан кейинги тўрт юз йиллик тил заҳираси асос қилиб олинган. Натижада исломдан олдинги давр поэзияси тили ҳамда илк ислом давридаги бадавийларнинг минтақавий диалектлари бирлаштирилган³⁰. Кейинроқ, ислом динининг дунё динлари даражасига кўтарилиши ва Араб халифалигининг жуда катта минтақага тарқалиши сабабли араб тилидаги кўплаб сўзлар Шимолий ва Марказий Африка, Европа, Жанубий-Шарқий Осиё халқлари тилларига кириб борди.

Аслида цивилизациялар кўчиши билан боғлиқ тарихий жараён сабабли дастлаб антик даврда гуллаб-яшнаган Греция ва Рим орқали илм-фани, ижтимоий-иқтисодий муносабатларига оид айрим грек ва латин тилидаги бир қатор сўзлар араб тилига кириб келди (масалан, канон – қонун, динарий – динор, драхма – дирҳам ва бошқ.). Мусулмон Шарқидаги уйғониш даврида илм-фан ҳамда ижтимоий-сиёсий тараққиёт эса кейинчалик айрим соҳаларга оид атамаларнинг Европа тилларига кириб боришига олиб келди (масалан, ал-жабр – алгебра, амир ал-баҳр – адмирал, ва бошқ.).

Тилшуносликда атамалар қатламининг ривожланиши, бойиш йўллари ҳар хил. Масалан, у бошқа тиллардан сўз олиш, янги сўз ясаш,

³⁰ Эльсабрути Р.Р. Проблемы арабской лексикологии // Ученые записки Казанского университета. Гуманитарные науки. Т.152. Кн.6. – Казань, 2010. – С.171.

айрим грамматик категорияларнинг лексикалашуви, сўз бирикмасининг семантик бир бутун ҳолга келиб қолиши ва бошқа йўллар билан шаклланиши мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ислом дини билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий атамалар ҳам исломнинг кириб келиши бош омил бўлиб хизмат қилди. Демак, араб тилидан бошқа тилларга оммалашган атамалар ва сўзлар энг катта қисми ислом динининг кенг тарқалиши билан боғлиқ, десак муболаға бўлмайди.

Бу даврда ислом маданиятининг кенг оммага тарқалиши қанчалик шиддат билан амалга ошган бўлса, янги атамаларга бўлган эҳтиёж шу қадар кучайди. Бу жараён билан боғлиқ ҳолда, ўзга тиллардан араб тилига ўзлаштирилган ёки араблар томонидан илк маротаба истеъмолга киритилган сўзлар миқдори ҳам ортиб борди. Шунингдек, ислом дини ва маданиятининг ривожланиши янгидан-янги фан соҳаларини вужудга келишига ҳам сабаб бўлди. VIII асрнинг охири IX асрнинг бошларида диншунослик таркибига кирувчи ҳуқуқшунослик “фиқҳ илми” номи билан мустақил фан сифатида шаклланди.

Албатта ислом ҳуқуқлари ривожланиши жараёнида фиқҳ илми борасида, шу фанга тегишли атамалар юзага кела бошлади. Фиқҳ илми мутахассислари вужудга келди. Улар бу фанни ўрганиб, уни таҳлил қилиб, шу соҳага тегишли атамаларга изоҳлар беришди. Ушбу фан динимизни англашда, тарихимизни ўрганишда муҳим эканлигини исботлаб бердилар. Ушбу фанни ўрганиш учун ундаги фиқҳий атамаларни шарҳлаб, луғавий ва истилоҳий маъноларини тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар.

Фиқҳ илми ривожланиши натижасида янги атамалар, янги тушунчалар, маросимлар, илгари эшитилмаган иборалар пайдо бўла бошлади. Бу атамаларга изоҳни эса ислом ҳуқуқи тўғрисида ёзилган асарлардангина топиш мумкин эди. Бу ҳусусда қанчадан қанча уламолар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ушбу атамалар аслида араб тилидан олинган бўлса-да, арабларнинг ўзлари ҳам уни асл моҳиятини тушунишга қийналадилар. Чунки ушбу атамалар луғавий маънода қисқача таърифга

эга, аммо ислом ҳукуқидаги маъноси жуда кенг бўлиб, бир дона фикҳий атама яхлит бир воқеа, ҳодисани ўз ичига олган бўлиши мумкин. Шунинг учун ислом ҳукуқида атамаларнинг ривожланиш жараёнидан, то ҳозирги кунгача ушбу масала устида олимлар тадқиқот олиб борадилар. Ушбу атамалар барчага бирдек тушунарли бўлиши учун, уларни таҳлил қилиш жараёнида ҳам луғавий ҳам истилоҳий маъноларини кўрсатиб ўтадилар.

Масалан: нақаҳа феълнинг луғавий маъноси نكح никоҳламоқ, бирга қилмоқ, тан нарҳини чиқармоқ, шу феълдан, نكاح сўзи ясалган. Никоҳ نكاح / انكحة сўзининг луғавий маъноси “қўшиш”, “жамлаш”, “яқинлик” деганидир. Истилоҳий маънода эса у эркак ва аёлнинг турмуш қуришининг шаръий асосини билдиради.

Демак, ислом ҳукуқи ёритилган асарлардаги атамаларнинг изоҳини айнан ўша асардан, ёки бошқа фикҳий манбалардан топиш мумкин. Атамаларнинг айтиб ўтилганидек луғавий ва истилоҳий маъноларини билиб, сўнгра асарни ўқиш ўқувчига анчагина қулайликлар яратади.

Араб тили узоқ муддат давомида, ўрта асрларда Европада лотин тили сингари, мусулмон шарқида умумадабий тил ролини ўйнади. Шу жумладан, араб тили дин ва фан тили сифатида ўзбек тили тараққиётига ҳам улкан ҳисса қўшди³¹. Умуман олганда, арабча сўзларнинг ўзбек тилига кириб келиши VIII аср ўрталарида Ўрта Осиёни фатҳ этиши билан ислом дини ва оғзаки сўзлашув орқали бошланган³². Айниқса, Аббосийлар ва Умавийлар даврида ижтимоий-иқтисодий, маданий-диний ҳаётнинг умумий давлат стандартларига ўтиши натижасида араб тилидаги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид атамалар бутун халифаликда кенг оммалашди. Кейинчалик, X - XIII асрларда минтақада Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши ҳамда Мўғуллар истилосидан кейинги даврларда бугунги ўзбек тилидаги

³¹ Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи (XIV асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши). – Т.: Фан, 2007. – Б.47.

³² Қаранг: Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. – Тошкент, 1968. – Б.106-128.

атамалар қатлами араб, форс ва турк-мўғуллар тилларидаги сўзлар ҳисобига сайқал топди. Бир сўз билан айтганда ўзбек тилининг лексик таркиби ва ундаги атамалар бир неча асрлик ижтимоий-исёсий муносабатлар таъсирида бойиб борди. Х.Дадабоевнинг ёзишича, ўтган давр мобайнида ижтимоий-иқтисодий ва илмий ҳамда диний ҳақтга оид атамалар асосан араб ва форс тилидаги ўзлашмалар, ҳарбий соҳадаги тарихий атамалар эса турк-мўғул тилидаги ўзлашмалар ҳисобига бойиб борган³³.

Н.С.Мамадвалиеванинг фикрича, XVII - XIX асрларга оид ўзбек тилидаги ёзма ёдгорликларда образли ифодалар, форсий изофа, арабча конструкциялар кўп учрайди. Шоирлар ўз асарлари тилини халқ тилига яқинлаштиришга интиланлар, содда ва равон ифодаларда акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Жонли тил, халқона ифодалар, мақоллар, содда сўз ва бирикмалар, шева элементларидан фойдаланганлар. Лекин уларда араб, форс-тожик ва мўғул тилларидан кирган сўзлар кўп учрайди. Айрим манбаларда арабча ва форсча ўзлашмаларнинг нисбатан кўп миқдори кузатилса-да, бошқаларда ўз қатлам лексикаси қўлланиш даражасига кўра ўзлашган қатламдан устундир³⁴.

1.2. Сўфи Оллоёр ҳаёти ва унинг ёзма мероси ҳақида

Маълумки, шўролар тузуми даврида диний-мистик шоир тамғаси остига олинган Сўфи Оллаёр ҳаёти ва ёзма меросига бир томонлама ёндашилди. Баъзи тадқиқотларда эса унинг қаламига мансуб асарлар танқид қилиниб, ижод намуналари салбий баҳоланди. Аммо сўнги вақтларда тадқиқотчилар Сўфи Оллоёр шахсияти ҳақида жуда кўп бор тўхталаётган бўлсалар-да, унинг туғилган ва вафоти санаси турлича берилмоқда. Масалан, унинг туғилган санаси сифатида 1616, 1620, 1625,

³³ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI - XIV вв. – Т., 1991. – С.133.

³⁴ Мамадалиева Н.С. XVII асрнинг иккинчи ярми - XIX аср биринчи ярми ўзбек тили ёзма ёдгорликлари лексик хусусиятлари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2012. – Б.6.

1634 ва 1644 ва вафот этган санаси эса 1707-1708, 1713, 1721, 1724 йил деб кўрсатилмоқда.

Хусусан, П.Қаюмовнинг 1960 йилда тугалланган “Тазкираи Қаюмий” номли тазкираси 1-жилдида Каттакўрғон тарофидаги ўзбеклардан, умрининг охирларида Ҳисор яқинидаги Даҳана номли мавзеда яшаб ҳижрий 1136 (милодий 1723-1724) йилда вафот этган³⁵. Шунингдек, “Вахшивор ва Сўфи Оллоёр” асари муаллифи Меликул Ханжар алломанинг 1625 йилда Минглар қишлоғида туғилгани ҳақида ёзади³⁶. Профессор И.Сувонкулов эса Тожуддин Ёлчиғул ўғлининг “Рисолаи Азиза” асарига таянган ҳолда Сўфи Оллоёрнинг туғилган йилини 1644 йил деб кўрсатади³⁷. Адабиётшунос Ш.Сирожиддинов ўзининг “Сўфи Оллоҳёр илоҳиёти” номли китобида Сўфи Оллоёр ҳижрий 1043 йилда туғилиб 1136 йилда (милодий 1633/34-1723/24) вафот этган деган хулосага келади³⁸. Анча эътиборли нашрлардан саналган “Маънавият юлдузлари” китобида эса алломанинг 1644-1724 йилларда яшагани ва яссавия-жаҳрия тариқатига мансублиги ҳақида айтилади³⁹. Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Акрам Дехқон нашрга тайёрлаган “Маслаку-л-муттақин” асарининг 2008 ва 2014 йилги нашрларида эса Сўфи Оллоёр тахминан 1630-1650 йиллар орасида Самарқанддаги Каттакўрғон беклигига қарашли Минглар қишлоғида Аллоҳкули (Темирёр) хонадонида туғилган, деган анча ноаниқ маълумот берилган⁴⁰.

Афсуски, бундай хилма-хиллик интернет саҳифаларида эълон қилинган мақолаларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, адабиётшунос Э.Очилов Сўфи Оллоёр 1644 йилда Каттакўрғон беклигининг Минглар қишлоғида туғилиб, 1724 йилда ҳозирги Деновда вафот этган деб

³⁵ Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий. 1-жилд. – Тошкент, 1998. – Б.61-62.

³⁶ Ханжар М. Вахшивор ва Сўфи Оллоёр. – Термиз, 1993. – Б.8.

³⁷ Сувонкулов И. Маънавият илдишлари. – Самарқанд, 2000. – Б.100.

³⁸ Сирожиддинов С. Сўфи Оллоҳёр илоҳиёти. – Тошкент, 2001. – Б.12.

³⁹ Сувонкулов И., Қодиров М. Сўфий Оллоёр / Маънавият юлдузлари. – Тошкент, 1999. Б.291-293.

⁴⁰ Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин. Таржимон Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли. Нашрга тайёрловчилар С.Сайфуллоҳ, А.Дехқон. – Т.: Мовароуннахр, 2008. – Б.5; Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин. Таржимон Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли. Нашрга тайёрловчилар С.Сайфуллоҳ, А.Дехқон. – Т.: Шарқ. – Т., 2012. – Б.5. (Қайта нашр)

ёзади⁴¹. С.Сайфуллоҳга (С.Рафиддинов) кўра, Сўфи Оллоёр тахминан 1630-1650 йиллар орасида Самарқанддаги Каттакўрғон беклигига қарашли Минглар қишлоғида Оллоқули (Темирёр) хонадонида туғилган. Умрининг охирида Сурхондарё ҳудудидаги Денов қишлоғида яшаган, тахминан 1721 йили вафот этган ва ўша ерда дафн этилган⁴².

Шарқшунос Абдусаттор Жуманазаров эса тадқиқотчиларнинг Сўфи Оллоёр ҳаёт йўли ҳақида билдираётган хилма-хил ва айни пайтда бир бирига зид маълумотларни танқид қилади. Мазкур тадқиқотчи мавжуд ёзма манбалардаги маълумотларнинг қиёсий таҳлилидан келиб чиқиб Сўфи Оллоёр 1663 йилда туғилиб, олтмиш уч ёшида, яъни 1724 санада вафот этган, деган хулосага келади. Унинг фикрича, Сўфи Оллоёр шу вақтгача таъкидлаб келинганидек, яссавия тариқатига эмас, аксинча нақшбандия-муҷаддия тариқатига мансуб ва бу ҳақда бир қатор рад қилиб бўлмас фактлар ҳам мавжуд⁴³. Мазкур тадқиқотчининг фикрича, оллоёршуносларнинг бундай ҳатоликларга йўл қўйишига уларнинг барчасининг асосий манба сифатида ҳижрий 1221 (1806) йилда татар олими Тожиддин Ёлчиғул ўғли томонидан ёзилган “Рисолаи Азиза” асарига таяниши сабаб бўлгун.

Абдулматлаб Фаҳмийнинг тазкирасида ҳам Сўфи Оллоёр вафоти санаси ҳижрий 1136 (1723/24) йил деб кўрсатилган⁴⁴. Фикримизча, тарихда кўрсатилган санага ишониш маъқулроқ. Агар Сўфи Оллоёрнинг ҳижрий йил ҳисоби билан 90 ёшда вафот этгани ҳисобга олинса, у кишининг туғилган йилини ҳижрий 1043 йил деб белгилаш мумкин. Бу сана милодийга айлантирилганда 1634 йил ҳосил бўлади.

Алломанинг ижтимоий келиб чиқиши ва ҳаёт йўли ҳақида ҳақида кейинги асрларда ёзилган тазкираларда айрим маълумотлар келтирилган. Жумладан, Садриддин Айний ўзининг “Намунаи адабиёти

⁴¹Очилов Э. Сўфи Оллоёр // <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/1135-kitob.html>

⁴² Сайфуллоҳ С. “Маслакул-муттакин” асарида фикхий ва ахлокий қарашлар // <http://huquqburch.uz/uz/view/812>

⁴³ Жуманазар А. Тескари оқётган сув // <http://www.yozuvchi.uz>

⁴⁴ Абдулматлаб Фаҳмий. Тазкират уш-шуаро. Шарқ кўлғемалари маркази. Қўлғема №2331. – 70а-варақ.

тожик” асарида Абдулматлаб Фаҳмийнинг “Тазкират уш-шуаро” тазкирасига таяниб, уни “Каттақўрғоний” нисбаси билан келтиради ва шундай ёзади: “Сўфи Оллоёр Оллоқулининг ўғли ва Фарҳодбий оталиқнинг инисидир. Абулфайзхон (1711-1747) ҳукумати даврида Каттақўрғон ва Самарқандда амирлик ва ҳокимлик мартабаларига етишган. Кейинчалик истеъфо бериб, илм ва дарвишлик йўлини ихтиёр этган. Умри ниҳоясида Ҳисор томонга кетган ва қабри ўша ерда. Ҳозир ҳам Каттақўрғон шаҳрида унинг номи билан боғлиқ гузар ва жой мавжуд”⁴⁵.

Сўфи Оллоёрнинг вафот санаси хилма-хил маълумотлар кўплигидан мулоҳазалар ҳам чалкашиб кетган. Масалан, “Маслаку-л-муттақин” асарининг Қозонда нашр этилган нусхасида ушбу асар Субҳонқулихон даврида ҳижрий 1113 (1701) йили ёзилгани ва унинг муаллифи 1119 (1707-1708) йили вафот этгани қайд этилган⁴⁶. Ва худди ўша жойда Сўфи Оллоёрнинг вафоти таърихи “Ҳадди хушвор” (1119 йил) ҳам келтирилган. “Муроду-л-орифин” асарининг тошбосма нусхасида эса бу таърих “Ҳадди Вахшивор” шаклида келтирилган⁴⁷. Мир Ҳусайннинг Маҳазин ат-тақво” асарида эса янада бошқачароқ яъни “Эй, ҳадди Вахшивор” деб берилган⁴⁸.

Муҳаммад Шариф - Садри Зиё “Асоми кутуб” асарида уни ҳижрий 1136 (1724) йили Вахшиворда, шайх Зоҳид Вахшиворий қабристонига дафн этилгани ҳақида ёзади. У Вахшиворда хонақоҳ ҳам қурдирган экан⁴⁹. Бу сана Абдумуталлиб Фаҳмийнинг “Тазкират аш-шуаро” ҳамда Носириддин Ҳанафий “Тухфат аз-зоирин” асарларида ҳам ўз тасдиғини топган ва Сўфи Оллоёрнинг қабри Муҳаммад Зоҳид Вахшиворий қабридан ярим фарсах ерда жойлашган.

⁴⁵ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Самарқанд, 1925. – Б.171.

⁴⁶ Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин. Тошбосма №4743. – Б.1.

⁴⁷ Сўфи Оллоёр. Мурод ул-орифин. Тошбосма №496. – Б.319.

⁴⁸ Мир Ҳусайн. Маҳазин ат-тақво. Шарқ қўлёзмалари маркази. Қўлёзма №51. – 16а-варақ.

⁴⁹ Муҳаммад Шариф – Садри Зиё. Асоми кутуб. Қўлёзма №2460. – 70б, 187-варақлар.

Айрим маълумотларга қараганда, Сўфи Оллоёрнинг Муҳаммад Салоҳ, Муҳаммад Сиддиқ, Мақсудали исмли уч ўғли ва Омина, Ҳалима, Бибиойша, Азима исмли тўрт қизи бўлган. Муҳаммад Сиддиқ Каттақўрғон ва Қашқадарё чегарасидаги Чўнқаймиш қишлоғида дафн этилган. Бугунги кунда мазкур шахснинг авлодлари орасида тарқалган маълумотларга қараганда уларнинг шажараси қуйидаги тартибда Сўфи Оллоёрга уланади: Шаҳзодхон (1996) ибн Ҳикматиллохон (1969) ибн Музаффархон (1944) ибн Умархон (1895-1986) ибн Халилхон (тахминан 1835-1908) ибн Эшонхўжа (тахминан 1775-1866) ибн Хўжайи Калон (тахминан 1725-1814) ибн Муҳаммад Сиддиқ (тахминан 1674-1765) ибн Сўфи Оллоёр⁵⁰. Аммо мазкур шажара ҳозирча ёзма манбалар орқали ўз тасдиғини топмаган.

Аксарият манбаларда Сўфи Оллоёрнинг таълим олиш учун Бухорога боргани ва у ерда Жўйбор хожалари асос солган мадрасада таҳсил олгани ҳақида мазмунан бир хил маълумотлар учрайди. Сўфи Оллоёрнинг устозлари Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллоҳ ал-Ҳисорий ал-Бухорий ва Халифа Наврўз Шаҳрисабзийдан таълим олган. Устоз – пирлари ҳақида Сўфи Оллоёрнинг ўзи ҳам маълумот бериб ўтган. Жумладан, “Маслаку-л-муттақин” асарида пири Шайх Наврўз ҳақида қуйидаги қайдлари бор: *“Муборак исми Наврўз, бош-оёқ суҳанлари ва овозлар дилсўз эрдилар. Ул азизнинг сифатларини баён қилиб адо қололмасмен. Ул муттақийнинг жазбалари менинг томиримга жо бўлди. Дарҳол оёқларига тушуб, аларга қул бўлдум ва кўнглум кўзун аларга тикдим*⁵¹.

Яна бир пири Шайх Ҳабибуллоҳдир. Шайх Ҳабибуллоҳ ва Шайх Наврўз ҳам бир даврда ва бир хонликда яшаганлар. Баъзи тазкираларда Абдулазиз Амир Кулолийнинг “Тазкираи машойих” тазкирасида ҳамда Муҳаммад Шариф – Садри Зиёнинг “Асоми кутуб” номли асарида

⁵⁰ Сўфи Оллоёр шажараси // <http://sofi-olloyor.wikidot.com/origin>

⁵¹ Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин. Таржимон Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли. – Т.: Шарқ, 2012. – Б.58.

келтирилишича, Сўфи Оллоёр Шайх Наврўзнинг халфаси, у эса Шайх Ҳабибуллоҳнинг халифаларидан бўлган⁵².

Сўфи Оллоёр ёзма меросига келсак унинг ўзбек ва тожик тилларида мумтоз адабиётнинг ғазал, туюқ, соқийнома, маснавий каби лирик жанрларида ижод этгани маълум. Бу Сўфи Оллоёрнинг иқтидорли шоир, зуллисонайн адиб сифатида ўзбек ва тожик адабиёти тарихида муносиб ўрни борлигидан далолат беради. Аммо Сўфи Оллоёр фақатгина шоир эмас тариқат арбоби ва фақиҳ сифатида ҳам танилган. Аслида Сўфи Оллоёр ўз даврининг таниқли фикҳ олими ҳам эди. Зеро Сўфи Оллоёр ёзма меросининг асосий йўналиши фикҳ соҳасига алоқадор бўлган⁵³. Қуйида алломанинг ёзма меросига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

“Маслаку-л-муттақин”. Сўфи Оллоёрнинг энг йирик асари бўлган ушбу китоб форсий тилда, арузнинг хафиф баҳрида, назмда ёзилган. Умумий ҳажми 12 минг байт, 135 та катта-кичик бобдан иборат. Муаллифнинг ўзи қайд этишича, уни ҳижрий 1111 (1700-1701) йил ёзиб тугатган. “Маслаку-л-муттақин” фақатгина тариқат ихлосмандлари томонидангина эмас, Ўрта Осиё уламолари томонидан ҳам тан олинган. Чунки унда юздан ортиқ фатво китобларидан фойдаланилган, кўплаб масалаларнинг фатво ва тақво жиҳатлари асосли равишда кўрсатиб берилган. Ушбу нодир асарни Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли Туркистоний тарафидан 1876 йилда ўзбек тилига таржима қилинган. Мазкур таржима илк бор 2008 йилда, қайта нашри 2012 йилда дунё юзини кўрди⁵⁴.

“Саботу-л-ојизин”. Сўфи Оллоёрнинг ўзининг таъкидлашича, “Маслакул-муттақин” эл орасида шуҳрат тутганидан сўнг дўсту яқинлари ундан туркий тилда ҳам шундай бир китоб ёзишни илтимос қиладилар.

⁵² Абдулазиз Амир Кулолий. Тазкираи машойих. Шарқ қўлёзмалари маркази. Қўлёзма №79. – 72б-варақ; Мухаммад Шариф – Садри Зиё. Асоми кутуб. Шарқ қўлёзмалари маркази. Қўлёзма №2460. – 70б-варақ.

⁵³ Сайфиддин Сайфуллоҳ. «Маслакул-муттақин» асарида фикҳий ва ахлоқий қарашлар // <http://huquqburch.uz/uz/view/812>

⁵⁴ Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин. Таржимон Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли. Нашрга тайёрловчилар С.Сайфуллоҳ, А.Дехқон. – Т.: Мовароуннаҳр, 2008; Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин. Таржимон Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли. Нашрга тайёрловчилар С.Сайфуллоҳ, А.Дехқон. – Т.: Шарқ. – Т., 2012.

Бунга жавобан Сўфи Оллоёр “Маслаку-л-муттақин” асарини бирмунча қисқартириб, туркий тилида назмда битган ва унга «Саботу-л-ожизин» деб ном берган. Ўзбек фалсафий дидактик адабиётининг етук намунаси бўлмиш ушбу асарда тасаввуф таълимотининг маънавий-ахлоқий масалаларини кенг ёритиш билан у туркий тасаввуф адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган. “Саботул ожизин” асари Ўрта Осиё ва унга қўшни ўлкаларда энг севиб ўқилган асарларда бири бўлгани боис жуда кўплаб нусхаларда кўчирилган. “Саботул ожизин” асари Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Татаристон, Саудия Арабистони, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатларда жуда кўп марта нашр этилган.

“Саботу-л-ожизин”га бўлган қизиқиш туфайли унга кўплаб шарҳлар ёзилган. Улардан энг машҳури Тождиддин Ёлчиғул ўғли томонидан “Рисолаи Азиза” номли шарҳдир. “Рисолаи Азиза” асари 1797 ва 1850 йилларда Қозонда, 1847 йил Санкт Петербургда, нашр этилган. М.В.Гайнетдинова ва Х.Й.Мицнегулов томонидан тайёрланган тадқиқот қисм ва матни 1998 ва 2001 йилларда Қозон шаҳрида қайта нашр этилган⁵⁵. Ўзбекистонда эса асар 2000 йилда ўзбек тилида чоп этилган.

“Саботу-л-ожизин” асарига Салоҳиддин ибн Ровил Салимий ал Қазоний томонидан ёзилган “Иршод ул-воизийн” ҳамда Убайдуллоҳ ибн Исломул томонидан таълим этилган “Саботул ожизин шарҳи” номли шарҳлари ҳам мавжуд. Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхон қаламига мансуб бўлган “Ҳидоят ут толибийн” асари ҳам “Саботул ожизин” шарҳларидан бири бўлиб, Лоҳур шаҳрида 1928 йилда чоп этилган.

“Муроду-л-орифин”. Мазкур асар алломанинг тўртинчи китобидир. Муаллиф ушбу асарнинг ёзилиш сабабини дўстлар маслаҳати билан “Маслаку-л-муттақин”, сўнг “Саботу-л-ожизин” ва сўнг “Маҳзану-

⁵⁵Тажетдин Ялчыгол. Рисалэи Газизэ. Басмага эзерлэуче хэм кереш мэкэлэ авторы М.В.Гайнетдинов. – Казан: Иман, 1998. – 60 б.; Тажеддин Ялчыгол. Рисалэи Газизэ. Басмага эзерлэуче хэм кереш мэкэлэ авторы Х.Й.Мицнегулов. – Казан: Иман, 2001. – 480 б.

л мутеин” ёзилгандан сўнгдин муҳиблари этиқодга мувофиқ тасаввуф ғоялари ва тўғри йўл ҳақида китоб битилишини илтимос қилгани ҳақида ёзади⁵⁶. Демак ушбу китоб ҳам унинг яқинлари, дўстлари илтимосига кўра таълиф этилган.

“Муроду-л-орифин” асари 15 фаслдан иборат бўлиб, унда тасаввуф илми, тавҳид, дунё ва Аллоҳни таниш, фано ва бақо, мақсудга ва муҳаббатга эриштирадиган воситалар ислом оламининг ўттизга яқин машҳур уламолари ва тасаввуф пешволари рисоаларига таянган ҳолда баён этилган.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ кўлёмалари Маркази фондида сақланаётган литографик китоблар картотекасини ўрганганимизда Сўфи Оллоёрнинг асарларининг тошбосма нашрлари Ўрта Осиё шаҳарларида ҳамда Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон шаҳарларида қайта-қайта нашр этилгани маълум бўлди. Сўфи Оллоёр асарларининг илк литографик нашрларидан бири бу “Саботу-л-ожизин” асарининг 1847 йилда Қозон ҳамда ва “Мурод ул-орфин” асарининг 1858 йил Москва нашрлари деб ҳисоблаш мумкин⁵⁷. Асар кейинчалик, 1881 йилда Истанбулда (ношир Шайх Сулаймон Афанди Бухорий, 1891 ва 1893 йилларда ҳам чоп этилган), 1906, 1909, 1913 йилларда Тошкентда (ноширлари Абдурауф ҳожи Абдунаби ўғли, Мирзо Аҳмад Мирзо Карим ўғли ва Саййид Носирхўжа), 1890 ва 1916 йилларда Қўқонда, 1890 йилда Хивада (Абдулқодир махзум ва Мир Авазшоҳ) 1910 йилда Бухорода (ношир Саййидхўжа эшон) литографик усулда чоп этилди.

“Маслаку-л-муттақин”нинг илк нашрларидан бири Абдуллоҳ Соҳиб Ғазнавий ноширлигида 1873 йилда Лакҳнав шаҳрида 630 саҳифада чоп этилган⁵⁸. Бундан ташқари, асар 1882 йилда Мумбай ва 1891 йилда

⁵⁶ Мурод ул-орифин. – Тошкент, 1912. – Б. 2.

⁵⁷ Сабот ул-ожизин. – Қозон, 1847. Босма №21131. – 42 б.; Мурод ул-орфин. – Москва, 1858. Босма №4955. – 57 б.

⁵⁸ Маслак ал-муттақин. Ношир Абдуллоҳ Соҳиб Ғазнавий. – Лакҳнав, 1873. Босма №4744. – 630 б.

Навалкишвар шаҳарларида ҳам чоп этилган⁵⁹. Мазкур асар 1896 ва 1902 йилларда Тошкентда, 1912 йилда Қозонда ҳам чоп этилган.

“Саботу-л-ожизин” асари 1882, 1884, 1905, 1915 йилларда Тошкентда, 1910 йилда Когонда, 1890 ва 1916 йилларда Қўқонда чоп этилган. Мазкур асар Тошкентда 1991, 1991 ва 2007 йилларда крилл алифбосида қайта нашр қилинган. Бундан ташқари,

“Мурод ул-орфин” асари Москва нашридан икки йил ўтиб Қозонда, ношир Абдулҳаким ибн Абдурашид ал-Қозоний саъийи ҳаракати билан кўп нусхада қайта нашр этилди. Тошкентда эса анча кеч, 1910 йилга келиб чоп этилди⁶⁰.

“Маҳзану-л мутеин”. Сўфи Оллоёрнинг ушбу асари араб тилида наср йўли билан ёзилган бўлиб, мазкур асарнинг мазмуни ва таркибий қисмлари ҳақида кейинги бобларда атрофлича фикр юритамиз.

Сўфи Оллоёрнинг форсий ва туркийда битилган бошқа шеърлари ҳам мавжуд. Масалан, «Мевалар мунозараси» номли манзума ҳам унга нисбат берилади. XIX аср шоири Убайдулло Аламкашнинг “Баёзи Аламкаш” тўпламидан ўрин олган Сўфи Оллоёрнинг 73 та ғазали ва 30 га яқин форсий тилда шеърини ўз ичига олган «Кўзунг ибрат била оч» девони ҳам мавжуд. Мазкур асар 2001 йилда Самарқандли олим Иноятулло Сувонқулов томонидан нашр этилган.

Кейинги даврда Ўрта Осиё шоирлари орасида Сўфи Оллоёр услуби давомчилари етишиб чикди. Жумладан, Саъдулла Хитойи эса ўзининг “Сирож ул-ожизин”, “Меърожнома” каби асарларини “Маслаку-л-муттақин” ва “Саботу-л-ожизин” асарларининг бевосита ғоявий-бадий таъсирида яратади. Убайдулла Аламкаш эса ўз девонида Суфи Оллоёрнинг сўфиёна ижодидан илҳом олиб, унинг 18 та ғазалига муҳаммас боғлаган.

⁵⁹ Маслак ал-муттақин. Ноширлари Қози Фатҳ Муҳаммад ва Солиҳ Муҳаммад. – Мумбай, 1882. – 632 б.; Маслак ал-муттақин. – Навалкишвар, 1891. Босма №4746. – 630 б.

⁶⁰ Мурод ул-орфин. Ношири Абдулҳаким ибн Абдурашид ал-Қозоний. – Қозон, 1860. Босма №18508. – 144 б.; Мурод ул-орфин. Ношири Абдуллоҳ хожи. – Тошканд, 1910. Босма №3164. – 380 б.

1.3. “Маҳзану-л мутеин” асари тузилиши ва ундаги фикҳий атамалар қатлами

Сўфи Оллоёрнинг энг кам ўрганилган асари шубҳасиз “Маҳзану-л мутеин” асаридир. Ш.Сирожиддиновнинг фикрича, “Маҳзану-л мутеин” асари қўлёзмаларининг камлиги ва узоқ вақтгача топилмагани унинг кенг қўламда ўрганилмаганининг сабабларидан биридир⁶¹. У.Содиқова эса ўзининг магистрлик диссертациясида ушбу асарнинг ягона қўлёзмаси ЎзР Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида, 4982 рақамда Ўзбекистонда ягона нусхада сақланиши ҳақида ёзади⁶².

Сўфи Оллоёрнинг ушбу асари 1722-1725 йиллар оралиғида ёзилган бўлиб, ҳажм жиҳатидан анча йирик. Шарқ қўлёзмалари маркази фондида олиб боргани изланишларимиз вақтида унинг мазкур даргоҳда учта қўлёзма нусхаси борлиги маълум бўлди. Учала қўлёзма ҳам 2000 йилда Берлинда нашр этилган XVIII - XX аср бошига оид тасаввуфга оид қўлёзма асарлар каталогида қисқа тавсифланган⁶³.

Асарининг матни ва бирор тилга таржимаси амалга оширилмагани сабабли қуйида унинг Шарқ қўлёзмалари марказида сақланаётган қўлёзма нусхалари тавсифини келтириб ўтамыз.

4982-рақамли қўлёзма. Шарқ қўлёзмалар марказининг Асосий фондидан ўрин олган бўлиб, жами 546 varaқ. Саҳифалари 27 қаторда настаълиқ хатида кўчирилган⁶⁴. Котиби Сулаймонхожа ибн Мусохожа Ҳусайний. Асар таркибига киритилган мавзулар қўлёзмага кейинчалик илова қилинган уч varaқлик фихристда кўрсатиб ўтилган. Қўлёзманинг ярмига қадар фойдаланилган асарлар номлари ва ички бўлимлари қизил сиёҳда берилган. Қўлёзма ҳошиясида айрим жумлаларга араб тилида

⁶¹ Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-қисм. – Тошкент, 2001. – Б.14.

⁶² Содиқова У. Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзан ул-мутеин” асарида баъдий талқин масалалари. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент, ТДШИ, 2012. – Б.7.

⁶³ Краткий каталог суфийских произведений 18-20 вв. – Берлин, 2000. – С.46. №463-465.

⁶⁴ Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л-мутеин. Қўлёзма №4982. – 546-varaқ. (бундан кейин қисқартириб мазкур қўлёзмани “Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л-мутеин” шаклида келтирамиз).

шарҳлар берилган⁶⁵. Айрим саҳифаларда эса ҳошиядаги шарҳлар форсий тилда ёзилган⁶⁶.

2166-рақамли қўлёзма. Асарнинг ушбу қўлёзма нусхаси Шарқ қўлёзмалар марказининг Ҳ.Сулаймонов фондида жойлашган бўлиб, жами 148 ғарз. Қўқон қоғозига майда настиқ хатида зич кўчирилган, саҳифалар 23 қатордан. Шу сабабли 4982-рақамли қўлёзмага қараганда ҳажм жиҳатдан анча кичик. Кўчирувчиси номаълум. Қўлёзма сўнгидаги хотимага қараганда, кўчириш ишлари ҳижрий 1247 (1831-1832) йилда тамомланган⁶⁷.

Маъмур қўлёзманинг 03 ғарздаги муҳрга қараганда, у қачонлардир Мулла Салоҳиддин муфтий ибн Мир Ҳабибуллоҳ мударрисга тегишли бўлган.

4590-рақамли қўлёзма. Ушбу қўлёзма нусха ҳам Шарқ қўлёзмалар марказининг Ҳ.Сулаймонов фондида сақланади, жами 525 ғарз. Қўлёзма Мулло Тўлабой ибн Мулла Нурмуҳаммад исмли шахс тарафидан настиқ хатида кўчирилган⁶⁸.

Асарда ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид атамаларнинг қўлланилишида табиийки унинг мавзуси, тузилиши ва таркибий қисмлари, муаллифнинг манбалари алоҳида аҳмият касб этади. Бу масалани ёритишдан аввал қуйида асарнинг умумий мазмуни ҳақида унинг 4982-рақамли қўлёзма асосида айрим фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтамиз.

Асарнинг ёзилиш сабаблари. Муаллиф асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида шундай ёзади: *“Аммо баъд, беҳисоб ғуноҳлар қилган бу бандаи (бечора) айтади, ва у шу (ғуноҳлари) сабаб ушбу китобда номини келтирмади. Китоблар қамлиги ва етишимаслигини ҳисобга олиб аҳли сунна вал жамоат ақидасини, сўнгра ҳанафий китобларидаги таҳорат, намоз, рўза, закот ва бошқа амалий масалаларни Аллоҳ истаганича (бир*

⁶⁵ Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. – 256а, 267б, 349б, 365б, 380б, 393б, 397б, 432б-ғарзлар.

⁶⁶ Ўша асар. – 62а, 68а, 248а, 283б-ғарзлар.

⁶⁷ Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. Қўлёзма №2366. – 148а-ғарз.

⁶⁸ Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. Қўлёзма №4590. – 525-ғарз.

мажмуада) жамлашни истадим. Ва биродарим унга “Маҳзану-л мутеин” деб ном қўйдилар. Бу китоб динда [мавжуд масалаларни ўзида мужассам этган] муҳим мажмуадир”⁶⁹.

Асарнинг муқаддима қисмида унинг муаллифи аниқ келтирилмаган бўлса-да, охиrhoғида асар Сўфи Оллоёрнинг қаламига мансублиги қайд қилиб ўтилган⁷⁰.

Асарнинг манбалари. Тадқиқотимиз жараёнида эътиборни тортувчи муҳим жиҳатлардан бири асарда муаллиф фойдаланган китоблар мавзуси ва кўламининг хилма-хиллиги, кўплиги бўлди. “Маҳзану-л мутеин” асари манбаларини мазмун-моҳиятига кўра қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Қуроъни карим.
2. Ҳадислар.
3. Ақида, калом, фикҳга оид асарлар.

Сўфи Оллоёр учун Қуроъни карим асосий манба бўлиб хизмат қилган. Аммо унга ақида ва калом масалаларида кўпроқ мурожаат қилган. Ҳадислардан эса кўпроқ фикҳий масалалар бўйича ҳукмларни асослашда фойдаланган.

Муаллиф кўп мурожаат қилган ақоид ва калом илмига оид асарлар орасида Ғаззолийнинг (1058-1111) “Кимёи саодат”, Абу Хафс ан-Насафийнинг (1069-1142) “Ақоиди Насафий”, Жалолиддин Даввонийнинг (1427-1502) “Ақоид ал-Жалолия”, шунингдек, “Тухфат ул-мутакаллимин”, “Жомеъ ал-муътақодат”, “Ҳисн ал-ҳасин”, “Мифтаҳ ал-айн”, “Мажмуъ ан-навозил” каби асарларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Муаллиф ақида ва калом масаласига анча эҳтиёткорлик билан ёндошган. Бир масала бўйича шиа, мўътазила, қадария, рафизия, кароматия, мафруъия, жабария, мутақассифа, муташаббиҳа ва мутажассима каби фирқаларнинг турли қарама-қарши фикрларидан баҳс

⁶⁹ Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л-мутеин. – 16-варақ.

⁷⁰ Ўша асар. – 424б-варақ.

юритади. Аммо бу билан ўқувчига уламоларнинг турли фикрларни тақдим қилиш билан чекланмай, “аҳли сунна вал-жамоа фикрича” деб, ханафий мазҳаби учун энг тўғри жавобни кўрсатишга ҳаракат қилади. Масалан, *“Тухфат ал-мутакаллимин”* китобида ақлдан кўра илмни афзал билиш борасида фикр бор. Мўътазила [фирқасидагилар] дейдики, ақл илмдан устун – афзалдир. Чунки илм ақл орқали қўлга киритилади, ақл қабул қилган нарса [ҳақиқат]ни илм қабул қилади. Рад этган нарсани у ҳам рад этади. Аҳли сунна вал-жамоа дейдики, ақл бу илм билан билимга эришиш учун қуролдир. Бамисоли қалам ёзув қуроли бўлгани билан ёзув [ёзилган нарса]дан афзал бўлмаганидек. Кўза сувни ташиш учун муҳим рўзгор буюми бўлгани билан сувдан афзал бўлмаганидек.

Қуръон қироати ҳам [инсон] танаси [жисмоний] қуроллари билан амалга ошади, уларга ҳалқум, димоғ, тил, тиш, оғиз, лаб ва товуш киради. Аммо бу билан ушбу аъзолар Қуръони Каримдан афзал деб айтилмайди. Шунингдек, қалб маърифат ўчоғидир, шундай бўлса-да, уни маърифатдан афзал кўрилмайди. Шунингдек, инсоннинг бадани намоз, рўза ва ҳаж сингари ибодатни бажарувчи қуролдир, аммо бадан ибодатлардан афзал деб, айтилмайди⁷¹.

Барча фикҳий асарларда фикҳга оид атамаларни қўллаш анъанаси мавжуд. Шу сабабли изланишлар жараёнида Сўфи Оллоёр фойдаланган асарлар тематикасига ойдинлик киритиш ҳамда уларда фикҳга оид асарлар ёзиш анъанаси ҳамда фикҳий атамаларнинг қўллаш услублари билан яқиндан танишиш учун айрим асарларнинг муаллифини аниқлашга ҳаракат қилдик. Изланишларимиз натижаси сифатида қуйида “Маҳзану-л-мутеин” асарида фойдаланилган фикҳга оид асарлар ҳақида қисқача маълумотларни қуйида келтириб ўтамыз:

- Хизонат ул-фикҳ. Абул-Лайс Самарқандий (ваф. 994й.) қаламига мансуб.

⁷¹ Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л-мутеин. – 8а-варак.

- Сирожия. Али ибн Усмон ибн Муҳаммад Сирожуддин ал-Ўший томонидани 569/1173-74 йилда ёзилган.
- Қуния. Тўлиқ номи “Қуниййат ал-Муниййа ли-татмил Гуннийа” бўлиб, Мухтор ибн Маҳмуд (ваф. 1259-1260й.) қаламига мансуб.
- Ширъат ислом. Рукн ул-ислом Имомзода Чўғий ас-Самарқандий (1098-1177) қаламига мансуб.
- Фатовойи Қозихон. Асарда баъзан “Тоторхония” номи билан ҳам тилга олинади, машҳур фақиҳ Ҳасан ибн Мансур Қозихон (ваф. 1195й.) қаламига мансуб.
- Фусул ал-Имоди. Бурҳониддин Марғинонийнинг набираси Абдурахим Абулфатҳ қаламига мансуб, 1254 йилда Самарқандда ёзилган.
- Канз ул-ибод. Али ибн Аҳмад ал Ғурий қаламига мансуб, Шиҳобиддин Суҳравардийнинг “Аврод” асарига шарҳ сифатида ёзилган.
- Ниҳоя. “Ҳидоя” асарининг шарҳи, Хусомиддин Сигноқий (ваф. 1315й.) қаламига мансуб.
- Кифоя. “Ҳидоя”нинг шарҳи, Саййид Жалолиддин Ғурлоний ал-Хоразмий (XIV аср) қаламига мансуб.
- Хулоса. Ифтихоруддин Бухорий (ваф. 1147й.) қаламига мансуб асар.
- Музмарот. Тўлиқ номи “Жомеъ ал-музмарот вал мушкилот” бўлиб, Юсуф ал-Қодирий (ваф. 1428й.) қаламига мансуб. “Мухтасари виқоя” асари шарҳларидан бири.
- Жомеъ ар-румуз. Шамсуддин Муҳаммад Кўҳистоний (ваф. 962/1554-55й.) қаламига мансуб.
- Китоб ас-салот. Бошқа номи “Салоти Масъудий”, Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф ас-Самарқандий (XIII - XIV асрлар) томонидан форс тилида ёзилган.

Айрим ўринларда муаллиф “Шофеъий фикрича”, “Шамс ал-аимма ас-Сарахсий айтади”, “Абу Бакр Термизий айтади”, “Абу Мансур

Мотуридий айтади” шаклида таниқли уламоларнинг айтган фикрларини тўғридан тўри келтириб ҳам ўтади.

Асарнинг ички тузилиши. Юқорида келтирганимиздек, асарда ханафий мазҳаби ақидаси ва таҳорат, намоз, рўза, закот каби фикҳий масалаларни қамраб олишни режалаштирилган. Муаллифнинг бу мақсади асарнинг ички тузилиши, масаланинг қўйилиши ва мавзуларнинг жойлаштирилишига катта таъсир қилган албатта.

“Маҳзану-л мутеин” асари мазмуни билан яқиндан танишган ҳар бир тадқиқотчи унинг асосан икки катта қисмдан ташкил топганини англаши қийин эмас. Биринчи бўлим “Китаб ал-муътақадот”, яъни “Ақидалар китоби” бўлиб, у ўз навбатида ислом ақидасига оид яна ўттизга яқин масалаларни қамраб олади. Асарнинг биринчи қисми бидъат ҳақидаги фасл билан якунланади⁷².

Иккинчи қисми Ҳанафий мазҳаби фикҳига бағишланган бўлиб, у ҳам “басмала” билан бошланган. Лекин ҳажм жиҳатдан биринчи қисмдан бир неча баробар катта⁷³. Бу қисм ҳам аввалгисидек бир неча ички бўлимлардан ташкил топган. Лекин асарнинг икки қисми фикҳий масалалар қамраб олинадиган фатово жанрига мансуб бўлиб, ундаги атамаларни фикҳ соҳасига оид терминалогик қатлам ташкил этади. Тожикистонлик тилшунос Т.С.Шокиров Марказий Осиёда ҳуқуқ хусусан ислом ҳуқуқшунослигига (фикҳ) оид атамаларни классификация қилишга уриниб кўрган. Жумладан, у ислом динига оид ҳуқуқий атамаларни шариат, ақоид, аҳком, намоз, рўза, ҳаж, никоҳ каби навбатдаги терминалогик қатламларга ажратган⁷⁴.

Лекин, у кўрсатган атамалар гуруҳининг деярли барчасини юқорида таъкидланганидек фикҳ соҳаси қамраб олади. Масалан, аксарият фикҳий асарлар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган Бурҳониддин

⁷² Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л-мутеин. –16-46а варақлар.

⁷³ Ўша асар. – 46а варақ.

⁷⁴ Шокиров Т.С. Формирование и развитие юридических терминов таджикского языка. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Душанбе, 2011.

Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ўзида 53 та қисмни ўз ичига олган бўлиб, бу борадаги асарлар орасида кенг қамровлилиги билан ажралиб туради⁷⁵. Аксарият фикхий асарлардан ўрин олувчи асосий мавзулар эса қуйидагилардан иборат:

китоб ал-тахорат – тахорат олиш шартлари ва унинг шаръий ҳукмлари.

китоб ал-салот – намоз турлари ва уни ўқишнинг тартиб қоидалари.

китоб ал-закот – закотга ажратиладиган мулклар ҳолати ва миқдори ҳақида ҳукмлар.

китоб ал-эътикоф – масжидда ибодат қилиб ўтириш қоидалари.

китоб ал-савм – рамазон ойида рўза тутиш шароитларига бағишланган ҳукмлар.

китоб ал-ҳаж – ҳажни адо этиш шартлари ва ҳукмлари.

китоб ал-никоҳ – никоҳнинг моҳияти, унинг қонун-қоидалари, ҳукмлари ва одоблари.

китоб ал-талоқ – никоҳнинг бекор бўлиши билан боғлиқ масалалар.

китоб ал-итоқ – қулни озод қилиш аҳкомлари.

китоб ал-имон – имоннинг моҳияти билан боғлиқ нозик шаръий ҳукмлар.

китоб ал-ширкат – исломда шерикчилик қилиш қоидалари.

китоб ал-лақит – ташландиқ бола ва нарсалар, фикҳда фарзанд асраб олиш шартларига бағишланган бўлим.

китоб ал-мафқуд – йўқолган нарсаларнинг ҳукмлари.

китоб ал-вақф – вақф мулкларининг мақоми ва у билан боғлиқ масалалари.

⁷⁵ Бунинг учун “Ҳидоя” асарининг русча таржимасидан фойдаландик: Маргинани. Ҳидоя. Комментарий мусульманского права. Ответственный редактор, автор вступительной статьи и комментариев проф., д.ю.н. А.Х.Саидов. Т.1. – Т.: Узбекистан, 1994. – 480 с.; Маргинани. Ҳидоя. Комментарий мусульманского права. Ответственный редактор, автор вступительной статьи и комментариев проф., д.ю.н. А.Х.Саидов. Т.2. – Москва: Волтерс Клувер, 2010. – 656 с.

китоб ал-буйу – савдо ва олди-сотдининг қонун-қоидалари ва у билан боғлиқ шаръий ҳукмлар.

китоб ал-тақсим – ўзаро шериклар ва меросни тақсимлашга бағишланган қисми.

китоб ал-шўрб – сув манбаларидан фойдаланиш ва унинг тўловларига оид ҳукмлар.

китоб ал-даъво – турли масалалар бўйича даъво қилиш тартиблари.

китоб ал-шаҳодат – гувоҳ ва гувоҳлик беришнинг шаръий ҳукмлари.

китоб ал-қазо – қозилик шартлари ва одоблари масалалари

китоб ал-ҳибба – исломда мусулмонларнинг ўз мулкларини ҳадя қилиш шартлари ва ҳукмлари.

китоб ал-сулҳ – низолашаётган томонларнинг икки томонлама манфаатли келишуви масалалари.

китоб ал-вадият – мол-мулкни бировга омонат шаклида бериш ва қайтариб олиш шартлари.

китоб ал-орият – вақтинча фойдаланишга нарса олиш

китоб ал-ваколат – вакил тайинлаш шартлари ва унинг иш юритиши ҳукмлари.

китоб ал-кафолат – бирор масала юзасидан кафилликка ўтиш шартлари.

китоб ал-иқрор – кишиларнинг бирор масала юзасидан иқрор бўлиши қонун-қоидалари.

китоб ал-ижорат – шариатга мувофиқ ижарага олиш ва бериш қоидалари.

китоб ал-сайд – ов қилиш ва овланган нарсаладан фойдаланишнинг шаръий ҳукмлари.

китоб ал-забойиҳ – тановул қилиш мумкин бўлган ҳайвонларни сўйиш ҳақидаги ҳукмлар.

китоб ал-истеҳсон – яхши ва ёмон нарсалар, обод ахлоқ мезонлари.

китоб ал-жиноёт – шариатга асосан жиноят деб қабул қилинган амаллар ва унга кўриладиган жазолар ҳақидаги бўлим.

китоб ал-вусоёт – шариатда васийлик масалаларига бағишланган шаръий ҳукмлар.

китоб ал-фароиз – вафот этган шахсдан қолган мероснинг яқинлари ўртасидаги тақсимотига бағишланган масалалар.

Кўриб турганимиздек, фикҳий асарлар намоз, рўза, ҳаж, никоҳ каби мавзуларни қамраб олади. Лекин, барча фақиҳ - муаллифлар ҳам ўз асарларини юқоридаги тартибда тузвермаганлар. Баъзи муаллифлар ўзи муҳим, долзарб деб билган ёки яқинлари илтимос қилган мавзуларни ёзиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Ҳатто, айрим мавзулар назмга солиб ҳам ёзилган. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ва маърифатпарвар Иброт (1862-1937) эса ўрта асрларда машҳур бўлган “Фикҳи Кайдоний” асарини қисқартирган ҳолда назмда шарҳлаб берганлар⁷⁶.

Сўфи Оллоёр ўз асарига долзарб деб билган мавзуларни насрда батафсил ёритишга ҳаракат қилган. Асар фатово жанрида ёзилишига қарамай, анъанавий таҳорат китобидан эмас ақида мавзусидан бошланиши, мавзуларнинг сайланма услубда (таҳорат, намоз, закот, рўза, никоҳ, талоқ, иътоқ каби йигирмага яқин масалалар) танланишига қараганда, амалиётдан ўтган анъанавий қолиплардан эркинроқ услубда ёзилган дейиш мумкин.

Лекин бундай услуб қўлланилиши оқибатида мавзулар тартибсиз жойлашиб қолган, фасл рақамлари ва номлари ҳар доим ҳам қўйилмаган. Баъзан махсус фасллар ичидаги бўлимлар ҳам фасл деб номланган. Масалан, намоз бўлимида “Қиблани билиш ҳақидаги фасл” (188а варақ), “Ният ҳақида фасл” (191а варақ), “Жамоат ҳақида фасл” (218а варақ) каби ички бўлимлар мавжуд. Лекин, масаланинг чуқурлашуви баъзан асарнинг тузилишидаги тартибни издан чиқарган. Натижада, айрим ўринларда

⁷⁶ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Китоб ус-салот. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқмероси нашриёти, 1993. – 70 б.; Исоҳқонтўра Иброт. Фикҳи Кайдоний назми. Нашрга тайёрловчи Н.Насруллаев. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012. – 93 б.

мавзудан узоқлашиш юзага келган. Масалан, касал одамнинг намози ҳақида сўз кетганда касал кўргани бориш одоблари ҳақида (300а-варақ), мусофир намози баёнида эса сафар одоблари ҳақида фикр-мулоҳазалар ҳам келтирилган (308б-варақ.). Витр намози эса икки ерда баён қилинган (244а, 330б-варақлар).

Биринчи боб бўйича хулоса. Юқорида билдирилган фикрларимизнинг хулосаси сифатида айтиш мумкинки, ўзбек тилидаги терминалогик қатлам бошқа тиллардагидек узоқ тарихий даврни босиб ўтди. Айниқса, Ўрта Осиё ҳудудига ислом динининг кириб келиши билан араб тилидаги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид атамалар чуқур кириб борди. Айниқса ислом ҳуқуқи билан боғлиқ махсус терминалогик қатлам шаклландики, биз буни ўша даврларда яратилган фикҳий асарлари орқалигина ўрганишимиз мумкин.

Сўфи Оллоёр Сўфи Оллоёр ана шундай фақиҳлардан бири бўлиб, у фикҳ илмига оид араб, форс ва туркий тилларда йирик асарлар ёзиб қолдирди. Унинг асарлардаги ислом ҳуқуқи ва диний-тасаввуфий руҳдаги ғоялар нафақат Туркистон, балки Кошғардан тортиб то Волгабўйи халқлари орасида ҳам кенг тарқалган. Шу сабабли ҳам бу асарларнинг литографик нашрлари XIX асрнинг 60-70 йилларидан 1917 йилга қадар Москва, Қозон, Тошкент, Бухоро, Когон, Самарқанд, Хива, Қўқон ҳамда Истанбул, Мумбай, Калькутта каби шаҳарларда бир неча ўн марталаб амалга оширилди.

Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л мутеин” асари олимнинг фикҳ соҳасидаги энг йирик асари бўлиб, XVII асрда араб тилида ёзилган кам сонли асарлар сирасига киради. Асар ўзида фикҳ фанининг барча мавзуларини қамраб олмаса-да, ижтимоий-иқтисодий масалалар кенг қамраб олингани билан шу мавзудаги фикҳий атамаларни ўрганишда муҳим манбалардан биридеб айтиш мумкин.

II БОБ. “МАҲЗАНУ-Л МУТЕИН” АСАРИДА ФИҚҲИЙ АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

2.1. “Маҳзану-л мутеин” асарида фикҳий масалалар ва улар билан боғлиқ атамалар

“Маҳзану-л мутеин” асарида фикҳий масалалар ҳақида гапиришдан аввал фикҳ тушунчаси ва у билан боғлиқ айрим жиҳатларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Фикҳ (арабча билиш, тушуниш) – мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ислом таълимотининг бир соҳаси. Фикҳ сўзи атама сифатида Қуръон ва ҳадисларда қўлланилган. У ислом дини вужудга келиб, халифалик қарор топиши биланок дарҳол таркиб топган эмас. Фикҳнинг қарор топиши Муҳаммад (сав) ҳадислари ва чорёрларнинг айтган гапларини ёзиб олиш билан бирга давом этган.

Хусусан, Зайд ибн ал-Ҳасаннинг «Мажмуъ ал-фикҳ», Молик ибн Анаснинг «ал-Муваттаъ», Ибн Ҳанбалнинг «ал-Муснад» китоблари фикҳга оид дастлабки асарлар ҳисобланса-да, улар муайян мавзуда танлаб олинган ҳадислардан иборат эди. Фикҳ илми X асрга келиб мустақил фан сифатида шаклланган. Фикҳ билан шуғулланувчи, уни ўрганувчи олимлар эса фақиҳ (ислом ҳуқуқи олими) деб аталган. Мовароуннаҳрда Бурҳониддин Марғинович, Абу Лайс Самарқандий каби олимлар ҳанафий мазҳабининг машхур фақиҳлари ҳисобланган⁷⁷.

“Фикҳ” сўзи луғатда дақиқ фаҳми, яъни бир нарсани нозик жойларигача тушунишни англатади. Шариат истилоҳида эса “шаръий далиллардан фаръий ҳукмларни чиқаришга фикҳ” деб айтилади. Ушбу таърифдаги “шаръий далил” деганимизда, асосан, Қуръони Карим ва Муҳаммад пайғамбар (сав) нинг суннатларини тушинамиз. “Фаръий ҳукмлар” эса аслийнинг тескараси, яъни шохобча, кичик аҳамиятли, десак

⁷⁷ Фикҳ // Ислом. Энциклопедия. З.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б.247.

ҳам бўлади. Шариатда эса, ибодатлар ва муомалотни ўз ичига олувчи ҳукмлардир⁷⁸.

Фикҳ ислом ҳуқуқшунослиги сифатида икки соҳада – шариат манбаларини ишлаб чиқиш (усул ал-фикҳ) ва шариатни аниқ соҳаларга татбиқ қилиш (фуруъ ал-фикҳ)дан иборат бўлган. Исломнинг суннийлик йўналиши ҳуқуқшунослигида тўртта мустақил ҳуқуқ мазҳаблари – ҳанафийлик, моликийлик, шофиъийлик ва ҳанбалийлик вужудга келган. Ўрта асрларда ва янги даврда Фикҳга оид асарлар орасида фатво тўпламлари кўпайди. Ал-Кудурийнинг (ваф. 1037) «Мухтасар», Қозихон Ўзгандийнинг (ваф. 1196) «Фатово», Бурҳониддин Марғинонийнинг (1123-1197) «Ҳидоя», Ибн Баззознинг (ваф. 1414) «Фатово» асарлари бунга мисол бўлади. Улар ичида «Ҳидоя» асари ҳанафийлик мазҳабида катта шухрат қозонган амалий қўлланмадир. Кейинги асрларда ёзилган кўплаб фикҳий асарлар «Ҳидоя»га таяниб, унинг андозаси асосида ёзилган.

Аввалги бўлимда “Маҳзану-л-мутеъин” асарининг таркиби ва умумий мазмунини таҳлил қилдик. Бу бўлимда асарда кўтарилган фикҳий масалалар ва уларда фикҳий атамаларнинг қўлланилишига эътибор қаратмоқчимиз. Юқорида таъкидланганидек, Сўфи Оллоёр ўз даврининг кенг билимли фақиҳларидан яъни фикҳ илми олимларидан бири бўлган. Унинг ўзининг эътироф этишича, фикҳ илмида унга икки киши Хожа Мўъмин ва Муҳаммад Ғазний устозлик қилган⁷⁹. Сўфи Оллоёр ҳанафий мазҳабида ҳулосалар берган, шаръий масалаларни кўриш, таҳлил қилиш ва фатво беришда ҳам шу мазҳабнинг мўътабар асарларини асос қилиб олади.

Сўфи Оллоёр имоми Аъзам ва унинг мазҳабини улуғлаб, шу мазҳабга мансублигини таъкидлайди. Меърож кечаси Муҳаммад алайҳиссалом Имоми Аъзамни “умматимнинг чироғи” деганларини фахр билан тилга олади. Аллома бошқа мазҳабларни камситмаган ҳолда, ҳар бир шаръий масалани, аввало ҳанафий мазҳаби доирасида ҳал қилади.

⁷⁸<http://www.fiqh.uz/index.php/fiqh-uz/fiqh-ilmi/336-fi-va-fa-i-lar>

⁷⁹ Сайфиддин Сайфуллоҳ. «Маслакул-муттақин» асарида фикҳий ва ахлоқий қарашлар // <http://huquqburch.uz/uz/view/812>

Лекин баъзи баҳсли масалалар устидан ҳукм, фатво чиқаришдан олдин у имом Аъзам, имом Молик, имом Шофиъий, имом Абу Юсуф ва бошқа уламолар фикрларини келтириб, фатво кимга ва қайси ҳукмга тегишли эканини уқтиради. Муаллиф ана шулар ҳақида фикр билдирганда, мазкур имомларнинг қарашларини, баъзи фақиҳларнинг нуқтаи назарларини қиёслайди. Гоҳо ҳаммаларининг қарашларида жон борлигини, айрим фатволар эҳтиёт юзасидан айтилганини таъкидлаб, хулосавий фатво ва ҳукмлар чиқаради. Бу ўринда унинг замонасининг анча пешқадам ва ғайратли фақиҳларидан бўлганини эътибордан қочирмаслик лозим. Зеро, ханафий мазҳабига оид юздан ортиқ фатво ва ақидага оид китобларни кўриб чиқиш осон иш эмас.

Бевосита, “Маҳзану-л-мутеъин” асаридаги фикҳий масалалар ва уларга оид атамаларнинг қўлланилишига келсак, бу асарнинг иккинчи қисмидан ўрин олган. Асарнинг мазкур қисмида кўрилган фикҳий масалалар қуйидаги асосий фаслларни ўз ичига олади: Таҳорат, Оқар сувлар, Таяммум, Азон, Жамоат, Саждаи сахв, Витр, Жаноза, Садақа, Никоҳ ва Талоқ. Кўрилган фикҳий масалалар мазмуни бўйича хулоса чиқарадиган бўлсак, унда фикҳий асарлардаги келиши лозим бўлган таҳорат, салот, закот ва никоҳ китоблари ўрин олган. Аксарият фатво ёки фикҳга оид асарларда эса бу мавзудаги асарлар мазмунан ва ҳажм жиҳатдан анча катта.

Умуман олганда, фикҳий асар ёзиш анъаналари билан яқиндан танишмасдан туриб, “Маҳзану-л-мутеъин” асаридаги фикҳий атамаларнинг қўлланилиши муаммолари борасида фикр билдириш қийин.

Фикҳий асарлар структураси XI - XII асрларда, аниқроғи Ҳидоя асаридан сўнг қатъий шаклга келган. Одатда таҳорат китобидан бошланиб, фароиз китоби билан якунига етган. Лекин бу қатъий тартиб эмас, уларда айрим кичик фарқлар кўзга ташланиб туради. Айримларида эса мавзулар кўп ёки кам ҳам бўлиши, ёки айрим масалаларигагина бағишланган бўлиши ҳам мумкин. Албатта бу муаллифнинг истагидан келиб чиқиб

белгиланган. Бу ҳолат Сўфи Оллоёр ижоди учун ҳам хос. Яъни Сўфи Оллоёр ҳам ўзи муҳим деб топган ижтимоий-иқтисодий масалаларни танлаб асарнинг фикҳий масалалар қисмига киритган.

“Маҳзану-л мутеин” асарида ўрин олган фикҳий масалалар ҳақида гап кетганда асарни “Маслаку-л-муттақин” билан қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. “Маслаку-л-муттақин” асари таркиби ва мазмуни билан танишадиган бўлсак, у “Маҳзану-л мутеин”дан анча тартибли равишда тузилганига амин бўламиз. Хусусан, унда фикҳий асарларда ёритиладиган “китоб” номи билан тақсимланган масалалар мажмуалари камраб олинган.

Муаллиф мўътабар манбалардан фойдаланиб, шариат ҳукмларини, исломий ҳуқуқларни оят, ҳадис, ижмоъ ва қиёслар асосида баён қилиб беради. Тўрт мазҳабнинг асосчилари ва йирик издошларига ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлади. Аввало, у фикҳда қўлланадиган фатво истилоҳларига диққатни қаратади. У ҳатто “Маслаку-л-муттақин” асарининг “Мўълама (фатво) лафзларининг баёни” номли бобида фатво беришга оид асосий истилоҳларни ҳам таҳлил қилишга чоғланган. Масалан, унинг наздида ҳанафий мазҳаби фақиҳлари орасида “алайҳи фатво”, “биҳи юфто”, “биҳи юътамаду”, “алайҳи эътимодун”, “амал ул-аимма”, “ҳуваз зоҳиру”, “ҳувал ашбаҳу” каби истилоҳлар қўлланилган. Лекин уларнинг орасида энг мақбули “биҳи юфто” ва “алайҳил фатво” истилоҳларидир⁸⁰.

Сўфи Оллоёр қарашларининг ўзига хос томонларидан бири шуки, у фикҳий масалаларнинг фатво томонларини кўрсатиш билан бирга тақво жиҳатларини ҳам назардан қочирмайди. Китобда таҳорат бобидан бошлаб, таҳорат, таяммум, намоз, рўза, закот, қурбонлик, ов қилиш, қироат, саждаи саҳв, саждаи тиловат, шаҳидлик ҳукми, сув ва қудуқ ҳукми каби қатор фикҳий масалалар алоҳида бобларга ажратилиб, ҳар бир масаланинг жузъий жиҳатларигача шарҳлаб, далиллаб берилади. Сўфи Оллоёр фатволарининг яна бир муҳим томони, айрим ўринларда макон ва замонни

⁸⁰ Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин.– Б.63.

эътиборга олиб, Бухоро уламоларининг фатволарини ҳам келтириб ўтади. Шунингдек, ҳар бир масалани манбаси, яъни далили билан келтиради.

“Маҳзану-л мутеин” асаридаги фикҳий атамаларнинг қўлланилиши анча кенг. Магистрлик диссертациямизда бу масалани фикҳнинг умумий масалалари ҳамда фикҳий масалаларни кўриш жараёнига ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид атамалар мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Атамаларнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини таърифлашда эса Ислом энциклопедияси, Лутфиллоҳ Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний”, Сўфи Оллоёрнинг “Маслаку-л-муттақин”, Исҳоқхон Тўра Ибротнинг “Фикҳи Кайдоний назми”, М.Ҳақимовнинг “Шарқ манбашунослиги луғати” номли китобларидан фойдаландик⁸¹.

Фикҳнинг умумий масалаларига оид атамалар

Даъво– “чақирмоқ, талаб этмоқ; бузмоқ, баҳслашмоқ”. Ислом ҳуқуқшунослигида бу атама бирор кимсанинг муайян шахснинг ёки одамларнинг устида қилган шикоят ва улардан талаб қилган жавоби “даъво” дейилади. Барча фикҳий асарларда шунингдек, “Маҳзану-л мутеин” асаридаги хулосага кўра, даъвогар ўз даъвосини амалга ошириши учун қозихонага мурожаат қилиши лозим (рафъ-и даъво). Унинг даъвоси ҳақ бўлиши учун ундан ҳужжат, далил ва гувоҳлар талаб этилган. Агар ҳужжати ва гувоҳлари бўлмаса даъво қондирилмаган (дафъ-и даъво).

Жиноят– “термоқ, пасткашлик қилмоқ, айб иш қилмоқ”. Шариат бўйича қозихонада кўриб чиқиладиган жиноятлар икки турга бўлинган. Бири шаръий амаллар ва ахлоқий бурчларни адо қилмаганлик учун муҳтасиблар томонидан аниқланиб, белгиланган жазолар (таъзир). Иккинчиси эса ўғирлик, зино каби шариат қатъий белгилаган жиноят ва жазолар (ҳад, ҳудуд).

⁸¹ Қаранг: Ислом. Энциклопедия. З.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004; Лутфиллоҳ Насафий. Фикҳи Кайдоний (Матн, таржима). Нашрга тайёрловчилар: Н.Насруллаев, З.Исломов. – Т., 2010; Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин. Т., 2012; Исҳоқхон Тўра Иброт. Фикҳи Кайдоний назми. Нашрга тайёрловчи Н.Насруллаев. – Т., 2012; Ҳақимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. – Т., 2013.

Мажонин – “мажнунлар”. Жинни ва савдойи одамлар. Жинни ва ақли ноқислар мол-мулкларини ўзлари тасарруф қила олмаганликлари учун уларга васий белгиланади.

Мафқуд – “йўқолган”. Эгаси топилмаган ёки йўқотилган нарсага нисбатан қўлланади. Ғойиб бўлган қул ёки шахсга нисбатан ҳам айтилади.

Ужра– “ҳақ, ажр, эваз”. Бирор ишга бериладиган ҳақ, ижара ҳақи, таълим ва имоматчиликка берилган ҳақлар “ужра” дейилган. Ужра иш қилинишидан аввал томонлар билан келишилган миқдорда белгиланган. Агар аввалдан келишилмаган бўлса, шу хилдаги ишга одатда бериладиган ҳақ тўланган (ужрат ул-мисл).

Шарик– “шерик, ҳамкор”. Бирор кўчмас мулкни бирга сотиб олганлар, биргаликда тижоратда ҳамкор бўлганлар.

Таяммум – луғавий маъноси “қасд қилиш“, шаръий маъноси покиза тупроқни ишлатишга қасд қилиш. Таяммум учун агар сувдан 1 мил, баъзи ҳукмларда 2 мил узоқда бўлса, иложсиз таяммум қилади⁸².

Фиқҳий масалаларни кўриш жараёнига оид атамалар

Қози– атама сифатидаинсонлар ўртасида юзага келган турли муаммоларни шариатгаасосида ажратиб, низоларни тугатишга айтилади. Қозилик фаолиятининг илк тамал тошлари исломнинг бошланишиданоқ қўйилган бўлиб, Пайғамбар алайҳиссалом қозилик ишларини бошқарган, қозиликнинг ўзига хос одоблари, баъзи бир шарт-шароитларини белгилаб берган эдилар. Аббосий халифа Ҳорун ар-Рашид (786-808) даврида эса махсус “қози ал-қузот” (қозилар қозиси) лавозими ташкил қилинган.

Аълам– арабча “билгувчироқ” маъносини берувчи ушбу сўз атама сифатида қозихоналарда фаолият юритган диний мансаб эгасини англатади. У мансаб ва мақомда муфтийлардан юқори бўлган. Аъламнинг вазифаси муфтийларнинг фатволарини текширишдан иборат бўлган.

Муфтий– муфтий тарихий атама бўлиб, араб тилида фатво берувчи, диний масалаларда қарор чиқарувчи яъни шариат илмли бўлган шахсларга

⁸² Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутъин. – 113а-113б-варақлар.

нисбатан ишлатилган. Кейинроқ ислом ўлкаларида мансабдор шахс. Муфтий диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин қилиб бериш, шариатни татбиқ этиш борасида ҳал қилувчи ҳуқуққа эга бўлган. Одатда, унинг фикр ва қарорлари фатволарда баён этилиб, мусулмонлар учун қўлланма ҳисобланади. Муфтийлар томонидан муайян шахснинг маълум бир ҳодиса ёки ҳолат юзасидан берган саволига жавоб ёзиш ҳолати. Ёзилган фатво “шаръий ривоят”, “ривоят ҳужжати” деб аталади ва қозихоналарда истеъмол қилинган муҳим тарихий ҳужжат тури ҳисобланади. Фатво ёзишликнинг ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд.

Илк бор муфтийлар ҳокимлар ва қозилар ҳузуридаги махсус маслаҳатчилар сифатида халифа Умар II (717-720) томонидан Мисрда тайинланган. Ҳозирги кунда мусулмон мамлакатларида муфтийлик ҳукумат тайинлайдиган расмий лавозим ҳисобланади.

Раис – “бошчи, бошчилик”. Муҳтасиблар бошлиғи шундай аталган. Раислар шаръий қонун-қоидаларнинг ҳамда урф-одатларнинг амалга оширилиши жараёнини кузатиб борганлар ва назорат қилганлар. Раислар ҳам хон ва ҳокимлар томонидан таъинланган.

Фақиҳ – 1. Ҳуқуқшунос, фикҳ илми олими, билимдони. 2. Фикҳ олимларини улуғловчи рамзий унвон.

Уламо– “олимлар, билимдонлар”. Шаръий-фикҳий илмларга эга шахсларга нисбатан “уламо” дейилган. Масалан, қози, шайх ул-ислом, муфтий ва аълам кабилар.

Машойих– “улуғ ёшли кишилар”. Обрў-эътиборга эга бўлган уламолар, тариқат пешволарига нисбатан қўлланилган атама.

Маҳзар– луғавий маъноси “ҳозир бўладиган жой”. Истилоҳий маънода эса қозининг ҳукми битилган ҳужжат. Қозининг ҳузурида бўлиб ўтган жараён даъвогар ва жавобгарларнинг сўзлари, гувоҳларнинг исмлари ва сифатлари баён этилган ҳужжат “маҳзар” деб аталган.

Маъмула– “амал қилинган, амалиётга жорий бўлган”. Қозихона фатволари ва ривоят ҳужжатларига нисбатан қўлланадиган атама. Бунда

фикҳий масала ва фатволарда амалиётга жорий бўлган, кўпчилик уламолар томонидан мақбул саналганлари назарда тутилган.

Муҳиммот– “муҳим, аҳамиятли шаръий ишлар”. Аҳамиятли шаръий ишлар деганда, одамлар ўртасидаги муомалалар, савдо-сотик, никоҳ ва талоқ, ҳар хил даъволар, ижара ва шу каби ишларда шариатга мувофиқ, қонуний асосда олиб борилиши тушунилган. Бу ишларнинг қонунийлаштирилиши қози, мухтасиб ва муфтийлар зиммасига юкланган.

Нофиз ал-ҳукм – “ҳукми юрувчи”. Қозиликка тайинланган ва иш юритишга киришган қозига нисбатан қўлланилган атама.

Ривоят– “ривоят, ҳикоя қилиш”. Фикҳшуносликда тарихий ҳужжат тури бўлиб, “қозихона фатволари”, “шаръий ривоят” деб ҳам аталади. Муфтийлар ва аъламлар томонидан муҳр билан тасдиқланган, даъвогар ёки жавобгарнинг махсус ҳодиса ёки ҳолат юзасидан берган саволига қайтарилган жавоблари. Унда берилган жавобга далил бўлган ҳужжат фикҳий манбалардан иқтибослар олиб келтириб қўйилган бўлади.

Ривоят ҳужжатларини ўрганиш қозиларнинг ҳукмларининг қанчалик асосланганини тадқиқ ва таҳлил қилиш имкониятини беради. Жавобга асос бўлган масала фикҳий манбалардан китоб номи кўрсатилган ҳолда иқтибослар шаклида келтирилган бўлиши лозим. Фойдаланган фикҳий манбаларнинг эътиборли ва эътиборсиз турларга бўлинганига ҳам эътибор қаратилади.

Ришва– “пора”. Ҳақни ноҳаққа, ноҳақни ҳаққа айлантириш мақсадида берилган ва олинган совға.

Сакана – “яшовчилар, турувчилар”. Бирор шаҳар ёки қишлоқда доимий ватан тутмаган, бали вақтинчалик яшашга келганларга нисбатан ишлатилган атама.

Сақим– луғавий маъноси “касал”. Фикҳий масалалардаги истилоҳий маъноси эса қабул қилинмаган ва уламолар томонидан мақбул саналмаган даъволар назарда тутилган.

Сарих – “равшан, аниқ”. Гап-сўзларда имо-ишора қилинмаган, ботиний маъноларга эга бўлмаган аниқ маънолилари. Масалан, фикҳ нуқтаи назаридан талоқ қилувчи одам талоқни сарих айтиши учун “Сен талоқсан!” деб айтиши лозим. Агар “Сен билан бирга яшамайман!” деса бу сарих талоқ эмас балки киноя билан айтилган ҳисобланади.

Фатво– “қатъий, кучли ҳукм”. “Фатво”нинг асл луғавий маъноси ҳар қандай – у хоҳ шаръий, хоҳ ношаръий бўлган саволга берилган жавоб бўлса ҳам, лекин истилоҳда диний саволга берилган жавобга нисбатан қўлланилади. Агар фатво Пайғамбар алайҳиссалом ва саҳобалар томонидан чиқарилган бўлса “ал-фатво ат-ташриъий” (“қонуний фатво”), маълум бир ҳолатга қаратилмаган, балки умумий масалалар бўйича китоб, рисола ва умумий саволга фақиҳлар томонидан умумий жавоб шаклида баён қилинган ҳукм бўлса “ал-фатво ал-фикҳий” (“фикҳий фатво”), муайян шахснинг маълум бир ҳодиса ёки ҳолат юзасидан берган саволига жавоб сифатида берилгани эса “ал-фатво ал-жузъия” (“жузъий фатво”) ёки “шаръий ривоят” деб номланади.

Шариат– “катта ариқ; катта йўл, шоҳкўча”. Худо томонидан бандалари учун белгиланган қонунлар мажмуаси. Шариат қонунлари ибодат ва муомалатга бўлинади.

Қавл– ар. “сўз”. Фикҳий масалалардан бирорт уламо ёки олимнинг гапи, қараши ва фикрига нисбатан “қавл” атамаси ишлатилади.

2.2. Асардаги фикҳий атамаларнинг лексик-семантик таҳлили

“Махзану-л мутеин” асари XVIII асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиёда, аниқроқ айтганда Бухоро хонлигида араб тилида ёзилган фикҳий асар. Албатта унинг тил хусусиятларини Бухорода фикҳ илми юксак ривожланган X - XII асрларда шу йўналишда ёзилган бошқа асарлар ёки XVII асрда Арабистон ярим ороли, Шимолий Африка минтақасида ёзилган асарлар билан қиёслаб бўлмайди. Чунки уларни араб тилида ёзилганлиги бирлаштириб турса-да, амалдаги тилнинг ривожига,

лексик таркибида катта фарқ бор. Аниқроқ айтганда, асарлардаги фикҳий атамалар асл ҳолида аммо уларни ўқувчига тушунтириб бериш, ифодалаш воситаси бўлган тил ўзгаришларга учраши табиий. Зеро ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт доимо тилнинг лексик таркибини ўзгартириб боради.

Лексика юнонча “lexis” сўзидан олинган бўлиб, сўзга оид, луғавий маъноларини билдиради. У тилдаги барча сўзлар ва иборалар йиғиндиси, тилнинг лугат таркибидан иборат. Лексика маълум қонун-қоидага бўйсунувчи изчил ва мураккаб тизимдан иборат. Тил лексикаси тўхтовсиз ўзгариб туриш қоидасига эга. Чунки, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий жараён тилдаги луғат таркибини янги сўзлар билан бойитиб боради. Айримлари эса эскириб, истеъмолдан чиқиши ёки лексик маъносини ўзгартириб, янги маъно касб этиши ҳам мумкин. Лексика муаммолари билан шуғулланувчи йўналиши лексикология деб аталади.

Семантика эса юнонча “semantikos” луғавий жиҳатдан “билдирувчи”, “ифодаловчи” каби маъноларни англатади⁸³. Лекин унинг тилшуносликдаги таърифи анча кенг қамровли ва қуйидаги маъноларни беради:

1) тил ёки унинг бирон-бир бирлиги (сўз, сўзнинг грамматик шакли, фразеологизм, сўз бирикмаси, гап) орқали ифодаланадиган бутун мазмун, маъно, ахборот;

2) турли тил бирликларининг маъновий томонини ўрганувчи тилшунослик бўлими, яъни семасиология.

Атамалар семантикаси дейилганда тилдаги бирор сўзнинг умумистеъмолдаги маъноси ҳамда унинг умумистеъмолда бўлмаган, яъни фақатгина бирон бир соҳагагина тегишли маънолари ўрганилиши тушунилади. Тилшуносликда, хусусан, терминологик тадқиқотларда атамаларнинг ҳосил бўлиши, асосан, уч хил (аффиксал, композицион,

⁸³ Краткий словарь иностранных слов. Под. ред. И.В.Лёхина и Ф.Н. Петрова. 5-е переработанное и дополненное издание. – Москва, 1950. – С.329.

семантик) усул орқали амалга ошиши ҳақида сўз юритилади. Семантик усул билан атамалар ҳосил бўлиши, биринчидан, умумистеъмолдаги лексемаларнинг муайян соҳа атамаларига айланиши, иккинчидан, бирор фан соҳаси атамаларининг маъно кўчиши натижасида бошқа фан соҳаси терминологик тизимида шакллана бошлаши исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Аини шундай жараён атамашуносликда “транстерминлашув” деб аталади⁸⁴.

Магистрлик диссертациямизнинг мазкур бўлимида “Маҳзану-л мутеин” асарида қўлланилган фикҳий атамаларнинг лексик ва семантик таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Аввало асарнинг лексик таркиби ҳақида тўхталсак. Тилшунос Н.С.Мамадвалиеванинг фикрича, Ўрта Осиё ёзма адабиёти тарихида VII - XIII асрлардаги тараққиёт босқичида туркий тил етакчилиқ қилган, IX - XIV асрлар араб илмий китобий тили даври бўлган. XIII - XV асрларда туркий ва форсий тил етакчилиқ қилган, XIV - XIX асрлар эса зуллисонайнлик даври ҳисобланган⁸⁵.

Шу фикрга таянадиган бўлсак, Сўфи Оллоёр яшаб ижод қилган XVII аср охири XVIII аср бошида Бухоро илмий-маданий муҳитида ўз асарини араб тили ёзиш бу кам учрайдиган ҳолатдир. Чунки, XV асрга келиб фикҳий асарларни форс тилида ёзиш анъанаси шаклланиб бўлган ва бу борада бир неча асарлар яратилган эди. Араб тилида эса асосан уламоларнинг тор доирада кишилари (олимлар, талабалар) учун мўлжалланган асарларгина ёзилган

Таъкидлаш жоизки, Бухоро хонлиги аҳолисининг муомала тили туркий ва форс тили бўлган. Ҳатто Сўфи Оллоёрнинг ўзи ҳам ўзбекларнинг ўтарчи уруғидан бўлиб, у араб тилини Бухородаги

⁸⁴ Супэрранская А.В, Подолская Н.В. Общая терминология. – М.: Наука, 1989. – С.203.

⁸⁵ Мамадалиева Н.С. XVII асрнинг иккинчи ярми - XIX аср биринчи ярми ўзбек тили ёзма ёдгорликлари лексик хусусиятлари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2012. – Б.12.

Жўйборийлар мадрасасида ўзлаштирган. Асарларини ҳам форсий ва туркий тилларда битган.

Фикҳ илми ривожига жараёнида фақатгина исломий истилоҳлар эмас айрим сўз ва иборалар ҳам шу соҳанинг Терминологияси қатламига кириб қолган. Натижада улар вақт ўтиши билан кундалик муомала тилидан чиқиб кетса-да, фикҳий асарларда кенг қўлланиладиган атамаларга айланган. Сўфи Оллоёр ҳам ўз асарини ёзишда фикҳ илми бўйича XI - XIV асрларда яратилган “Сирожия”, “Қунийя”, “Ширъат ул-ислом”, “Фатовойи Қозихон”, “Жомеъ ар-румуз” каби мумтоз асарларига таянган. Шу сабабли ҳам “Маҳзану-л мутеин” асарининг лексик таркибидаги фикҳий атамаларнинг барчасини ҳам муаллиф яшаган даврда жонли муомала бўлган деб бўлмайди.

Масалан, оғзаки ва ёзма тилда VIII - XII асрларда кенг ишлатилган “динор” ёки “дирҳам” сўзларини олайлик. “Динорий” ва “драхма” антик даврда Юнон ва Римда пул бирлигини англатган. Мазкур сўзлар араб тилига халифалик ҳудудларининг кенгайиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожига натижасида “динор” (دِينَارٌ; دِينَارَاتٌ), “дирҳам” (دِرْهَمٌ; دِرْهَمَاتٌ) шаклида кириб келди. Бу сўзлар VIII - XII асрларда халифаликнинг барча ҳудудларида муомалада бўлгани сабаб, фикҳий ва шаръий масалаларда ҳам моддий масалаларда ўлчов бирлиги сифатида фойдаланилган.

Аммо XVI - XVII асрларда динор ва дирҳам сўзлари пул бирлиги сифатида умуман ишлатилмайди. Аксинча бу даврдаги пул бирликлари хоний, тилло ёки танга деб аталган. Динор ва дирҳам эса фикҳий атама сифатида муомалада қолди.

Шунингдек, ибодат маъносини англатувчи салот(صَلَاةٌ, кўпликда صَلَوَاتٌ) сўзини олайлик. Аҳолининг кундалик муомала тилида ва форс-туркий тилларда битилган асарларда аллақачон унинг эквиваленти сифатида “намоз” сўзи кенг оммалашган. Салот эса луғавий маъносидан ташқари шаръий жиҳатдан истилоҳий маъноларига ҳам эга бўлган фикҳий

атама сифатида қўлланилган. Айни пайтда салот сўзи ўзагида фикҳга оид бошқа бир атамалар ҳам шаклланган. Масалан:

1. **مُصَلِّي** (қўпликда **مُصَلِّيَات**) – намоз ўқийдиган жой, бу ерда масжид тури маъносида.
2. **مُصَلُّونَ** (**مُصَلِّيَّة** муаннас) – намоз ўқувчи, яъни мусулмон эркак ва аёл.

Шунингдек, салот – намоз ўқиш билан боғлиқ равишда яна бир гуруҳ шаръий амалларни англатувчи атамалар юзага келган:

- салот ул-жумъа (**صَلَوَاتُ الْجُمُعَةِ**) – жума кун ўқиладиган намоз;
- салот ул-хумс (**صَلَوَاتُ الْخَمْسِ**) – беш вақт намоз;
- салот ул-фажр (**صَلَوَاتُ الْفَجْرِ**) ёки салот ул-субҳ (**صَلَوَاتُ الصُّبْحِ**) – тонги намоз;
- салот ул-зуҳр (**صَلَوَاتُ الظُّهْرِ**) – тушки намоз;
- салот ул-аср (**صَلَوَاتُ الْعَصْرِ**) – тушдан кейинги намоз;
- салот ул-мағриб (**صَلَوَاتُ الْمَغْرِبِ**) – оқшомги намоз;
- салот ул-ийшаъ (**صَلَوَاتُ الْعِشَاءِ**) – кечки намоз;
- салот ул-тарових (**صَلَوَاتُ التَّرَاوِيحِ**) – рамазон ойи ўқиладиган намоз;
- салот ул-кусуф (**صَلَوَاتُ الْكُسْفِ**) – қуёш тутилганда ўқиладиган намоз;
- салот ул-жаноиз (**صَلَوَاتُ الْجَنَائِزِ**) – жаноза намози;
- салот ул-витр (**صَلَوَاتُ الْوُتْرِ**) – кечки намознинг охириги қисми.

Салот сўзи бугунги кунимизда ҳам асосан фикҳий масалаларда ва китобий тилда истифода этилади. Аҳолининг сўзлашув тилида эса салот ул-фажр – бомдод, салот ал-зуҳр – пешин, салот ул-мағриб – шом, салот ул-ийшаъ – хуфтон каби шакллари қўлланилади.

Атамалар муайян бир соҳага оид тушунчаларнинг аниқ ифода этувчи сўзлар бўлса-да, лекин бу сўзларнинг қўлланиши шу соҳа кишилари доираси билан чегараланган бўлиши шарт эмас. Бунда икки ҳолатни кўриш мумкин:

Биринчисида, атамаларнинг маъноси у тегишли соҳага алоқаси бўлмаган кишилар учун ҳам тушунарли бўлади ва улар томонидан ҳам қўлланилаверади. Масалан: мазҳаб, намоз, таҳорат, никоҳ каби.

Иккинчисида, атамаларнинг маълум қисми шу атама оид бўлган соҳа кишилари учун тушунарли бўлади ва шулар нуткида қўлланади: таквин, самиъ, расул, набий каби каби.

Араб тилида лексик омонимия туфайли айрим сўзлар график ва товуш жиҳатдан тасодифий ўхшашликка эга. Бундай ҳолатларда улар турли маъноларни англатади⁸⁶. Масалан, маҳр сўзи фикҳга оид атама сифатида кўп қўлланилади. Маҳр

Маҳр(مَهْر؛ أَمَهَار) – маҳр никоҳ учун бериладиган қалин, мол-мулк⁸⁷. Араб тилидаги “م + ه + ر” ҳарфлари йиғиндиси қисқа унлилар орқали товуш ўзгаришига учраб бошқа маъноларни ҳам англатади (бу ҳақда диссертациянинг 3-бобида алоҳида тўхталиб ўтамыз).

1. مَهْر (مُهُور) – муҳр, шахсни тасдиқловчи белги воситаси.
2. مَهْر (أَمَهَار) – қулун ёки тойчоқ, отнинг боласи.

Шунингдек, синонимия юзасидан бир сўз ёки атама турли маъноларни англатиши ҳам мумкин. Масалан, фикҳий атамалардан саналувчи таҳорат(طَهَارَة) сўзи асосан қуйидаги маъноларни англатади:

- тозалик, озодалик;
- суннат, ҳатна;
- таҳорат, яъни намоздан олдинги покланиш.

Фикҳга оид атама сифатида айнан сўнги, учунчи маънода қўлланилади. Сўфи Оллоёнинг таъкидлашича, таҳорат атамасининг фикҳдаги шаръий маъноси махсус аъзоларни махсус тариқада ювишни англатади⁸⁸. Унинг ёзишича, таҳорат икки хил бўлади:

⁸⁶Ковырина Н.Б., Самоделькина Л.В. Лексикология арабского языка. Учебное пособие. – Москва, 2008. – С.29.

⁸⁷ Баранов. Словарь арабского языка. – С.771. <http://slovar-islam.ru/books/nomer/25.html>; <http://www.islam.uz/home/islamskie-termíny.html>

⁸⁸Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. – 466-варак.

1) “татҳирун нажосат ал-ҳукмия” яъни, шаръий ҳукмга кўра таҳорат олиш, ғусл қилиш, таяммум қилиш.

2) “татҳирун нажосат ал-ҳақиқия” яъни, уч нарсани поклаш: бадан, кийим, макон поклигига эътибор бериш.

Масҳ (مَسْح). Араб тилида масҳ сўз бир-бирига яқин бўлган аммо турли йўналишдаги иш ҳаракатни англатувчи маъноларни беради. Масалан, у суртмоқ, силамоқ, ишқалмоқ, укаламоқ, тозаламоқ, артмоқ каби маъноларида қўлланилиши мумкин. Аммо фикҳга оид атама сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

“Маҳзану-л мутеин” асарида “Масҳнинг муддати баёни ҳақида” номли бўлимда батафсил таҳлил қилинган. Унда баён қилинишича, масҳ атамаси луғавий жиҳатдан силаш маъносини англатади. Истилоҳий маъноси эса таҳорат амалнинг белгиланган ҳоллардаги таркибий қисми бўлиб, оёқ кийим ҳисобланган маҳсига масҳ тортишни билдиради. Масҳнинг шаръий талаблари мавжуд бўлиб, энг муҳим унинг муддатидир. Сўфи Оллоёр мўътабар китобларга таянган ҳолда масҳнинг муддатини мусофирга 3 кеча кундуз, муқим кишига 1 кеча кундуз деб кўрсатади⁸⁹.

2.3. Фикҳга оид айрим атамаларнинг истилоҳий маънолари

Фикҳий атамаларнинг маънолари жуда кенг қўламли бўлиб, уларнинг асл маъносини билиш учун фақатгина луғат кифоя қилмайди. Матнда уларнинг истилоҳий маъноси катта аҳамият касб этади. Уларнинг асл маъносини келтириб чиқариш осон иш эмас, бир фикҳий маънони англатаётган сўз, матнда воқеа, ҳодисага асосланиб бошқа бир маънони ҳам англатиши мумкин. Ёки икки атама бирлашиб луғавий маънодан бир оз четлашган ҳолда, бошқа бир таржима келтириб чиқаради.

Биз бу тадқиқот ишимизда “Маҳзану-л мутеин” асаридаги фикҳий атамаларнинг айнан шу икки турдаги маъноларини ўрганишга ва уларни

⁸⁹. Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л-мутеъин – 128а-129-варақлар.

бир бирига қиёсий таҳлил қилиб, улар ўртасидаги фарқни кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

الفقه

Луғавий маъноси тушунмоқ, англамоқ, идрок этмоқ. Истилоҳий маъноси: ишларнинг нозик жиҳатларини идрок этиш. Масалан арабларда "وفقه هذه المسألة" бу масаланинг фикҳий томони..." деганда, унинг шаръий ҳукумларини билиш назарда тутилган бўлади.

السنة

Луғавий маъноси йўл, сийрат деганидир. Истилоҳий маъносида Пайғамбар (с.а.в) нинг барча сўзлари, хатти-ҳаракатлари, қарорларини билдиради. Қарорлар эса ўз ўрнида иккига бўлинади. الامر - амр, буйруқ ва النهى - қайтариш, ман қилишдир.

الفرض

Луғавий маъноси тилмоқ, кесмоқ, қирқмоқ (ёғочга нисбатан), ишга нисбатан ўлчамоқ, ақли билан тасаввур қилмоқ. Истилоҳий маъноси эса Аллоҳ бандаларига фарз қилган намоз, закот, ҳаж, рўза каби амаллар тушунилади. Фарз амалини бажариш савобга, уни тарк қилиш уқубатга олиб келади.

المندوب

Луғавий маъноси чақирмоқ, ундамоқ, жалб қилмоқ. Истилоҳий маъноси фарз, вожиб, суннатлардан ташқари шариатда таклиф, тавсия қилган амаллар тушунилади. Суннат ва таклиф қилинган амаллардан савоб олиш, қилинган ниятга боғлиқдир.

المباحات

Луғавий маъноси: сирни фош этиш, бермоқ, йўл қўймоқ, ҳавола қилмоқ. Истилоҳий маъноси: таъқиқланган нарсага рухсат бериш, яъни уни ҳалол қилиш демакдир. Мубоҳ нарсалар ундан нима мақсад кутилаётганига кўра фарқланади. Мубоҳ нарсалар ниятга боғлиқ эмас, фақатгина ундан савоб кўзда тутилганда ниятга эҳтиёж сезилади. Масалан: овқат ейиш бу мубоҳдир, лекин исроф даражасига ўтиб кетса харом

ҳисобланади. Луғатда унинг англатаётган маъноси қисқа бўлса-да, истилоҳда биргина атама бир қанча вазифани ўз ичига олади.

المحظورات

Луғавий маъноси **مباح** атамасидан фарқли ўлароқ, таъқиқланган нарсалар деган маънони англатади. Масалан **وما كان عطاء ربك محظورا** яъни: Роббингнинг атою неъматлари чекланган эмас. Истилоҳий маъноси эса булар шундай ишларки, ҳатти ҳаракатларки инсон уларни бажарса гуноҳкор бўлади. Лекин шариятда заруратлар пайтида уларни қилишга изн берилган. Лекин, заруратлар ман қилинган нарсаларга руҳсат беради:

الضرورات تبيح المحظورات

Масалан бирор киши саҳрода егуликсиз қолса, учратгани фақатгина, ейиш учун харом қилинган ҳайвон бўлса, яшаш учун курашиб у гўштни ейиш мумкин.

الإيضاع لإحدا

“ихдад” атаманинг луғавий маъноси чекламоқ, ман қилмоқ, истилоҳий маъноси эса эри талоқ қилган ёки ўлган, иддали аёлнинг зийнат қилишдан ўзини тийиш ёки чекланишини билдиради. Иддали аёл унинг учун зийнат-пардоз саналган ҳамма нарсани маълум муддатгача тарқ қилишдир. Бу ерда ҳам атаманинг истилоҳий маъноси сўзнинг луғатдаги мазмунидан келиб чиққан, лекин луғатда ушбу атама барча нарсага нисбатан чекланиш маъносини берса, шарият ҳукумларида ушбу чеклов фақат иддали аёлларга нисбатан қўлланилган.

الإعتاق

“итоқ” темини луғатда эрк бермоқ, эркин қўйиб юбормоқ, озод қилмоқ, ҳалос қилмоқ маъноларига эга. Истилоҳий маъноси эса қулни қулликдан озод қилиш маъносини билдиради.

الافتداء

Луғавий маъноси: ниманидир фидо қилиш, жон бериш, озини фидо қилиш. Истилоҳий маъноси эса аёлнинг талоқ ҳисобига оладиган

улишидан кечиши, унга кўра аёл талоқ бўлишини ўзи истаса, унга бериладиган улишидан кечишидир.

لتحمل

Луғавий маъноси кўтармоқ, ўзига юкламоқ, зиммасига олмоқ. Истилоҳий маъноси эса гувоҳликни бўйнига олиш, яъни гувоҳликка эҳтиёж сезилаётган вақтда гувоҳлик бериш. Гувоҳликнинг ҳам ўз шартлари бор, гувоҳ ишонарли ва адолатли бўлиши керак.

الأداء

Луғавий маъноси адо этмоқ, бажармоқ, амалга оширмоқ, охирига етказмоқ. Истилоҳий маъноси эса гувоҳнинг кўрган воқеа, ходисаларини қозига етказишини ифодалайди. Яъни ўз гувоҳлик бурчини адо этмоқлигига айтилади.

شاهد

Луғавий маъноси гувоҳ, кузатувчи, қабр тоши, нотариус каби маънолари бор. Фикҳдаги истилоҳий маъноси бу сўз гувоҳга қарата айтилади ва шариятда гувоҳликка ўтишнинг ўз шартлари мавжуд. Масалан, шоҳид яъни гувоҳ балоғатга етган, соғлом (кўзи, қулоғи), ақли расо, ҳур бўлиши керак. Шунингдек, шоидликка ўтишда жинслар ўртасида ҳам фарқлар мавжуд. Масалан, никоҳда икки эркак киши ё бўлмаса бир эркак киши ва икки аёл бўлиши керак. Яъни бир эркак шоҳид икки аёл шоҳид мақомига тенг.

العدول

Луғавий маъноси зулумнинг акси бўлиб, тўғрилиқ, адолатлилик, виждонлилик деганини билдиради. Истилоҳий маънода бу сифат инсонга тегишли бўлиб, гуноҳ ишларни қилмайдиган, кичик гуноҳларга ҳам ўрганиб қолмаган адолатли кишига тегишлидир.

الثقة

Луғавий маъноси ишонмоқ, тўғри деб билмоқ. Истилоҳий маъноси гувоҳлик бераётган кишининг тўғрилиги ва унинг етказаётган маълумоти қабул қилинишини билдиради. Яъни шарият

хукумларига риоя қиладиган, ишончли, тўғри сўз бўлган инсоннинггина хабарлари қабул қилинади ва гувоҳлик бераётган инсоннинг юқорида таъкидлаб ўтилган сифатлари бўлиши лозим.

السفه

Луғавий маъноси тентаклик, ақли пастлик, ақли заифлик, аҳмолик, енгиллик деганидир. Истилоҳий маъноси эса ақлга тескари нарса билан ишларни тасарруф қилиш ва ҳавойи нафсга эргашиш ёки молни ёмон тасарруф қилиш.

الحدث

Луғавий маъноси содир бўлган, рўй берган воқеа. Истилоҳий маъноси таҳорат ёки ғусулни вожиб қиладиган хукмий нажосат. У икки хил бўлади, таҳоратни ва ғусулни вожиб қиладиган амал.

التعازير

Луғавий маъноси таъзир бериш, ман қилмоқ, қайтармоқ деганидир. Истилоҳий маъноси жиноятчини, чегарадан чиққан ҳолда бўлса ҳам таъзир бериш, уни қилаётган ишларидан қайтариш, тўғри йўлга бошлаш ва бу гуноҳ ишларга ўрганиб қолмаслиги учун калтаклаб бўлса ҳам одобга чақириш деган маънолари бор. Бу ерда атаманинг иккала маъноси ҳам бир бирига яқин. Таржимада луғавий маънодан келиб чиқиб ҳам кўзланаётган мақсадни билиш мумкин.

الحدود

Луғавий маъноси чегараламоқ, икки нарсанинг ўртасини ажратмоқ. Истилоҳий маъноси эса шаръий белгиланган жазо, ҳадлар деб диндан қайтганлик, йўл тўсарлик, зино, ўғрилик, покиза аёлларни шаънини булғаш ва ароқ ичиш каби белгиланган ҳадлар назарда тутилади.

التيمم

Луғавий маъноси ният қилмоқ, мақсад қилмоқ, кўзда тутмоқ, назарда тутмоқ. Истилоҳий маъноси эса юз ва икки қўлни тупроқ билан масх тортишга айтилади. Сув бўлмаганда ёки таҳорат олаётган кишига сув мумкин бўлмаса, тупроқ сув ўрнини босади. Касалдан кўрқиб ёки қаттиқ

совуқдан кўрқиб жунублик вақтида таяммум қилиш мумкин. Лекин кичик ҳадасда эса мумкин эмас. Луғавий ва истилоҳий маънолар бир биридан тубдан фарқ қилади. Лекин ушбу масх тортишни, пок бўлиш ниятида амалга оширилганлиги сабабли, истилоҳда ушбу атама қабул қилинган.

اليمين

Луғавий маънода ўнг тарафга нисбатан ишлатилади. Шунингдек, унинг қасам деган маъноси ҳам бор. Бу эса узок ўтмишга бориб тақалади. Илгари бирор инсон қасам ичаётганида олдида турган иккинчи инсоннинг ўнг елкасига кўлини қўйиб, ёки секингина уриб ушбу ишни адо этган. Шундан сўнг ушбу атама қасам маъноси сифатида ҳам ишлатила бошлади.

النوافل

Луғавий маъноси зийода, ортиқча, кўп. Истилоҳий маъноси вожиб, суннат, фарздан ташқари, банда ўзи Аллоҳга қурбат (яқинлик) ҳосил қилиш учун бажарадиган амаллари. Масалан: рамазондан бошқа пайт рўза тутиши, беш маҳал намоздан ташқари намоз ўқиши ва ҳақозолар. Шариатда буюрилган амалларни бажариб яна унга қўшимча қилинганлиги сабабли, ушбу сўзнинг луғавий маъносига қараб истилоҳий кўриниши келиб чиққан.

التمييز

Луғавий маъноси ажратмоқ, фарқламоқ, айирмоқ. Истилоҳий маъноси эса سن التمييز ибораси ишлатилиб, ажратиш ёши, яъни гўдакликдан ўтиб, оқу-қорани ажратадиган давр. Бунда 7 ёш кўзда тутилади.

بالغة، بالغ

Луғавий маъноси катта, улкан, порлоқ, вояга етган. Истилоҳий маънода эса балиғун, балиғатун деб 9 ёшга етган қизларга, 12 ёшга етган ўғил болаларга айтилади. Болиғлик яъни балоғат ёшида бўлишлик фикҳда ўз номидан иш юритиш, никоҳга кириш, шоҳидликка ўтиш каби кўплаб вазиятларда муҳим омил саналади.

الشك

Луғавий маъноси: иккиланмоқ, аниқ билмаслик, икки фикр орасида қолмоқ. Истилоҳий маъноси эса фикҳий масалаларда иккиланиш, қайси бир йўл тўғри эканлиги борасида чуқур ўйга тониш, яхши ёмон ўртасида аросатда қолишни англатади.

الكفارة

Луғавий маъноси неъматга куфр келтириш, уни инкор қилиш. Истилоҳий маъноси: бир гуноҳни ювиш учун қилиш лозим бўлган амал. Масалан, адо этилмаган қасамнинг ёки рўзанинг кафорати яъни унинг эвазига мискинларга таом ёки молидан бир қисм ажратиб беришлик. Каффоратда эса қул озод қилиш, рўза тутиш ва мискинларга таом беришни ният қилиш, унинг тўғри бўлиш шартидир.

Ушбу атама луғатда салбий маънога эга бўлса-да, истилоҳда қилинган ҳатоларни ювиш учун бажариладиган амалларга айтилади. Яъни тавба қилган инсоннинг амалларидир. Шундай экан у истилоҳда яхши маънога эга ҳисобланади.

الرهن

Луғавий маъноси собитлик, давомийлик. Истилоҳий маънода эса ушбу атама шариатда савдонинг турини, гаров деганини билдиради. Ушбу атаманинг икки маъноси бир биридан фарқ қилади. Шу туфайли матндаги маънони англаш учун, ҳам луғатга, ҳам ислом ҳуқуқлари борасидаги асарларга мурожаат қилиш лозим.

التخفيف

Луғавий маъноси енгиллатмоқ, осонлаштирмоқ. Истилоҳий маънода эса асарда бошқа сўзлар билан бирикиб, турли хил маъноларни ўзида қамраб олади. Масалан:

تخفيف الإبدال

الإبدال - ўрнига алмаштирмоқ, бадал қилмоқ, ўрнини босмоқ деган луғавий маъноларга эга. Ушбу сўз **تخفيف** атамаси билан бирикиб шариатда буюрилган баъзи бир ҳукмларни иложсизликдан, бошқа бир ҳатти-ҳаракатга алмаштиришни билдиради. Масалан, таҳоратни таяммумга, тик

туришни ўтиришга ва сажда ҳаракатларини имо-ишорага ёки кўз ишораларига алмаштириш каби.

تخفيف التنقيص

التنقيص - ноқис қилмоқ, камайтирмоқ, озгина қилмоқ, озлаштирмоқ деган луғавий маънолари бор. Истилоҳда эса икки сўз ўзаро бирикиб яхлит атама ҳосил қилиб намозга тегишли масалани ўз ичига олади. Масалан, намозни қисқартириш каби, пешин намози 4 ракат, лекин агар киши маълум масофа узоқлигидаги мусофир бўлса у (намоз ракати) 2 ракатга қисқартирилади.

تخفيف التقديم

التقديم - такдим қилмоқ, олдинга чиқармоқ, олдинга қўймоқ каби луғавий маъноларига эга. Истилоҳий маънода ҳайит куни чиқаралиладиган фитр закотини рамазон тугашидан олдинга суришни англатади.

Иккинчи боб бўйича хулоса. Магистрлик диссертациямизнинг ушбу бобида билдирилган фикр-мулоҳазаларимизнинг хулосаси сифатида айтиш мумкинки, фикҳий атамаларнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини таҳлил қилаётганда, нафақат луғатдаги кўринишини, балки ислом ҳуқуқидаги ўрнини ҳам билиш лозим.

Бундан ташқари, юқорида таҳлил қилиб ва мисоллар билан ойдинлик киритиб ўтган мисолларимиздан кўриниб турибдики, баъзи атамалар ўз луғавий маъносидан фарқ қилади ва алоҳида тарихига эга бўлиб, ислом ҳуқуқида келганида яъни матнларда, ўша тарихий маъносини билдиради. Баъзилари эса луғатда салбий, шариатда эса ижобий маъноларга эга. Худди шундай луғавий маънода қисқа мазмунга, истилоҳда эса яхлит бир воқеани ўз ичига олиши мумкин. Шу сабабли фақат луғат асосида фикҳий матнларни таржима қилиб бўлмайди, балки истилоҳдаги ўрнига катта эътибор қаратиш лозим бўлади.

III БОБ. “МАҲЗАНУ-Л МУТЕИН” АСАРИДА ЭЪТИҚОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ОИД ФИҚҲИЙ АТАМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

3.1. “Маҳзану-л мутеин” асаридаги ақидавий масалаларга оид атамалар шарҳи

Сўфи Оллоёрнинг асарларида ислом илмларидан бири бўлган, ақидавий масалаларга алоҳида аҳамият берилади. Унинг фикрича, соғлом эътиқод ва унинг кўрсатмаларига қатъий амал қилиш инсонни фақат хайрли ишлар билан шуғулланишга, маънавиятини эзгулик нурларига буркашига, ўткинчи дунё неъматларига тамомила берилиб кетмаслигига ёрдам беради. Нафс эса инсонни ҳамиша соғлом эътиқодга зид ишларга ундайди.

Ислом уламолари исломий билимларни ҳукмий жиҳатдан бир неча гуруҳга бўлиб ўрганганлар. Улар орасида қуйидаги учта ҳукмга оид масалалар алоҳида ажралиб туради:

- эътиқодий ҳукмлар;
- амалий (шаръий) ҳукмлар;
- ахлоқий ҳукмлар⁹⁰.

Сўфи Оллоёр ҳам исломий қарашларини шу уч гуруҳга катта эътибор қаратган. Унинг фикрича, ислом дини, ислом маданияти асосида мукаммал, яхлит бир таълимот ётса-да, ақида илми, мўмин мусулмон эътиқоднинг асосий таянчи саналган. Бу фикрини аллома ўзининг “Саботу-л-ојизин” асарида шундай таърифлайди:

Ақида билмаган шайтона элдур,

Агар минг йил ибодат қилса елдур.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, фикҳий асарлардан ўрин олган ақида масаласининг бош мавзуси иймон ҳисобланган. Иймон эса

⁹⁰ Сайфиддин Сайфуллоҳ. “Маслаку-л-муттақин” асарида фикҳий ва ахлоқий қарашлар // <http://huquqburch.uz/uz/view/812>

ислом динининг бош омилидир. Ақида (арабча “ақд” - бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш; кўпликда - “ақоид”). Шариатдаги истилоҳий маъноси эса ақида бу балоғатга етган киши эътиқод қилиши, имон келтириши, ислом динининг заруратлари шаклида тасдиқ қилиши, қалбига маҳкам боғлаб олиб ундан ажралиши мумкин бўлмаган шаръий эътиқодий ҳукмлар мажмуидир⁹¹.

Ислом ақидаларининг асоси Қуръонда берилган, ҳадислардаги кўрсатмалар негизида ишлаб чиқилиб, тартибга солинган. Суннийлик йўналиши илоҳиётда эътироф этиладиган ақидалар ёки имон талаблари еттита: булар Аллоҳнинг ягоналигига, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охиратга, тақдирга ва қиёмат куни барчанинг қайта тирилишига ишониш. Шиалик йўналиши илоҳиётида бешта ақидадан олинади: тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги), нубувват (пайғамбар)га ишониш, адл (илоҳий тақдирнинг адолатлигига ишониш), имомат (имомлар ҳокимиятини таниш), маод (охиратга ишониш).

Юқорида таъкидланганидек, “Маҳзану-л мутеин” икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчиси “Китаб ал-муътақадот”, яъни “ақидалар китоби” деб номланган ва унда жами 27 та “фасл” ўрин олган. Бу қисм таҳорат мавзусидан бошланиб бидъат ҳақидаги фасл билан якунланади⁹².

Асарда катта эътибор қаратилган ақидавий масалалар сифатида ақл таърифи, иймон, малоикалар ва пайғамбарларнинг сифатлари ҳақида фикрлар билдирилиб, бу билан боғлиқ атамалар, уларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари очиқ берилган. Хусусан, ақл (арабча онг) инсондаги англаш ва тафаккур қилиш хусусияти бўлиб, исломда ақл Аллоҳнинг энг улуғ неъматларидан саналади ва диний мажбуриятларнинг диндор зиммасига юкланиши учун ақлнинг расо бўлиши шарт қилинади. Ақл икки хил бўлади, бири - туғма, иккинчиси касбий, яъни билим ва тажриба асосида ривожланиб боровчи ақл.

⁹¹ Ақида / Ислом энциклопедияси. – Б36.

⁹² Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л-мутеин. –16-46а варақлар.

Асарнинг “Фасл фи та‘риф ал-ақл” номли бўлимида муаллиф “Тухфа ал-мутакаллимин” асаридаги ақл ҳақидаги фикрларни қуйидагича таҳлил қилади: “мутакаллимлар дейдиларки, ақл – бу Аллоҳ таолони унинг зоти якка ўзи борлиги ва ундан ўзга илоҳ йўқлигини билиб оладиган қувватдир. Айримлари дейдиларки, ақл – Сонеъ ⁹³ ни танимоққа кўмаклашувчи қуролдир. Айримлари дейдиларки, ақл – бу ашёларни бор ҳақиқати билан англаб етувчи қувват. Айримлари дейдиларки, ақл – инсон қалбидаги ҳақни ботилдан ажратувчи нурдир. Айримлари дейдиларки, ақл ўз эгасини дунё маломати ва охираат надоматидан қутқарувчи нажоткоридир ⁹⁴. Ақл тушунчаси ақида мавзусида жуда нозик масала бўлиб, Мовароуннаҳрда Мотирудия ва Мўътазилия оқимлари ўртасидаги зиддиятларининг асосий сабабларидан бири эди ⁹⁵.

Сўфи Оллоёр анъанавий Ҳанафий мазҳаби ғояларидан келиб чиқиб соғлом мусулмон кишининг ақли таниши керак бўлган нарсаларни таҳлил қилар экан, ақл ҳақни, ботилни, маърифатни, ибодатни ва илмни таниши керак, деб ҳисоблайди.

ҳақ – (яъни ҳаққ “асл”, “ҳақиқий”, “ҳақиқат” маъноларида) шариатда воқелик ҳақида билдирилган фикр воқеликка тўғри келишини аңлатувчи атама. Ушбу атамадин ёки мазҳабга ишонтириш учун ишлатилади.

ботил – ботил ҳаққнинг зидди сифатида қўлланилади.

маърифат – арабча - билиш, англаш, идрок этиш. Фикҳда инсон ўзининг тузилиши, мураккаб таркиби, жисмоний ва руҳоний вужудини қанчалик чуқур тафаккур билан ўрганиб, билиб борса, Аллоҳнинг улуғ ҳикмати ва беқиёс қудратининг буюк эканини шунчалик идрок этади. Инсон ўзидаги камчилик ва хатоларни қанча кўп сезиб иқрор этса, Аллоҳнинг бенуқсон комил зот эканини шунча пайқаб олади. Тасаввуфда солиқ маънавиятининг

⁹³ Яратувчи, санъат эгаси.

⁹⁴ Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. – 8а-варақ.

⁹⁵ Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи ва таржиман Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. (www.muslim.uz сайтининг электрон нашри). – Б.8.

кундан-кунга ортиб бориши, коинот ва табиат илму ҳикматидан, шунингдек, инсоний ва илоҳий сир-асрорларни англаб, ижрок этиб бориши.

ибодат – ушбу сўзи луғатда қуллуқ қилиш, бўйсуниш, ўзини паст олиш, итоат қилиш маъноларига эга. Шунингдек, шариатда худога сиғиниш, илтижо қилишни англатади. Мусулмон уламолари ибодатни бир-бирига яқин маънода турлича таърифлаганлар. Кўпчилик томонидан қабул қилингани бу бўйсуниш ва унга ўзини хокисор тутиш, фақатгана Аллоҳни улуғлаш, Унинг амрига амал қилиш кабилардир⁹⁶.

Ибодат Аллоҳ ёқтирадиган ва рози бўладиган сўзлар, ишлар ва зоҳирий ҳамда ботиний амаллар мажмуидир. Уламоларнинг наздида булар намоз, рўза, ҳаж, закот, Қуръон қироати, зикр, садақа каби нарсалардан иборат. Шу маънодаги у жисмоний, молиявий ва жисмоний-молиявий ибодатларга тақсимланади. Жисмоний ибодатга намоз, рўза кабилар қиради, молиявий ибодатга закот, садақаи фитр кабилар қиради, жисмоний-молиявий ибодатга ҳаж, умра кабилар қиради.

илм – арабча ўқиш, ўрганиш ҳамда ҳаётий тажриба асосида орттирилган билим ва малакалар мажмуи. Сўфи Оллоёр ақл ва илм ўртасидаги фарққа катта эътибор билан қарайди. ҳақидаги мулоҳазаларини давом эттириб, Абул Муъин Насафийнинг “Табсират ул-адилла” асаридаги “илм ақлдан афзал” деган фикрини илгари суради⁹⁷. Бу ҳақида шундай ёзади: “Биз юқорида илм сифати Аллоҳнинг сифатларига қиради деб айтдик, шу сабаб Аллоҳни “Олим” (илмдан) деб аталиши жоиз, аммо Аллоҳни “Оқил” (ақлдан) деб аташ ножоиз. Чунки илм “қадим”дир⁹⁸, Аллоҳ ҳам қадимийдир, демак, қадимий сифат қадимий зотнинг сифати бўлиши жоиздир.

Бошқа жавоб: биз юқорида Аллоҳни танитувчи илм илм (фан), дин ва шариат кўрсатмалари йиғиндиси ва у ақлдан кўра афзалдир, деб айтгандик. Зеро банда ақлдан айрилса ҳам нажот топади, дин илмисиз эса

⁹⁶ Ибодат / Ислом энциклопедияси. – Б.103.

⁹⁷ Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. – 8а-варак.

⁹⁸ Қадимдан, азалдан мавжуд, қадимийлик сифатига эга.

халок бўлади. Бошқа жавоб: биз юқорида ҳалол ва ҳаром ақл билан эмас, илм билан билиб олинади. Илм ақлдан кўра афзалдир.

Ақида масалалари орасида авлиёлар ва уларнинг кароматлари таҳлили ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Хусусан, авлиё бу валийдир. Валий эса Аллоҳни таниган, тоатларга имкон қадар амал қилувчи, гуноҳлардан сақланувчи, лаззат ва шахватдан юз ўгирган шахсдир. Каромат эса одатдан ташқари иш бўлиб, пайғамбарлик даъвосини қилмаган, имонли, яхши амал қилувчи тақводор шахсдан яъни валийдан содир бўлади⁹⁹. Шу қисмда Сўфи Оллоёр мўътабар китоблар асосида кароматга ўхшаш воқеаларни шарҳлаб беради. Улар қуйидагилардир:

Мўъжиза – пайғамбарлардан содир бўлади.

Ирҳос – пайғамбарларнинг пайғамбар бўлмаслигидан олдинги каромоти.

Каромат – авлиёлардан содир бўлади.

Маъунот – каромотнинг бир номи, лекин у валийдан эмас мўъмин ва тақводор авом мусулмондан содир бўлади.

Истидрож ёки ихонат – каромотнинг иймонсиз олим кишидан содир бўлиши.

Асарда кўтарилган ақидавий масалалар имон ҳақидаги фикрлар ҳам алоҳида фикҳий ва тилшунослик асосида ёритилган далиллар асосида баён этилган. Имон Имоми Аъзам мазҳабига кўра иқрор ва тасдиқ билан бўлади. Маърифатнинг ўзи иймон ҳисобланмайди, албатта иқрор бўлиши керак¹⁰⁰. Шундан сўнг асарда имоннинг хусусияти ҳақида мунозаралар баён қилинган.

Жумладан, унда Сўфи Оллоёр имон Аллоҳ томонидан бандага бериладими, ёки банда ўз-ўзи Аллоҳга имон келтирадими ёки имоннинг ярим улуши Аллоҳдан ярми бандаданми, деган саволни ўртага ташлайди ва “Табсира” асари асосида турли оқимларнинг қарашларидан келиб чиқиб

⁹⁹ Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. – 24б, 25а-варақлар.

¹⁰⁰ Ўша асар. – 10б-варақ.

қуйидагича жавоб беради: Агар киши имон Аллоҳдан бандага берилади деса, Жабария оқимини қувватлаган бўлади, чунки жабарияга кўра банда куфрга ҳам, имонга ҳам мажбуран юради.

Агар банда ўз-ўзи Аллоҳга имон келтиради деса, қадария оқимини қувватлаган бўлади, негаки қадария оқими тарафдорлари банданинг ўз иститоати¹⁰¹ ёрдамида бирор феъл¹⁰² бажаришдан аввал уни ўз касби¹⁰³ билан ўзлаштиришга иститоати етади деб ҳисоблайди. Бу жараёнда Аллоҳнинг ёрдами ва куч-қувватига муҳтож эмас, ҳидоятни излаш ва уни топишда ёрдам сўраш бандадан, тавфиқ¹⁰⁴ Аллоҳдан, тиришқоқлик, азму қарор, қасд ва ният бандадан, иззат–икром ва инъом Аллоҳдан, уларни қабул қилиш бандадан.

Агар кимса айтсаки, мабодо имоннинг айрими Аллоҳдан, айрими бандадан пайдо бўлганида, имон банда билан Парвардигор ўртасида муштарак (илдизга эга) бўларди, бу эса ножоиздир. Бунга жавоб қуйидагича: ҳидоят Аллоҳдан (ва у) бандага нажот келтиради, банда (бу ўринда) *мусаббаб*¹⁰⁵, Аллоҳ эса *мусаббиб*,¹⁰⁶ сабаб билан *мусаббаб* бошқа-бошқа тушунчалардир. Мисоли ризқ инсон ҳаёти бардавомийлигини таъминловчи сабаб бўлса, инсон ана ўша сабабдан фойдаланувчи – *мусаббаб*дир. Шунингдек, таҳорат намозни адо этишга ижозат берувчи сабабдир, шундай бўлса-да, у намознинг бир қисми деб тушунилмайди.

Шунингдек, маърифат Аллоҳдан берилади ва у банда учун нажот сабабларидан бири – у мўмин қалбига ато этилган нурдир. Лекин, аҳли сунна вал-жамоа фикрича, биргина маърифатнинг ўзи имонни пайдо қилмайди, чунки Иблис чиндана Аллоҳ таолони жуда яхши таниган эди, бироқ кибрдан бурни кўтарилиб кетгач кофирга айланди. “Табсира” асарида келтирилишича, “Имоми аъзам ва издошлари (уларни Аллоҳ ўз

¹⁰¹ Бирор ишни бажаришга мавжуд етарли куч–қувват ва имконият.

¹⁰² Иш-ҳаракат, ҳолат.

¹⁰³ Ўзлаштириш, касб эгаллаш.

¹⁰⁴ Кўмак, ёрдам, мувофиқлаштириш.

¹⁰⁵ Сабаб воситасидан фойдаланувчи.

¹⁰⁶ Сабаб эгаси, унинг тақдим этувчиси. Аллоҳнинг сифатларидан бири.

рахматига олсин) наздида имонга имон қўшилмайди ҳамда ундан камайиб ҳам қолмайди. Шофеъий (Оллоҳ ўз раҳматига олсин) келтирган ҳужжатга қўра имонга имон қўшилади ҳамда камаяди.

3.2. Ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид атамалар

Араб тили ўрта асрларда Европада лотин тили сингари, мусулмон Шарқида дин ва фан тили сифатида муҳим ролини ўйнади. Айниқса, ислом динининг дунё динлари даражасига кўтарилиши ва Араб халифалигининг жуда катта минтақага тарқалиши сабабли араб тилидаги кўплаб сўзлар Шимолий ва Марказий Африка, Европа, Жанубий-Шарқий Осиё халқлари тилларига кириб борди. Р.Р.Эльсабрутининг ёзишича, араб тилининг грамматик тузилишида исломдан олдинги икки юз йилик ва исломдан кейинги тўрт юз йиллик тил заҳираси асос қилиб олинган. Бунда исломдан олдинги давр поэзияси тили ҳамда илк ислом давридаги бадавийларнинг минтақавий диалектлари катта рол ўйнаган¹⁰⁷. Табиийки бу жараён ислом билан, хусусан фикҳ билан қатор атамаларнинг шаклланишига ҳам катта таъсир қилди.

Фикҳ (فقه - билиш, тушуниш, англаш) – мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ислом таълимоти, шу билан бирга мусулмон жамиятининг шариат асосида тартибга солувчи ҳуқуқ меъёрлари мажмуидир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мусулмонларнинг фикҳий меъёрларни бекаму-қўст англашларида бу соҳага оид лексик бойлик билан бирга махсус атамаларни яхши тушуниши, англашлари ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Ўтмишда турли минтақа ва даврларда назарий ва амалий жиҳатдан қўлланилган фикҳий атамалар қўламини эса биз бевосита бу соҳада яратилган асарлар орқалигина таҳлил қилишимиз, хулосалар чиқаришимиз мумкин. Бу ўринда биз фақиҳ ва мутасаввиф шоир Сўфи Оллоёрнинг

¹⁰⁷ Эльсабрути Р.Р. Проблемы арабской лексикологии // Ученые записки Казанского университета. Гуманитарные науки. Т.152. Кн.6. – Казань, 2010. – С.171.

(1663-1724) араб тилида ёзилган “Махзану-л мутеин” асарида ижтимоий муносабатларга оид нумеративлар билан боғлиқ фикҳий атамаларнинг қўлланилишига тўхталиб ўтмоқчимиз¹⁰⁸. Зеро меъёр-ўлчов маъносини англатувчи фикҳий масалаларни ифодалашда, чегара, ўлчам ва миқдорни аниқ тушунтириб беришда алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, XIV-XX аср бошларида ўзбек тили лексик таркибидан асосан пул бирлиги, ҳажм, миқдор ва вақт тушунчаларини англатувчи нумеративлар алоҳида ажралиб туради¹⁰⁹. Лекин, ижтимоий муносабатларга оид меъёр ўлчовлари аҳолининг кундалик турмуш тарзида қўлланилган ўзбек тили лексик таркибидаги нумеративлардан бир оз фарқ қилади. Фикҳий атамалар сифатида қўлланилган нумеративлар исломнинг шаръий аҳкомларининг қарор топиши жараёнида фойдаланилган араб тили лаҳжалари лексик таркибидаги сўзлар ҳисобига шаклланган.

Қуйида асардаги фикҳга оид нумеративларни солиқ тизимига оид бўлган (закот, хирож ва ушр) ҳамда хайр-эҳсонга оид (фитр-садақаси) атамалар мисолида таҳлил қилиб чиқамиз.

Солиқ тизимига оид атамалар

Закот (زَكَاةٌ؛ زَكَوَاتٌ) – ушбу сўз луғавий жиаҳтдан асосан 1) тозалик; 2) хайр-эҳсон ва 3) ўндан бир қисм каби маъноларни билдиради. Фикҳга оид атама сифатида эса закот закотбелгиланган чегарадан ўтган мол-мулкдан тозаланиш, мол-мулки тегишли ҳисобга етгандан сўнг мискинлар фойдасига бериладиган садақани англатган. Закот исломнинг 5 асосий талабларидан бири бўлиб, унинг миқдори 1/40 улуши (2,5%)га тенг¹¹⁰. Сўфи Оллоёр исломда закотнинг шаръий ҳукмларини тушунтириб беришда “Закот ва ундан бошқа нарсалар” номли фаслда тўхталиб ўтган.

¹⁰⁸ Бунинг учун мазкур асарнинг Шарқ қўлёзмалари маркази фондида сақланаётган 4982-рақамли қўлёзмасидан фойдаландик.

¹⁰⁹ Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи (14 асрнинг иккинчи ярми – 20 аср боши). – Т.: Фан, 2007. – Б.94.

¹¹⁰ Исламские термины // <http://www.islam.uz/home/islamskie-terminy.html>

Унда чорвадан ва олтин-кумушдан олинадиган закот миқдори назарда тутилган. Шу сабабли бу мавзуга оид атамалар анча кўпроқ.

Асарда қўлланилган чорва закоти билан боғлиқ асосий атама соимадир (سَائِمَةٌ).

Савм (سَوْم) феъли чорвани очик ерда боқишни, соиманинг кўплиги савоим (سَوَائِم) эса яйловда ўтловчи чорва англатади¹¹¹. Фикҳ илмида эса соима бу закотга олиниши лозим бўлган ҳайвонларга нисбатан қўлланиладиган атама бўлиб, у далада ўтлаб юрадиган, соҳиби ундан насл ва гўшт олишни истаган, уни сотиш ва тижорат қилиш нияти бўлмаган ҳар қандай жониворнинг умумий номидир. Бунга туя, мол ва қўй, қисман эчки ҳам киритилган, шариатда улар соима ҳукмига ўтиши учун туя ва мол бир йил, қўй ва эчки олти ойдан кўп муддатда далада юрган бўлиши керак¹¹².

Жониворларнинг ёши ва балоғатга етиши масаласи закот ва унинг миқдори белгиланишининг асосий шартидир. Шу сабабли муаллиф соима ҳукмига кирувчи жониворларнинг ёшига нисбатан айтиладиган атамаларга алоҳида шарҳ бериб ўтган. Унга кўра закот белгиланишига таъсир қилувчи жониворларнинг ёши қуйидаги тартибда белгиланиши лозим.

табиъа – жониворнинг балоғатга етиш ёши. Фикҳий асарларда бу атама замирида 5 ёшлик туя, 2 ёшлик мол ва 1 ёшлик қўй тушунилан.

мусинна – табиъа ёшидаги жониворга бир ёш қўшилган ҳолати. Яъни, мусинна бу олти ёшлик туя, уч ёшлик мол ва икки ёшлик қўйдир.

бинтимахоз – мусинна ёшига бир ёш қўшиш, яъни туя етти ёш, мол тўрт ёш, қўй уч ёш.

бинтилабун – бинтимахоз ёшига бир ёш қўшиш, унга кўра туя саккиз ёш, мол беш ёш, қўй уч ёш бўлади.

ҳиққа – бинтилабун ёшига бир ёш қўшиш, унга кўра туя тўққиз ёш, мол олти ёш, қўй тўрт ёш бўлади.

¹¹¹Баранов. – С.386.

¹¹²Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. Шарқ қўлёзмалари маркази фонди, қўлёзма №4982. – 386б-варак.

жазаъ – ҳикқа ёшига бир ёш қўшиш, унга кўра туя ўн ёш, мол етти ёш, қўй беш ёш бўлади.

Соиманинг истилоҳий маънолари таърифидан сўнг асарнинг “Сигир закоти ҳақида бўлим” ва “қўй закоти ҳақида бўлим” деб номланган қисмларида закотнинг миқдор ўлчовлари ҳақида ҳам тўхталган. Унда шариатда ўрнатилган тартиб қоидага кўра ўттизта молдан бир бош, қирқта қўйдан бир бош қўй закотга ажратилиши, агар қўй сони бир юз йигирматага етмаган бўлса бир бош, бир юз йигирматадан ортган бўлса, юзта қўйдан бир бош қўй берилиши айтилган¹¹³.

Ёш чегараси бўйича қайси манбани олганига қараб фақиҳ олимларининг фикрлари турли. Масалан, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида *бинтимахоз* атамасига бир ёшга тўлган урғочи туя деб, Сўфи Оллоёр эса ўзининг “Маслаку-л-муттақин” асарида *бинтимахоз* бу икки ёшга тўлган урғочи туя деб таъриф берган¹¹⁴. Юқорида тилга олинган атамаларнинг аҳамияти шундаки, соима туянинг сони 25 тага етгунга қадар закот миқдори қўй ёки эчки билан белгиланган. Миқдори 25 дан ортган соима туянинг закоти эса ёши аниқ бўлган урғочи туя билан белгиланган. Масалан, “Ҳидоя” асарида 25-35 бош туядан 1 та бинтимахоз, 36-45 бош туядан 1 та бинтилабун (икки ёш урғочи туя), 46-60 бош туядан 1 та ҳикқа (тўрт ёш урғочи туя), 61-75 бош туядан 1 та *физаят* (беш ёшли урғочи туя), 76-90 бош туядан 2 та бинтилабун, 91-120 бош туядан 2 та ҳикқа берилиши белгиланган.

Демак, “Маҳзану-л мутеин” асарида тилга олинган *табиъа*, *мусинна*, *бинтимахоз*, *бинтилабун*, *ҳикқа* атамалари аввало соиманинг ёшини фарқлашда ҳамда соиманинг сонини фарқлашда қўлланилмоқда. Шундай қилиб, урғочи туяларнинг араблар орасида қўлланилган номлари

¹¹³ Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л-мутеин. – 387а, 387б-варақлар.

¹¹⁴ Маргинани. Хидоя. Комментарий мусульманского права. Ответственный редактор, автор вступительной статьи и комментариев проф., д.ю.н. А.Х.Саидов. Т.1. – Т.: Узбекистан, 1994. – С.72. Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин. – Т.: Шарқ, 2012. – Б.390.

фикхий асарларда закот миқдорини аниқ белгилашда қўлланиладиган атамага айланган.

“Маҳзану-л мутеин” асаридаги навбатдаги ўлчов-меъёрлари билан боғлиқ фикхий атамалар олтин ва кумуш закотиға бағишланган бўлимдан ўрин олган. Асарнинг ушбу бўлимида олтин (заҳаб) ва кумуш (физза)нинг закотга етиш нисоби ҳамда тақсимооти ҳақида сўз кетади¹¹⁵.

Нисоб (نِصَاب؛ نَصَب) – луғавий жиҳатдан 1. бошланиш, асос; 2. соп, даста; 3. цензура; 4. кворум маъноларини беради. Нисоб олтин учун 20 мисқол, кумуш учун 200 дирҳам белгиланган. Бу ерда мисқол ва дирҳам атамаларига батафсил тўхталиб ўтиш лозим. Мисқол атамаси асли римликларнинг *солид* (*solidus*) сўзидан келиб чиққан. Солид лотин тилида қаттиқ, пишиқ, маҳкам маъноларини билдирган. Мил. ав. 309 йилдан бошлаб олтин тангалар ҳам солид деб аталган. Мусулмон ўлкаларида эса мисқол ижтимоий-иқтисодий муносабатларда танга ва оғирлик ўлчов бирлиги маъноларида қўлланилган. Динор (دِينَار؛ دِينَارَات) римликларнинг пул бирилиги *динарий*дан олинган. Дирҳам (دِرْهَم؛ دَرَاهِم) ҳам асли грекча *драхма* сўзидан олинган бўлиб, фикҳ илмида у икки хил меъёр ўлчовини англатувчи атама сифатида қўлланилган. Биринчи маъноси жуда майда нарсаларнинг оғирлик ўлчов бирлиги сифатида, иккинчиси пул бирлиги сифатида¹¹⁶.

Умуман олганда, динор, дирҳам ва мисқолдан ташқари араб тилида лотин ва грек тилларидан ўтган нумеративлар анчагина. Масалан *ратл* (баъзан *ритл* ёки *ротл* деб ҳам ўқилади) аслида грекча *литрон* сўзидан келиб чиққан. Ўрта асрларда Европада *ротоло* шаклида қўлланилган. Ратл араб ўлкаларида турли ўлчамларни ифодалаган. Энг кўп тарқалгани 1 ратл 12 *уқийя*га ёки юздан бир қинторга тенг бўлган. Ўрта Осиё шаҳарларида хусусан, Урганчда XIV асрда 1 ратл 330 дирҳамни яъни 1031,25 граммни

¹¹⁵ Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л-мутеин. – 391а-варақ.

¹¹⁶ Батафсил қаранг: Хинц В. Мусульманские меры и веса с переводом в метрическую систему (перевод с немецкого Ю.Э.Брегеля) / Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. – Москва, 1970. – С.11-13.

ташкил этган¹¹⁷. Шунингдек, мусулмон ўлкаларида ишлатилган *истар* оғирлик ўлчови ҳам грекча *статер*, 4 ½ мисқолга тенг ўлчов бирлигидир.

Бевосита “Махзану-л мутеин” асарида закот микдорини аниқлаш учун қўлланилган нумеративларга келсак, муаллиф уларни қуйидаги ўлчовларда келтириб ўтган:

динор – 1 динор 6 давоникқа, 1 давоник – 4 тосужга, 1 тосуж – 2 ҳаббага, 1 ҳабба – 2 шаъирага, 1 шаъира – 6 та ҳардалга, 1 ҳардал 12 фалсга, 1 фалс 6 фатилга, 1 фатил – 6 накийрга, 1 накийр – 8 китмир, 1 китмир 12 заръга тенг. Муаллиф яна бир қатор фикҳий асарлар билан танишиш асосида динорнинг бошқа ўлчов бирликларини ҳам мисол қилиб келтиради. Масалан, “Ҳижоз аҳолиси орасида 1 динор 20 қийротга, 1 қийрот 5 шаъирага тенг. Шунда 1 динор 100 шаъирага тенг бўлади” деб ёзади у¹¹⁸.

дирҳам эса халифа Умар даврида белгиланган ҳисобга кўра, ҳар 10 та дирҳам 7 мисқол бўлиши керак деган қатъий белги қўйилган. Унга қадар 1 дирҳам 20 ва 12 қийрот оралиғида бўлган. 12 қийротлик дирҳам эса вазни ҳамсағи деб аталган. Ҳазрат Умар даврида белгиланган 7 мисқоллик дирҳам эса вазни сабъағи деб аталган¹¹⁹.

Қуйида Сўфи Оллоёр закот учун ажратиладиган динор ва дирҳам ҳажмидаги ўлчамларни белгилашда қўллаган бошқа меъёрий атамалар таҳлилини келтириб ўтамиз.

доник(دَانِقْ؛ دَوَانِقْ) – Бир доник тўрт тосужга тенг. Доник уч хил маънода, ер сатҳи ўлчови бирлиги (1/144 фаддан¹²⁰, 29,172 м²), оғирлик ўлчови (1/6 дирҳам) ҳамда майда пул маъноларида қўлланилган¹²¹.

тосуж(طَسُجْ؛ طَسَاسِيْجْ) – оғирлик ва ўлчов бирилиги. Бир тосуж доникнинг ¼ қисмига ёки икки ҳаббага тенг.

¹¹⁷Хинц/Давидович. – С.34, 38.

¹¹⁸Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. – 391а-варақ.

¹¹⁹Ўша асар. – 391аб-варақ.

¹²⁰Фаддан – ер сатҳи ўлчов бирлиги, ҳозирда Мисрда 1 фаддан 4200,833 кв.м. га тенг.

¹²¹Хинц В./Давидович Е.А. – С.73.

ҳабба (حَبَّةٌ؛ حَبَّاتٌ) – араб тилида ўсимлик дони ёки уруғи, қадимда ўлчов бирлиги сифатида тарик дони назарда тутилган. Сўфи Оллоёр ҳаббани оғирлик ўлчови сифатида икки шаъирага тенг деб ёзади. Ҳабба икки хил ўлчовда ишлатилган, танга ўлчовида 1/100 мисқолга яъни, 0,0446 граммга тенг; товар ўлчовида эса 1/96 мисқолга тенг деб олинган¹²².

қийрот (قِرَاطٌ؛ قَرَارِيْطٌ) – қимматбаҳо тош, ер сатҳи ва узунлик ўлчови бирлиги. Лекин ўлчови бирлиги сифатида меъёри ўзгариб турган. Ўтмишда Ироқда 1 қийрот 1/20 мисқолга, Макка, Миср, Сурия ва Кичик Осиёда 1/24 мисқолга ёки 1/16 дирҳамга тенг бўлган. Қийрот Мисрда ер сатҳи ўлчов бирлиги сифатида 1/24 фадданга ёки 175,035 м² га тенг¹²³. Узунлик ўлчови сифатида эса 1/6 шаъирага яъни 0,87 см га тенг. Бугунги кунимизда қимматбаҳо тошларни ўлчови сифатида ишлатиладиган карат сўзи ҳам қийротдан келиб чиққан.

нақир (نَقِيرٌ) – луғавий жиҳатдан хурмо данагидаги чизик, туюлмаган мурч уруғи шунингдек, аҳамиятсиз майда нарса каби маъноларни англатади. Оғирлик ўлчов бирлиги сифатида эса бир нақийр 8 қитмирга тенг деб кўрсатилган. Бир нақир назарий жиҳатдан 1/2592 жовга яъни 0,045 грамм деб қабул қилинган¹²⁴.

фатил (فَتِيلٌ) – фатил майда нарсалар оғирлигини ўлчашда ишлатилган birlik бўлиб, 6 фатил фалсга, 12 фалс 1 ҳардалга, 6 ҳардал 1 жовга тенг бўлган. 1 жов эса 0,045 граммга тенг¹²⁵.

шаъира (شَعِيرَةٌ؛ شَعِيرَاتٌ) – шаъира арабчада бир дона тарик донини англатиб, оғирлик ўлчови сифатида фойдаланилган. Шаъиранинг меъёри 1/96 мисқолга, ўртача 0,05 г га тенг бўлган¹²⁶.

ҳардал (حَرْدَلٌ) хантал ўсимлигининг уруғи бўлиб, ўлчов сифатида ҳаббанинг 1/70 қисмига тенг. Ҳабба, 60 хабба кумуш дирҳамга тенг (2,97 г)¹²⁷.

¹²² Хинц В./Давидович Е.А. – С.42-43, 73.

¹²³ Ўша манба. – С.24, 73.

¹²⁴ Ўша манба. – С.33.

¹²⁵ Ўша манба. – С.42.

¹²⁶ Ўша манба. – С.44.

фалс (فُلْس؛ فُلُوسٌ) луғавий маъноси жуда ҳам арзон, арзимас нарса, фулс шаклида майда пул бирлиги сифатида ҳам қўлланилади.

қитмир (قَيْطَمِير) - 1 қитмир 12 заръга тенг, заръ (ذَرْع) тирсак маъносини англатган. Форси тилида газ ёки зироъ шаклида ҳам қўлланилган¹²⁸.

Васқ (وَسْق) – ҳажм ўлчов бирлиги. 60 та соъга тенг. 60 со 240 ман га тенг. Васқ – илк ислом даврида 1 васқ 60 соъгаяъни, 252,342 литрга тенг (194,3 кг буғдой)¹²⁹.

“Маҳзану-л мутеин” асарининг “Закотнинг сарф қилиниши ҳақида” бўлимида закот сарфланишининг ҳуқуқий асосларига ҳам тўхталиб ўтган¹³⁰. Унга кўра давлат ҳисобига олинган закот қуйидаги тоифага мансуб одамларга берилиши керак:

1. Фақирга – яъни мол-мулки нисобга етмаган камбағал кишига.
2. Мискин – ҳеч нарсаси йўқ ҳатто уй жойи ҳам йўқ кимсаларга.
3. Омили закот – закот йиғиш вазифасида ишловчиларга. Ҳатто қози, муфтий ва мухтасиблар ҳам агар солиқ йиғишда иштирок этса уларга ҳам бериш мумкин.

4. Ибни сабил – яъни мусофирлар ҳамда оти йўлда ўлиб пиёда қолган ғазотга чиққан кимсаларга.

Шариатга кўра мамлакат тасарруфидаги ерлар ушрий ерлар ва хирожий ерлар бўлинган ва уларнинг ҳолатига қараб белгиланган солиқ тизимига амал қилган¹³¹.

Ушр (عَشْرٌ، عَشَرَ) – ушр ўндан бир қисм (1/10), ўндан бир қисмни олиш. Шунингдек, ушбу сўз туянинг ўн ойлик, бошқа туёқли ҳайвонларнинг тўққиз ойлик ҳомиладорлик вақтига нисбатан ҳам ишлатилган. Фикҳнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларига қаратилган масалаларида нумератив шаклида қўлланилади.

¹²⁷ Хинц В./Давидович Е.А. – С.43.

¹²⁸ Ўша манба. – С.65-71.

¹²⁹ Ўша манба. – С.46.

¹³⁰ Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л-мутеъин. – 394б-варақ.

¹³¹ Ўша асар. – 6б-варақ.

Хирож (خَرَج) – харож ҳам ер солиғи бўлиб, унинг миқдори Ўрта Осиё хонликларида 1/2 қисмдан 1/8 қисмгача ўзгари турган.

Мусулмон давлатчилигида ушр ва хирож ер билан боғлиқ солиқ тури сифатида муомалага киритилган. Дастлабки вақтда Араб халифалигида хирожни фақат ғайридинлар тўлаган. Мусулмонлар эса ушрсолиғи тўлаганлар. Кейинчалик мусулмонлар халифаликдаги ер эгаларининг асосий қисмини ташкил этгач, хирож умумий ер солиғига айланган.

Фитр садақаси

Фитр ёки фитр садақа бу исломда рамазон ойи тугаши муносабати билан бериладиган садақа. Ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун икки ярим килограмм хурмо, арпа, ун ёки гуруч, ёки уларнинг қиймати миқдорида пул эҳсон қилиши вожибдир¹³². Фитр садақаси миқдори бериладиган нарсанинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланган. Сўфи Оллоёр фитр ҳар бир одамга буғдой, хурмо ёки арпада берилса 0,5 соъ бўлиши керак деб ёзади¹³³. Соъ (صاع) ўлчов бирлиги бўлиб, 1 со кейинги бирлик мудд дан иборат. Айюбийлар даврида 1 мудд 337 сув дирҳамига яъни, 1,053125 кг/л га тенг бўлган. Шундан келиб чиқиб олимлар Пайғамбаримиз (сав) давридаги 1 соъ 4,2125 литрга тенг деб олинган¹³⁴.

3.3. Оилавий муносабатларга оид атамалар таҳлили

Ислом дини оила қуриш, унинг ташвишлари билан овора бўлиш ибодат даражасига кўтарилган. Оила қурган киши эса Аллоҳнинг амрига, Пайғамбарнинг суннатига амал қилувчи инсон сифатида ажр-савобга ноил бўлса, имкони бўлиб туриб оила қурмаган одам эса гуноҳкор бўлади. Оилавий ҳаётга тарғиб қилувчи оят ва ҳадислар ҳамда уларнинг ҳаётга татбиқ қилиш мусулмонлар орасида қадимдан жуда яхши йўлга қўйиб келинган.

¹³²Фитр / Ислом энциклопедияси. – Б.246.

¹³³ Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. – 403б-варақ.

¹³⁴Хинц В./Давидович Е.А. – С.59.

Исломда оила қурушни ақди никоҳ деб аталади. Бу қўшилиш шартномаси, деган маънони англатади. Албатта, ҳар қандай шартнома каби ақди никоҳ шартномаси ҳам икки томоннинг чин дилдан чиққан розилиги билан тузилади. Оила қурилиши учун бўлгуси эр-хотиннинг розиликлари асосий шартдир. Исломда ушбу розиликка шунчалик катта эътибор берилганки, ҳатто мазкур розиликка эр-хотин бир-бирига айтиб қўйишининг ўзи кифоя қилмай қўпчилик гувоҳлар олдида эшитдириб айтишлари шартдир. Ўз розилиklarини гувоҳларга эшитдирмай оила қуриш мумкин эмас. Бундоқ никоҳ фосид бўлади.

“Махзан у-л-муттеъин” асарида оилавий муносабатлари никоҳ, талоқ бўлимларида кўриб чиқилган. Қуйида оилавий муносабатларга алоқадор айрим атамалар масаласига тўхталиб ўтамиз.

Сўфи Оллоёр никоҳнинг шаръий ҳукми ҳақида билдирар экан аксарият ҳанафий уламолар каби “никоҳ фарзи айнди, у жиҳод каби фарздир” деган якуний хулосага келган¹³⁵. Фикҳда никоҳланувчи эркак ва аёл болиғ (вояга етган, ақли расо, соғлом) ва сағирга (вояга етмаган) ажратилган. Шу сабабли ҳам асарда никоҳга бағишланган қисм “Болиғнинг никоҳи” фасли билан бошланган. Бу ерда болиғ дейилган балоғат ёшига етган соғлом ва озод аёл ва эркак назарда тутилган. Унда никоҳ арконлари, шариат никоҳни харом қилган аёллар, никоҳни қабул қилаётганларга қўйилаётган талаблар, уларнинг ҳақ ҳуқуқлари, никоҳдаги валийнинг вазифаси, маҳр каби никоҳ масалалари хусусида маълумотлар берилди. Қуйида никоҳ битими тузилиши билан боғлиқ бўлган айрим атамаларга тўхталиб ўтамиз.

توكيل – тавкил. Тузилаётган никоҳга гувоҳлик қилиш, шоҳид бўлиш учун белгиланган шахсга яъни вакилга нисбатан ишлатилган. Тавкил ақилли ва болиғ эркак кишилардан бўлмоғи лозим¹³⁶.

¹³⁵Сўфи Оллоёр. Махзану-л-муттеъин. – 424б-425а-варақлар.

¹³⁶ Ўша асар. – 427б-варақ.

ولي – валий. Арабча “яқин қариндош, ҳомий; дўст, мададкор, мураббий”. Сағир ва сағира – балоғатга етмаган фарзандларнинг тарбиячилари “валий” деб аталади. Шу маънода, ёш болаларнинг ота-оналари валий ҳисобланади. Валийлар фарзандларни тарбиялаш, боқиш, уйли-жойли қилиш, уларнинг ўзларига хос мол-мулклари бўлса, улар балоғатга етгунча тасарруф қилиб туриш, никоҳига валий бўлиш ишларини амалга оширадилар. Болиға қизнинг никоҳи – қизнинг отасини валий дейилади. Болиға, озод ва оқила қизнинг никоҳи валийси бўлмаса ҳам боғланади¹³⁷.

عصبية – асабия. Ҳидояга кўра сағир ва сағирани никоҳи жоиз. Валий асабиялардан бўлади. Асабия бу ерда сағир ва сағиранинг биринчи ва иккинчи даражали қариндошлари назарда тутилган¹³⁸. Фикҳий асарларда асабия ёки асаба атамаси мерос олувчи шахсларга нисбатан ишлатилган бўлиб, ота томондан белгиланган. Унинг асосан икки кўриниш мавжуд, биринчиси асабаи насабия, иккинчиси асаби сабабия. Биринчи шаклда майитнинг биринчи ва иккинчи даражали қариндошлари, иккинчисиди кулни озод қилган хўжайин, бегона лекин ўлсам меросхўрим бўлади, жиноят қилсам жавобгарликда шерик бўлади деб қасам ичиб аҳд-паймон қилган дўстлар киради¹³⁹.

مطبق – мутбиқ. Сўфи Оллоёрнинг “Мухтору-л-фатово” асарига таяниб ёзишча, мутбиқ бу ақли заифлиги доимий эмас, яъни бир йилнинг кўп қисмида ҳушини йўқотадиган кимсага мутбиқ дейилган. Агар ана шундай шахс валийликка касаллиги вақтида тайинлана олмайди, аммо соғлом вақтида тайинлана олади¹⁴⁰.

كفاءة – кафоат. Кафоат фикҳий асарларнинг никоҳ бобида катта эътибор қаратилган атамалардан бири. Яъни никоҳда томонларнинг тенглигини англатувчи атама. Шариатга кўра турмуш қураётган қиз ва

¹³⁷ Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. – 431б-варақ.

¹³⁸ Ўша асар. – 432б-варақ.

¹³⁹ Шайх Дўст Муҳаммад Турсун. Мерос рисоласи. – Т.: Адолат, 2004. – Б.11.

¹⁴⁰ Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. – 434а-варақ.

йигит тоифада тенг бўлиши керак. Йигит қизни боқа олиш даражасидаги бойликка эга бўлишдан ташқари, касбда, насабда ва динда тенг бўлмоғи лозим. Сўфи Оллоёр кафоат тенглиги дейилганда ҳажжом (қон олувчи), фаррош, тери ошловчи, темирчи йигитнинг аттор, газлама сотувчи, сарроф ва шунга ўхшаш оқбилак қизнинг тенги эмаслигини турли мисолларда ёритиб беради. Унинг фикрича, албатта мусулмонлар Яратганнинг олдида тенгдирлар аммо келгусида юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдини олиш мақсадида фикҳ уламолари бундай никоҳ битимларини тузишдан қайтаради¹⁴¹.

Ислом қонидаси бўйича эр, хотин у билан турмуш қуришга рози бўлгани учун маҳр беради, тўй қилади, турар жой, уй анжомлари тайёрлайди ва оиланинг ҳамма сарф харажатини кўтаради. Маҳр (مَهْرٌ (مُهُورٌ; مَهْرٌ) – маҳр арабча сўз бўлиб, исломда фикҳга оид атамалардан бири саналанди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича ба атама туркий халқларда “меҳр” ва унинг синоними “садоқ” шаклида ҳам муомалада бўлган. Исломдаги маҳр фикҳий атама сифатида шаръий жиҳатдан қатъий белгилаб қўйилган. Унга кўра маҳр тенг ҳуқуқли никоҳ тузилган пайтда эр томондан хотинга ажратиб берадиган мулк. Уни бериш, олиш, тасарруф этиш ва қайтарилиши масаласи ислом ҳуқуқшунослигида анча мукаммал ишлаб чиқилган¹⁴².

Маҳр фақат хотинга тегашли бўлиб, хотиннинг эри вафот этса ёхуд эри талоқ этиб бева қолгудек бўлса, уни моддий таъмин этган. Унинг энг кам миқдори 10 дирҳам (30 гр кумуш), энг кўпи чекланмаган. Маҳр ўзаро келишуви билан белгиланган. Унинг миқдори ва тўлаш шартлари алоҳида никоҳ битими - сиғада айтилади. Маҳр натура ва кўчмас мулк бўла олади. У нақд бериладиган (маҳр ал-муъажжал) ва кейинроқ бериладиган насия (маҳр ал-муъажжал) бўлиши мумкин.

¹⁴¹ Сўфи Оллоёр. Махзану-л-мутеъин. – 436а-варақ.

¹⁴² Қаранг: Маҳр / Ислом. Энциклопедия. – Б.158.

Маҳр хотиннинг шахсий мулки ҳисобланиб, келин уни тўла ҳуқуқли эгаси бўлган. Маҳрни ўз вақтида тўламаслик хотинга то у тўлиқ тўланмагунча шартли ажралиш (фасх) ҳуқуқини берган. Никоҳ қилиш учун маҳр белгиланган бўлиши шарт (маҳр-и мусаммо). Агар маҳр белгиланмаган бўлса, қози келиннинг қишлоғидаги, ўзига ўхшаш қизларга берилган маҳрни куёв беришини талаб қилади (маҳр ал-мисл). Бу ерда ўзига ўхшаш дейилганда ёш, бокира, ажрашган ёки бевалиги, дини, чиройи, ақли-заковати, шаҳри ва даври эътиборга олинади¹⁴³.

Талоқ билан боғлиқ атамалар

طلاق – талоқ. Талоқ араб тилида қўйиб юбормоқ, ажралмоқ маъноларига эга. Шариатга қўра эса, никоҳнинг бекор қилинишини англатувчи асосий атама ҳисобланади. Эр томонидан шу сўзнинг айтилиши хотинни барча хотинлик мажбуриятидан тўла озод қилган. Бу ҳолатда эр томонидан хотинга берилган мол-мулк (маҳр) хотинда қолиши ва эр хотинни идда муддати ўтгунча моддий таъминлаб туриши керак.

“Маҳзану-л мутеин” асарида талоқнинг турлари ҳамда фақат талоқда ишлатиладиган билан боғлиқ атамалар, касал одамнинг талоғи, ёзиб берилган талоқ, талоқнинг вақтга боғланиши каби масалалар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган¹⁴⁴. Масалан:

المعلق – муаллақ. Луғавий маъноси осилган, илинган, муаллақ деганидир. Ушбу икки сўз ўзаро бирикиб истилоҳда ўзга бир маънони билдиради. У кўпинча талоққа нисбатан ишлатилиб, унда киши талоқни бирон вақтга тааллуқли қилиб қўйишидир. Масалан: “إن جاء يوم كذا فأنت طالق”- “у фалон куни келса сен талоқсан” деган жумладан. “Талоқ қилинган” атамаси фақат аёл кишига нисбатан ишлатилганлиги сабабли, у ҳам “طالق” ҳам “طالقة” кўринишида бўлиши мумкин. Бунда муаннасни билдирувчи ة катта аҳамият касб этмайди.

¹⁴³ Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л-мутеин. – 440а-441а-варақлар.

¹⁴⁴ Ўша асар. – 488а-488б-варақлар.

Бундан ташқари, талоқни иш ҳаракатга боғлаш ҳам мумкин. Бу куйидаги икки хил йўл билан адо этилади:

1. نحن ذاهبون إلى بلد كذا، فإذا دخلنا البلد فأنت طالق – биз фалон шаҳарга кетаяпмиз, ўша ерга кирганимзда (етиб келганимизда), сен талоқсан. Бу талоқ тури мақсад асосида амалга оширилади. Йўлни аёл билиши, ёки у ерда танишлари борлиги шунга ўхшаш келишувлар асосида юзага келади.

2. لا تخرجي من الدار، فإن خرجت فأنت طالق – уйдан чиқмагин, чиқсанг талоқсан. Бунда эса эркак аёлни бирор номақбул иш ҳаракатдан тийиш, ёки бошқа мақсадларда унда қўйган шартидир.

الظهار – зихор. “аз-зихор” сўзининг луғавий маъноси орқа, бел, қоринни англатади. Истилоҳий маъноси эса кишининг ўзининг аёлига “أنت “علي كظهر أُمي” – “сен менга онамнинг қорнидексан” дейиши билан харом қилиши ва талоққа киноя қилиши, яъни у билан бошқа ҳаёт кечиришни хоҳламаслигини билдирганлар.

Жоҳилия даврида эркаклар ушбу жумлани жуда кўп қўллаб, аёлларга кўп азоб берганлар. Ўз аёлидан кечиш йўли ушбу жумла асосида жуда осон бўлиб қолган. Кўплаб оилалар бузилиб кетган. Сўнгга бу азобларга чидай олмаган Ҳавла бинт Саълаба, Расули акрам ҳузурларига келадилар, ва барча содир бўлаётган воқеаларни бирма-бир айтиб берадилар. Кейин эса ушбу адашишлар юзасидан “Мужодала” сураси нозил қилинади. Ушбу муамоларнинг барчасига Муҳаммад (с.а.в) даврларида ечим топилади. Бу атама ҳам узоқ тарихга эга бўлиб, ҳозирда истеъмолдан чиқариб ташланган.

الإبانة – луғавий маъноси баён қилмоқ, зоҳир қилмоқ, кўрсатиб бермоқ. Истилоҳий маъноси эса аёлни боин талоқ қилишни билдиради. Боин талоқ икки хил бўлади. Кичик боинда талоқ қилинган аёлнинг иддаси ўтгач, янги маҳр бериб, никоҳлаб олиш мумкин. Катта боинда аёл уч марта талоқ қилинган бўлиб, то у бошқа эркак билан никоҳ қилиб чиқмагунча, қайта никоҳлаб бўлмайди. Агар аёл талоқ қилинишини сўраб молини фидо қилса ва эри шундай қилса катта боин талоқ тушади. Бу атаманинг ҳам

иккала маъноси бир биридан фарқ қилади. Луғавий маънода талоқ деган таржимаси ҳам йўқ. Лекин шариатда “сен талоқсан” деган ибора зоҳирона, яъни аёлга ҳам эшиттириб айтилгани учун, фақат қалбда эмас балки тилда ҳам айтилгани сабабли ушбу атама истилоҳий маънода талоқни билдириш учун қабул қилинган.

الناشزة – Луғавий маъноси жойидан кўтарилиб, бўртиб чиққан жой деганидир. Истилоҳий маъноси эса эрлик уйини шаръий қонун қоидаларга хилоф равишда тарк этиб, эри билан яшашдан воз кечган аёлга нисбатан ишлатилади. Бундай аёллар эрига итоатсизлик қилгани учун ундан тегадиган улушдан маҳрум этилган.

عِدَّة – идда. *Иддат ал-маръа* яъни араб тилида маълум вақт, фикҳда эса аёллар учун белгиланган муҳлатни англатади. Шариат бўйича эри ўлган ёки эридан ажрашган хотинлар бошқа эрга чиқиши учун ўтиши шарт бўлган муҳлат. Бундай аёлларга идда ўтмагунча эрга чиқиш таъқиқланган. Идда бева учун тўрт ойу 10 кун, эридан ажралишган ҳайз кўрмайдиган аёл учун уч ой, ҳайз кўрадиган аёлнинг иддаси уч ҳайз қилиб белгиланган. Иддан мақсад аёлнинг ажралган ёки ўлган эридан ҳомиласи бор ёки йўқлигани аниқлашга асосланган.

Эридан талоқ ила ажраган аёл, идда муддатини эри билан ўз уйида ўтказиши лозим. Чунки бу, яна қайта ярашиш учун берилган имкониятдир. Иддаси тугаган хотин эрга тегиши мумкин. Аввалги эридан туғилган ўғил болалар 7- 8 ёшгача, қизлар турмушга чиқиш вақтигача (13-15 ёшгача) онаси билан қолдирилган. Ҳомиладор аёлнинг эри вафот этса ёки талоқ қилган бўлса, иддасини бола туғилгунгача ҳисобланади.

мерос масаласига оид атамалар

Ворис (وارث) – арабча “меросхўр, мерос олувчи”. Бирор шахс вафот қилса, унинг энг яқин қариндошлари унга тегишли мол-мулк ва моддий бойликларини тақсимлаб оладилар. Бу тақсимот Қуръон ва ҳадис кўрсатмасига кўра қатъий белгиланган.

Тарика, тарикот (ترکه، ترکات) – арабча “ташлаб кетилган мол-мулк; мерос”. Ўлган одамдан қолган мерос, мол-мулк. Мерос қолган мол-мулк шаръий жиҳатдан тўртга тақсимланади. Аввал мурданинг кафанлик ва дафнига сарфланади, кейин қарзлари берилади, сўнг мероснинг қолган қисмининг учда биригача васият қилган жойларига сарфланади. Васиятдан қолгани меросхўрларга Куръон ва ҳадисда кўрсатилган миқдорда тақсимланади. Аввал фарзандлар, эр-хотин ва ота-онага берилади, улар бўлмаган тақдирда иккинчи даражали қариндошларга ўтилади. Мерос тақсимоти алоҳида илм сифатида шаклланган ва у “фароиз” деб аталади.

Қисмат (قسمت) – араб тилида тақсимлаш маъносини берувчи мазкур фикҳий атама сифатида меросни шариатда кўрсатилган тақсимот бўйича тақсимлаш.

Учинчи боб бўйича хулоса. Юқорида билдирилган мулоҳазаларни умумийлаштирадиган бўлсак, ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид фикҳий атамалар ўзининг кенг қамровлиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туриши яққол кўзга ташланади. Чунки унинг қатлами ислом фикҳшунослигида кўрилиши белгиланган деярли барча мавзуларни қамраб олади. Шу сабабли унинг таркибида оилавий, иқтисодий, савдо-сотиқ ва мусулмонларнинг ўзаро муносабатларига оид атамаларни учратамиз. Умуман олганда, эътиқодий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид фикҳий атамаларнинг аксарияти араб тилига мансуб. Шундай бўлса-да, араб тилига бошқа халқлардан кириб келган айрим атамалар ҳам учраб туради. Бу айниқса араб халифалиги юзага келгунга қадар ижтимоий-иқтисодий тизим юксак ривожланган Юнон-Рим маданияти таъсирида кириб келган нумератив номлари масалан, динор, дирҳам, ратл, мисқол мисолида кўришимиз мумкин. Бироқ, соҳага оид аксарият атамалар асрлар оша араб тилидаги асл шаклида муомалада бўлиб келди.

ХУЛОСА

Мустақил диёримиз Ўзбекистон ўз озодлигини қўлга киритганидан сўнг ватанимиз ўтмишини шу билан бирга мазкур заминда яшаган халқларнинг тил бойлигини ҳам ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг юзага келди. Шу сабабли адабий манбалар ҳамда тилшуносликка оид асарлар тадқиқи доирасида Терминология муаммолари мазкур соҳа олдида турган долзарб вазифалари қаторида туради. Мазкур магистрлик диссертациямизда юртимизда етишиб чиққан етук алломалардан бири Сўфи Оллоёр каламига мансуб “Маҳзану-л-мутеъин” асаридаги терминалогик қатламнинг ўрганилиши ана шу мақсад йўлида бажарилган кичик бир иш сифатида юзага келди. Мавзу устида изланишлар олиб бориш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

- ўзбек тилидаги терминалогик қатлам бошқа тиллардагидек узок тарихий даврни босиб ўтди. Айниқса, Ўрта Осиё ҳудудига ислом динининг кириб келиши билан араб тилидаги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид атамалар чуқур кириб келди. Айниқса ислом ҳуқуқи яъни, фикҳ билан боғлиқ махсус терминалогик қатлам шаклландики, биз бунини ўша даврларда яратилган фикҳий асарлари орқалигина ўрганишимиз мумкин.

- бугунги ўзбек тили Терминологияси ўзида араб-форс, туркий, сўғд, хитой-мўғул, рус-европа каби тиллардан ўтган ранг-баранг лисоний бойликка эга бўлиб, уларнинг таржимасиз айнан қабул қилиниши терминалогик қатламни анча бойитди. Бироқ, илм-фан, касб-хунар, техника ва технология тараққий этган бир вақтда замонавий атамаларнинг кўр-кўрона таржима қилиниши нафақат айни мазмунни акс эттирмаслик ҳолатларига балки, ўзбек тилининг стилистикасининг бузилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шу сабабли бу муаммони тилшуносликнинг долзарб муаммолари қаторида ҳал этиш учун махсус қоидалар, чора-тадбирлар жорий этишни талаб этади.

- ўзбек тили Терминологиясида ислом ҳуқуқшунослиги яъни фикҳга оид атамалар ўзига хос лексик бойлик бўлиб, мустақилликдан

кейинги даврда илмий-оммабоп нашрларга шиддит билан қайтадан кириб келди. Айниқса, бу мавзудаги китоблар кўламининг (илмий-оммабоп, дарслик ва ўқув қўлланмалар) кенгайган ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг муомалага киритилаётган бир даврда уларнинг ҳақиқий ва аниқ маъноларини англаган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зеро кичик бир ноаниқликлар юртимизда шаклланган соф ҳанафий мазҳабида йўғрилган таълимотнинг асл ҳолида ривожланишига салбий таъсир ўтказиши ҳам мумкин. Бунинг учун фикҳга оид атамаларни бевосита аجدодларимизнинг фикҳ соҳасидаги ёзма мероси асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

- юртимиз заминида кўплаб фикҳ олимлари етишиб чиққани ҳамда уларнинг асарларини бугун бутун дунё тан олмоқда. Сўфи Оллоёр ижодининг асосий йўналиши ҳам фикҳ соҳасига бағишланган бўлиб, унинг “Маслаку-л-муттақин” (Тақводорлар маслагини), “Муроду-л-орифин” (Орифлар муроди), “Маҳзану-л-мутеъин” (Итоаткорлар хазинаси) ҳамда “Саботу-л-ојизин” (Ојизлар саботини) асарлари нафақат Туркистонда, балки унга кўшни ўлкаларда яшовчи халқлар орасида кенг тарқалган. Ушбу асарларнинг қўлёзма нусхалари ва тошбосма нашрларининг кўплиги аҳолининг уларга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжининг ёрқин далилидир.

- Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л-мутеъин” (Итоаткорлар хазинаси) асари ўша даврда араб тилида ёзилган кам сонли асарлардан саналади. Муаллиф ўз асарини ёзишда Қуръони карим, ҳадислар ҳамда ислом оламида машҳур бўлган алломаларнинг фикҳ, ақида ва ҳадисшунослик мавзуларидаги ўттизга яқин асарлардан фойдаланган. “Маҳзану-л-мутеъин” икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлим “Ақидалар китоби” деб номланган. Иккинчи бўлим эса фикҳнинг амалий масалаларига бағишланган бўлиб, асосий эътибор таҳорат, намоз, закот, рўза, никоҳ, талоқ масалаларига қаратилган.

- “Маҳзану-л-мутеъин” асари кўтарилган мавзуларига кўра Сўфи Оллоёрнинг форсийда ёзилган “Маслаку-л-муттақин” асаридан торроқ.

Лекин муаллифнинг ушбу асардан кўзлаган асосий мақсади аҳолининг кундалик турмушида энг кўп мурожаат қилинадиган ақида, намоз, закот ва оила мавзуларини танлангани ҳолда қиёсий-таҳлилий жиҳатдан кенг ёритилганини ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

- аввало атамалар муайян бир соҳага оид тушунчаларнинг аниқ ифода этувчи сўзлар бўлса-да, лекин бу сўзларнинг қўлланиши шу соҳа кишилари доираси билан чегараланмаслигини таъкидламоқ лозим. Яъни атамаларнинг бири қисми маъноси у тегишли соҳага алоқаси бўлмаган кишилар учун ҳам тушунарли бўлиши ва мусулмонларнинг кундалик турмуш тарзида ҳам қўлланилиши мумкин (масалан мазҳаб, намоз, таҳорат, никоҳ, садақа каби). Иккинчи бир қисми эса муайян бир соҳа кишилари учун тушунарли бўлади ва уларнинг нутқида қўлланади (таквин, самиъ, асаба, зихор ва ҳақ.).

Изланишларимиз жараёнида кейинги тадқиқотлар учун бевосита дахлдор бўлган айрим фикр-мулоҳазаларимизни ҳам билдириб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистон жамиятида ислом омилини тўғри баҳолаган ҳолда фикҳга оид атамаларнинг ўзбек тилида қўлланиши муаммоларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун энг аввало юртимизда етишиб чиққан алломаларнинг араб, форс ва туркий тилларда ёзиб қолдирган фикҳ мавзусига оид асарларини қиёсий ўрганиш, атамаларнинг лексик-семантик маъноларини чуқур тадқиқ этиш орқали ҳар бир атаманинг тарихий илдизлари билан бирга бугунги кундаги аҳамияти тўғри очиб бериш, шарҳлаш мақсадга мувофиқ. Бу эса нафақат ўзбек тилшунослиги ривожига балки, ёшлар ва аҳоли орасида асосан араб тилидаги атамаларда ифодаланадиган ақидавий, фикҳий ва шаръий масалаларни аниқ-равшан тушуниб етишларида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И. Миллий истиқлол мафкуриси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 32-б.
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ. 1998. – 31б.
3. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

II. Илмий адабиётлар

Ўзбек тилида

4. Ан-На’йим. Арабча-ўзбекча луғат. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – 559 б.
5. Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи (XIV асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши). – Т.: Фан, 2007. – 156 б.
6. Жуманазар А. Тескари оқётган сув // <http://www.yozuvchi.uz>
7. Ислон. Энциклопедия. З.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2004. – 313-б.
8. Исомиддинов З. Терминлар таржимасида меъёр // Фан ва турмуш. – Тошкент, 2014. – №3-4. – Б.37-39.
9. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2001. – 408-б.
10. Сайфиддин Сайфуллоҳ.«Маслакул-муттақин» асарида фикҳий ва ахлоқий қарашлар // <http://huquqburch.uz/uz/view/812>
11. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-қисм. – Т., 2001.

12. Содикова У. Сўфи Оллоёрнинг “Маҳзану-л мутеин” асарида бадий талқин масалалари. Магистрлик диссертацияси. Т.: ТДШИ, 2012.
13. Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. – Т.: Фан, 2007. – 176 б.
14. Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. – Т., 2013. – 495 б.
15. Шайх Дўст Муҳаммад Турсун. Мерос рисоласи. – Т.: Адолат, 2004. – 19 б.

Рус тилидаги тилида

16. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI - XIV вв. Т., 1991.
17. Ковыршина Н.Б., Самodelькина Л.В. Лексикология арабского языка. Учебное пособие. – Москва, 2008. – 57 с.
18. Краткий каталог суфийских произведений XVIII - XX вв. из собрания Института Востоковедения Академии Наук Республики Узбекистан им. Ал-Бируни. – Берлин, 2000.
19. Краткий словарь иностранных слов. Под. ред. И.В.Лёхина и Ф.Н. Петрова. 5-е переработанное и дополненное издание. – Москва, 1950.

Диссертация ва авторефератлар

20. Мамадалиева Н.С. XVII асрнинг иккинчи ярми - XIX аср биринчи ярми ўзбек тили ёзма ёдгорликлари лексик хусусиятлари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2012.
21. Шокиров Т.С. Формирование и развитие юридических терминов таджикского языка. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Душанбе, 2011.

III. Манбалар (ТДШИ ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондидаги қўлёзмалар ва тошбосма нашрлар)

а) қўлёзмалар

22. Абдулазиз Амир Кулолий. Тазкираи машойихи мааххирини. Шарқ қўлёзмалар маркази. Қўлёзма №79.
23. Абдулматлаб Фаҳмий. Тазкират уш-шуаро. Шарқ қўлёзмалар маркази. Қўлёзма №2331.
24. Муҳаммад Шариф маҳдум. Асоми кутуб. Шарқ қўлёзмалар маркази. Қўлёзма №2460.
25. Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л мутеин. Шарқ қўлёзмалар маркази Ҳ.Сулаймонов фонди. Қўлёзма №2166.
26. Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л мутеин. Шарқ қўлёзмалар маркази Ҳ.Сулаймонов фонди. Қўлёзма №4590.
27. Сўфи Оллоёр. Маҳзану-л мутеин. Шарқ қўлёзмалар маркази. Қўлёзма №4982.

б) тошбосмалар

28. Маслак ал-муттақин. – Қозон, 1912. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №4742. – 526 б.
29. Маслак ал-муттақин. – Навалкишвар, 1891. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №4746. – 630 б.
30. Маслак ал-муттақин. Ношири Абдуллоҳ Соҳиб Ғазнавӣ. – Лакҳнав, 1873. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №4744. – 630 б.
31. Маслак ал-муттақин. Ношири Яъқубхожа эшон. – Тошканд, 1896. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №10697. – 624 б.
32. Мурод ул-орфин. – Москва, 1858. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №4955. – 57 б.
33. Мурод ул-орфин. Ношири Абдулҳаким ибн Абдурашид ал-Қозонӣ. – Қозон, 1860. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №18508. – 144 б.
34. Муроду-л-орифин. Ношири Абдуллоҳ ҳожи. – Тошканд,

1910. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №3164. – 380 б.

35. Саботу-л-ожизин. – Қозон, 1847. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №21131. – 42 б.

36. Саботу-л-ожизин. – Самарқанд, 1908. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №11027. – 118 б.

37. Саботу-л-ожизин. Ношири Абдулқодир саххоф. – Хўканд, 1890. Босма №192. – 180 б.

38. Саботу-л-ожизин. Ношири Абдурауф хожи Абдунаби ўғли. – Тошканд, 1906. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №4200. – 120 б. (1914, 1916 йилларда ҳам).

39. Саботу-л-ожизин. Ношири Мирзо Аҳмад Мирзо Карим ўғли. – Тошкент, 1909. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №4199. – 120 б.

40. Саботу-л-ожизин. Ношири Саййидхожа эшон. – Бухоро, 1910. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №4204. -

41. Саботу-л-ожизин. Ношири Шайх Сулаймон Афанди Бухорий. – Истанбул, 1881. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №191. – 87 б.

42. Саботу-л-ожизин. Ноширлари Абдулқодир махзум ва Мир Авазшоҳ. – Хива, 1898. Шарқ қўлёзмалар маркази. Босма №4201. – 144 б.

Манбаларнинг таржима ва табдил нашрлари

Ўзбек тилида

43. Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи ва таржиман Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – 29б. (www.muslim.uz сайтининг электрон нашри) – 29 б.

44. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Мубайян” ва насрий баёни. “Рисолаи волидия” назмий таржимаси ва шарҳи. Насрий баён ва шарҳлар муаллифи Мирзо Кенжабек. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014. – 447.

45. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Китоб ус-салот. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқмероси нашриёти, 1993. – 70 б.

46. Исҳоқхон Тўра Иброт. Фикҳи Кайдоний назми. Нашрга тайёрловчи Н.Насруллаев. – Т., 2012.

47. Исҳоқхонтўра Иброт. Фикҳи Кайдоний назми. Нашрга тайёрловчи Н.Насруллаев. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012. – 93 б.

48. Насафий Лутфиллоҳ. Фикҳи Кайдоний (Матн, таржима). Нашрга тайёрловчилар: Н.Насруллаев, З.Исломов. – Т., 2010. – 94 б.

49. Сўфи Оллоёр. Маслаку-л-муттақин. Таржимон Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли. Нашрга тайёрловчилар С.Сайфуллоҳ, А.Деҳқон. – Т.: Шарқ, – Т., 2012. – 494 б.

Рус тилида

50. Маргинани. Хидоя. Комментарий мусульманского права. Ответственный редактор, автор вступительной статьи и комментариев проф., д.ю.н. А.Х.Саидов. Т.1. – Т.: Узбекистан, 1994. – 480 с.

51. Маргинани. Хидоя. Комментарий мусульманского права. Ответственный редактор, автор вступительной статьи и комментариев проф., д.ю.н. А.Х.Саидов. Т.2. – Москва: Волтерс Клувер, 2010. – 656 с.

IV. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

Ўзбек тилида

52. Сувонкулов И., Қодиров М. Сўфий Оллоёр / Маънавият юлдузлари. – Т., 1999. – Б.291-293.

53. Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. – Тошкент, 1968. – Б.106-128.

54. Ходжаева Д. Лексикологияга доир терминларнинг инглиз, рус ва ўзбек тили изоҳли луғатларидаги талқини // Филология масалалари. Илмий-методик журнал. – Тошкент, 2011. – №4. – Б.94-100.

Рус тилида

55. Мякшин К.А. Разнообразие подходов к определению понятия «термин» // Альманах современной науки и образования. – Тамбов: Грамота, 2009. – №8(27). Ч.II. – С.109-111.

56. Прохорова В.Н. Об эмоциональности термина // Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. – М., 1970. – С.153-159.

57. Реформатский А.А. Мысли о терминологии // Современные проблемы русской терминологии. – М., 1986. – С.165-198.

58. Реформатский А.А. Что такое термин и терминология // Вопросы терминологии. – М., 1959. – С.49-51.

59. Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории / Отв. ред. Т.Л. Канделаки. Изд-е 2-е. – М.: Эдиториал, 2003. – 248 с.

60. Эльсабрути Р.Р. Проблемы арабской лексиологии // Ученые записки Казанского университета. Гуманитарные науки. Т.152. Кн.6. – Казань, 2010. – С.170-179.

61. Юшина И.А. О некоторых подходах к изучению термина // <http://yushina.com/О-некоторых-подходах-к-изучению-терми/>

V. Интернет сайтлари

62. <http://azan.kz/library/show/id/17.html>

63. <http://slovar-islam.ru/books/nomer/25.html>

64. <http://www.falaq.ru/dict.php>

65. <http://www.fiqh.uz>

66. <http://www.islam.uz/home/islamskie-terminy.html>